O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **16** ноябрь, жума № **46** (2225).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **16** ноября, **2007** год, № **46** (2225).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена договорная

Бугунги кунда мамлакатимиз, элюртимиз ҳаётнинг барча соҳа ва йўналишларида янги ва улкан ўзгаришлар бўсағасида турибди. Бу юксак марраларга эришиш учун бизда пухта ишланган, тажрибада ўзини оқлаган стратегия ва ҳаракат дастури ҳам, имконият ва салоҳият ҳам, ирода ва азму шижоат ҳам етарли.

Ислом КАРИМОВ

Олий Мажлис сенатида

БЮДЖЕТ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг мажлисида "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий таркибий бўлинмалари томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг бу йўналишдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармонида ҳамда 2007 йил 2 октябрда қабул қилинган "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифалар руҳида амалга ошириб келинаётганлиги мажлисда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Олий Мажлис Сенати қўмитасининг мажлисида ишчи гуруҳ аъзоларининг, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек унинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари ва мансабдор шахсларининг ахборотлари тингланди, шу аснода мазкур Қонун талабларига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимида бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги ҳам айтиб ўтилди. Аниқ мақсадга йўналтирилган дастурлар, шунингдек ҳукумат қарорлари доирасида фуқаролар соғлиғини сақлашни тубдан яхшилаш, аҳолининг соғлом ва муносиб турмуш тарзини таъминлаш юзасидан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, навқирон авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш учун зарур шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими бутунлай қайта кўриб чиқилди ҳисоб, аҳолига юқори малакали бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган ихтисослаштирилган касалхоналар ва бўлимлар тармоғи яратилди. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида жиддий ўзгаришлар содир бўлди, замонавий тиббий техника билан жиҳозланган уч мингдан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Тиббиёт ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан қайта кўриб чиқилганлиги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини анчагина яхшилашга ёрдам берди.

Бюджет маблағлари соғлиқни сақлаш тизимининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда сарфланди, бу эса тармоқнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини мақбуллаштириш ишларини давом эттириш имконини берди.

2007 йилги Давлат бюджети параметрларида соғлиқни сақлашга ўтган йилги кўрсаткичдан 32 фоиз кўп маблағ назарда тутилган, бу йил тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари 1,4 баравар ўсди. Моддий рағбатлантириш ва моддий-техникавий ривожланиш жамғармаси маблағлари икки баравар ошди. Бу эса ишда ўзини кўрсатган ва ибрат бўлган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш имкониятларини кенгайтиришга ҳамда уларнинг меҳнат шароитлари, иш натижалари ва сифатини яхшилаш вазифаларини ҳал қилишга ёрдам берди.

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳажми бошқа манбалар қатори пулли хизматларни ривожлантириш ҳисобига йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2007 йили бюджетга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баравар кўп қўшимча маблағ тушди.

Шу билан бирга мажлис иштирокчилари айрим соғлиқни сақлаш муассасаларида, айниқса Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида бюджет маблағларидан ўз ўрнида ва самарали фойдаланмаслик, пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар камомади ҳамда уларни талон-торож қилиш ҳоллари ҳамон барҳам топмаганлигини ҳам айтиб ўтдилар.

Масалани муҳокама қилиш чоғида сенаторлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари эътиборини ажратилаётган маблағлардан тармоқни тартибга солиш, камқувват муассасаларни кўп тармоқли касалхоналар ва поликлиникаларнинг таркибий бўлинмаларига айлантириш орқали оқилона ва самарали фойдаланишни назорат қилиб бориш ва ҳисобга олишни кучайтириш кераклигига, шунингдек бюджетни ҳар бир кишига тўғри келадиган сарф-харажатлар нормативини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва молиялаштиришга ўтиш ишларини тугаллаш зарурлигига қаратдилар.

Мажлисда мамлакатимиз тиббиёт муассасаларини ислоҳ қилиш жараёнини янада чуқурлаштириш, улар фаолиятини такомиллаштириш вазифаси тиббий ёрдамни ташкил этишга ва бундай ёрдамни кўрсатиш шаклларига янгича талаблар қўяётганлиги, бу эса "Фуқароларни тиббий суғурталаш тўғрисида"ги янги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ишлаб чиқишни, "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва амал қилиб турган қонуности ҳужжатларини такомиллаштиришни талаб қилаётганлиги ҳам қайд этиб ўтилди.

Муҳокама якунлари асосида тегишли қарор қабул қилинди.

Қўмита мажлисида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, Молия, Иқтисодиёт, Адлия вазирликлари, Молия вазирлиги ғазначилиги ва Марказий банк, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек бошқа манфаатдор давлат бошқарув органлари ҳамда нодавлат муассасалар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА).



Жанговар ҳаётнинг илк сабоқлари

Комодилин ТУРАЕВ сурата олган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бу Конституциямизда, қонунларимизда ва умумэътироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалдаги натижаларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда 2005 йил 8 августда қабул қилинган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонлари бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Инсоннинг яшаш ҳуқуқини мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан қабул қилинган мазкур фармонлар мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган сиёсатнинг амалий тасдиғидир.

Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари киритилиши дунёнинг бу йўналишдаги илғор тенденцияларига тўла мувофиқ келади ҳамда Конституциямизда эътироф этилган инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойилларини ўзида ифода этади. Конституциямизнинг 19-моддасида белгиланганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, ҳуқуқ ва эркинликлардан суднинг қарорисиз маҳрум қилишга ёки уларни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмас. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан судлар ваколатига ўтказилиши ана шу конституциявий норманинг амалга оширилишини таъминлайди.

Президентимизнинг нома қайд этилган фармонларида белгилаб берилган вазифаларни амалда қўллаш имкониятини, яъни ҳуқуқий механизмини яратишга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Пленумда мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлашга қаратилган "Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо киритилиши муносабати билан қабул қилинган қонунни қўллаш тўғрисида"ги, "Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги масалалар муҳокама этилди.

Ушбу масаланинг ўта муҳим ва долзарблигини инобатга олган ҳолда суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар томонидан мазкур қонуннинг тўғри қўлланилишини таъминлаш, судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмларини ҳамда ягона суд амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар, Адлия вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Адвокатлар уюшмаси ҳамда Тошкент давлат юридик институти вакилларидан иборат таркибда ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ишчи гуруҳ томонидан мазкур масалалар бўйича олимлар, амалиётчилар ва бошқа давлат идораларининг фикр-мулоҳазалари олинган ҳолда пленум қарорларининг лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Мажлисда шу хусусда фикр алмашилди ва муҳокамага киритилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

(ЎзА).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



ҲИЛПИРАЙВЕР, ҚАЛБИМИЗГА ИФТИХОР СОЛИБ

(18 ноябрь – давлатимиз байроғи қабул қилинган кун).

Давлатимиз рамзлари қабул қилинган кунлар биз учун қадрли, ўзига хос байрамдек гап. Ахир бу рамзлар ўзлигимизни, мустақиллигимизни, мустақил тараққиёт йўлимизни кўрсатиб берувчи ўзига хос маёқ-да.

Яхши биламиз, 16 йил муқаддам, яъни 1991 йилнинг 18 ноябрида республикамиз Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган еттинчи сессиясида миллий рамзларимиздан бири бўлган давлатимиз байроғи тасдиқланди. Мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган қудратли салтанатларнинг байроқларига хос энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда мустақил Ўзбекистоннинг бу рамзи ҳам халқимизнинг миллий, маънавий-маданий ўзлигини акс эттирган, десак муболаға қилмаган бўламиз.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



ЖАНГОВАР ҚУДРАТИНГ – МЕТИН САФЛАРДА

Бугун истиқлолнинг моҳияти, аҳамияти борасида тўхталишдан кўра миллий уйғониш, миллий тикланишдек устувор вазифаларни ўзида мужассамлаштирган энг улуғ неъматимизнинг самарасидан, у туфайли эришаётган улкан-улкан ютуқларимиздан кўпроқ сўз очиш жоиз, назаримда. Миллий уйғониш сабаб маънавий-руҳий бойликларимизни англаяпмиз, демакки Ватан, аждодлар олдидаги бурч, масъулият туйғуларини теран ҳис қиляпмиз.

(Давоми 3-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислоҳотларимиз пировард натижада ягона мақсадга – халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, ҳар бир инсонга ўзининг интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратиб беришга қаратилиши даркорлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 8-бетда).

САЙЛОВ – ОЛИЙ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломовнинг Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари жамоатчилиги билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувдан кўзланган мақсад мамлакатимиз олий таълим тизими вакилларига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссияси фаолияти, шунингдек, унинг доирасида ташкил этилган тадбирлар хусусида маълумот бериш эди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Таълим соҳаси вакиллари кенг жамоатчилик, биринчи галда, ёшларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг мазмуни ва аҳамиятини, демократиянинг асосий шарти бўлган эркин сайловлар, миллий сайлов қонунчилигимизнинг моҳиятини тушунтириб беришда муҳим ўрин тутади. Бу фаолиятнинг нечоғли самара беришини Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломовнинг ўтган ҳафтада ёшлар вакиллари билан бўлган учрашуви ҳам тасдиқлади.


Мулоқот чоғида бугун турли ўқув юртларида ҳар томонлама чуқур таълим олаётган, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбияланаётган йигит-қизлар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришларда, чунончи давлат бошқарувини ислоҳ қилишда фаол иштирок этишга интилаётгани яққол намоён бўлди. Бугунги ёшлар бўлиб ўтадиган сайловда уларнинг эркин хоҳиш билдириши мамлакатимизни ривожлантириш учун нечоғли муҳим аҳамият касб этишини теран англайди. Буларнинг барчаси олимлар ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари, одамлар, жумладан ёшлар онги-шуурида демократик қадриятларни шакллантиришга катта ҳисса қўшаётганини яна бир карра тасдиқлайди.

Марказий сайлов комиссияси 22 нафар аъзосининг 3 нафари олий ўқув юртлари ректорларидир. 14 округ сайлов комиссияси раисларининг иккитаси ректорлардан сайланган. Бундан ташқари, олий ўқув юртларининг обрўли ва тажрибали вакиллари округ ҳамда участка сайлов комиссиялари таркибига киритилган. Олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ва мактабларнинг замонавий биноларида сайлов участкалари жойлашган. Бир сўз билан айтганда, сайловни самарали ўтказишни таълим тизими вакилларининг бевосита иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.


(Давоми 2-бетда).



4 ИЛҒОРЛАРИМИЗ
ПРОФЕССИОНАЛЛИК ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ



5 POSBON BO'LAR YIGITNING MARDI
MAS'ULIYAT HISSI USTUVOR



9 «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»
ТАДБИРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК!



10 ПЕРЕДОВОЙ ОПЫТ
ДВОЙНОЙ РЫВОК КАПИТАНА БЕБИТОВА

УЗБЕКИСТАН – ГОСУДАРСТВО С ВЕЛИКИМ БУДУЩИМ

Заметки публициста

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: ДЕМОКРАТИЯ И СОЦИАЛЬНЫЙ ПРОГРЕСС

Совсем немного времени остается до очень важного и очень дорогого для всех нас праздника – Дня Конституции и 15-летия ее принятия нашим государством. Эта далеко не символическая и не абстрактная, а завоеванная трудом народа историческая дата знаменует собой законодательное закрепление государственной независимости и избранного народом демократического пути развития нашей страны, недавно отметившей свое 16-летие.

Когда мы говорим о достигнутых страной успехах на пути обновления и прогресса, то отчетливо понимаем, что наши достижения за 16 лет независимого развития во всех сферах жизни общества и государства – в политической, социально-экономической и духовной, в развитии демократии, защиты прав и свобод человека, неразрывно связаны с требованиями и нормами нашего Основного Закона — Конституции Республики Узбекистан. И сегодня, говоря о нашей Конституции, думаю, нелишне подчеркнуть два основополагающих фактора, связанных с ее рождением и общественно-политическим значением.

Первый. Наша Конституция прошла международную и очень пристрастную экспертизу специалистов авторитетных государств и международных организаций, таких как США, Великобритания, Франция, ООН, ОБСЕ. И все они признали, что Конституция Узбекистана – это действительно демократическая Конституция. Это документ, вобравший в себя общечеловеческие ценности, которые прошли проверку временем, опыт демократического развития передовых и цивилизованных государств, наши национальные ценности и лучшие качества всех людей, живущих в Узбекистане.

И второй. Конституция Республики Узбекистан, сегодня это надо особо подчеркнуть, родилась под непосредственным руководством и при непосредственном участии Президента Ислама Каримова.

Ни одна статья, ни одна правовая норма не остались без его пристального внимания. В каждую из них он вложил свою душу и сердце, заботясь о том, чтобы они служили народу, защищали его интересы, возвышали человека как личность. Именно благодаря ему в Конституции утверждается и гарантируется приоритет интересов каждого гражданина и закрепляется ответственность государственных органов и должностных лиц перед обществом и гражданами. **Человек, его жизнь, честь и достоинство, права и свободы считаются священным, а их неприкосновенность находится под защитой государства.**

Говоря о демократизме нашей Конституции, хочется подчеркнуть, что она полностью впитала в себя основные положения, идеи и принципы Всеобщей декларации прав человека. Каждый житель нашей страны обладает правами гражданства, и никто не может быть лишен гражданства или права на его изменение. И в то же время не допускается двойное гражданство, что в полной мере соответствует международным принципам, закрепленным в Гаагской конвенции 1930 года о непризнании двойного гражданства. И это правомерно: никто не имеет права поставить себя в привилегированное положение и возвыситься над другими в вопросах гражданства.

И еще надо особо подчеркнуть, наша Конституция провозглашает, что все граждане Узбекистана равноправны независимо от национальности, расы, пола, языка, религии, социального происхождения, личного и общественного положения. Все мы, от мала до велика, свободные граждане свободной страны. И именно независимость дала нам эту свободу и помогла нам понять и глубоко осознать, что **с обретением страной независимости и суверенитета началась новая эпоха.** В центре ее – принципиально новая социальная структура общества, новая политическая власть, новый человек с принципиально новыми потребностями, мышлением, ориентацией на новые ценности. Другими словами – это эпоха раскрепощения личности, индивидуализации всех сторон бытия. И вместе с тем, растущая из года в год сопричастность каждого к тому, что нас окружает, усиливающаяся общественная и политическая активность людей различных национальностей на началах подлинной дружбы и согласия в борьбе за свое светлое будущее.

Не будет преувеличением сказать, что все люди, живущие на нашей благодатной земле, глубоко осознают и высоко ценят самое главное достояние нашей сегодняшней жизни, наше бесценное благо – мирную жизнь и стабильность, все более укрепляющуюся в обществе атмосферу взаимоуважения, гражданского, межнационального и межконфессионального согласия. Сегодня в республике свыше 130 наций и народностей. И всех их объединяет наша независимая Родина – Республика Узбекистан. Как подчеркивал глава нашего государства, она священна для каждого гражданина страны. И это естественно, потому что для каждого человека, к какой бы национальности он ни принадлежал, интересы Родины превыше всего.

Нельзя не сказать, что расцвет наций и национальное согласие выросли в нашей стране не спонтанно и не на пустом месте. Еще в 1990 году Президент Ислам Каримов обосновал и рекомендовал искать решение национального вопроса и национального согласия на путях создания национальных культурных центров. Жизнь и практическая работа в национальных диаспорах наглядно подтвердили правильность найденной главой государства формы расцвета национальных культур. Сегодня в стране свыше 100 национальных культурных центров, объединенных в Республиканский интернациональный культурный центр. Осмысливая пройденный ими за годы независимости путь, можно с уверенностью сказать, что национальные культурные центры стали основной движущей силой формирования гражданского и межнационального согласия в стране.

В чем значение национальных культурных центров?

Прежде всего в том, что представители национальных диаспор активно участвуют в решении общественно-политических и социально-экономических задач и как равноправные граждане принимают участие в формировании законодательных и исполнительных органов, в осуществлении культурно-просветительных мероприятий. В ходе работы национальных культурных центров происходит взаимное обогащение культур, крепнет единство и дружба между народами, молодое поколение воспитывается в духе преданности единой для нас Родине – Республике Узбекистан. Сегодня национальные культурные центры – великая мобилизующая сила. Они призваны воодушевить каждого жителя нашей страны, независимо от его национальности и религиозных убеждений, на достижение исторической цели – строительство правового демократического государства, гражданского общества.

Но вернемся к 1990 году. Почему именно тогда, еще до провозглашения независимости, глава государства поставил в порядок дня вопрос о создании национальных культурных центров? Потому что он смотрел далеко вперед. И знал, что самостоятельному, независимому государству нужны прежде всего мир и стабильность. Без них капитал в страну не пойдет. А без него будет значительно труднее войти в мировые хозяйственные связи и мировое сообщество. Уже тогда Президент видел свою страну в числе промышленно развитых государств, среди обладателей компьютерных технологий и передовых систем информации, без которых представить свое будущее просто невозможно.

> ВСЕ МЫ, ОТ МАЛА ДО ВЕЛИКА, СВОБОДНЫЕ ГРАЖДАНЕ СВОБОДНОЙ СТРАНЫ. И ИМЕННО НЕЗАВИСИМОСТЬ ДАЛА НАМ ЭТУ СВОБОДУ И ПОМОГЛА НАМ ПОНЯТЬ И ГЛУБОКО ОСОЗНАТЬ, ЧТО **С ОБРЕТЕНИЕМ СТРАНОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ И СУВЕРЕНИТЕТА НАЧАЛАСЬ НОВАЯ ЭПОХА.** В ЦЕНТРЕ ЕЕ – ПРИНЦИПИАЛЬНО НОВАЯ СОЦИАЛЬНАЯ СТРУКТУРА ОБЩЕСТВА, НОВАЯ ПОЛИТИЧЕСКАЯ ВЛАСТЬ, НОВЫЙ ЧЕЛОВЕК С ПРИНЦИПИАЛЬНО НОВЫМИ ПОТРЕБНОСТЯМИ, МЫШЛЕНИЕМ, ОРИЕНТАЦИЕЙ НА НОВЫЕ ЦЕННОСТИ.

Понимал он и то, что после развала Союза, чтобы страна не пошла вразнос и в обществе не воцарился хаос, нужна была не просто сильная, а очень сильная власть. И он готов был взять эту огромной тяжести ношу на себя. И, хвала Всевышнему, справился с этой задачей блестяще. Именно его воля, организаторский талант, его требовательность, не дающая покоя прежде всего себе и всей его команде, его личная отвага помогли ему недопустить нестабильности и хаоса, угрожавших самим основам независимого развития. В труднейшее для страны время он, как великий стратег, нашел опору в народе, сплотил все нации и народности вокруг себя, вселил в них веру в великое будущее и повел за собой к намеченным целям, постепенно входя в рынок через всемерное обеспечение населения всем необходимым, через уважение к закону, через правопорядок, гражданское и межнациональное согласие, последовательно и решительно углубляя демократические процессы в стране.

Так что же такое демократия и что означает это сладкое слово «демократия»? Власть народа или народовластие. Права и свободы граждан. Образ жизни людей. Важнейший элемент качества жизни на определенной стадии развития. Из этих кратких определений можно сделать вывод, что **демократия – понятие историческое.** Из школьного учебника истории мы знаем демократию, племенную, рабовладельческую, сословную и, наконец, представительную. И что из этого следует? То что **демократия не столько торжественно объявляется, насаждается, привносится извне, сколько нарабатывается в ходе исторического развития.** В нашей ситуации трудность состояла в том, что мы шли от тоталитаризма к представительной демократии. А для этого нужно было повернуть в сторону демократии общественное сознание, изжить старые, изжившие себя стереотипы, неверие людей в реальность поставленных целей, избавиться от иллюзий, оставшихся от прежнего строя и, главное – уверенно, шаг за шагом продвигаться вперед, намеченным главой государства курсом.

На основе новых подходов был избран Олий Мажлис, создан Национальный центр по правам человека, введен институт Омбудсмана, расширилась общественная деятельность махалли, появились новые законодательные акты, соответствующие рыночным отношениям. Постепенно, исподволь к людям приходило осознание того неоспоримого факта, провозглашенного Конституцией, что важнейшим приоритетом в нашей стране стал человек, личность с ее нуждами, потребностями и заботами.

Но наивно было думать, что складывающаяся десятилетиями прежняя система и идеология так быстро сдадут свои позиции. Ведь речь шла о сознании и мышлении. А чтобы их изменить нужны годы и годы. Непонимание этой простой истины и сиюминутные устремления навязать свои стандарты демократии другим странам привело к тому, что определенные круги Запада стали нас обвинять в недостаточных темпах реализации требований Конституции, в нарушениях прав человека и даже в авторитаризме. Но это, как показало время, была грубая попытка сбить нас с намеченного пути и навязать нам не приемлемые для нас стандарты. А как раз наш путь, для которого характерны постепенность, основательность и глубокая продуманность каждого шага, роднит нас с Западом.

В свое время Шарля де Голля тоже обвиняли в авторитаризме. Но что от этого проиграла Франция? Ничего. Только выиграла. Была подведена черта под нестабильностью и сохранена демократия, возрос авторитет Франции как великой державы. Нисколько не умаляя значения последующих президентов, надо признать, что корни нынешнего высокого авторитета Франции были заложены именно де Голлем.

В отличии от де Голля наш Президент идет дальше. Он коренным образом преобразует страну и ее политическую систему. И заметьте, не в интересах усиления власти Президента, наоборот, он уступает ряд полномочий главы государства Кабинету Министров, а ряд функций передает местным органам власти. Более того он вносит в Олий Мажлис проект закона об усилении роли политических партий. Исходит из того, что нет партий – нет демократии, нет межпартийной борьбы – нет демократии, нет у граждан возможности сделать свой выбор – нет демократии. Проводится Референдум Республики Узбекистан, по его итогам Президент рекомендует внести изменения и дополнения в Конституцию, и на этой основе по его инициативе происходит **коренная качественная перестройка политической системы государства.** Сегодня у нас двухпалатный парламент, высоко дееспособный Кабинет Министров, сильная местная власть и уникальная махалля. Сегодня как никогда **возросла активность политических партий,** заметны их лидеры, сформированы программы и каждая из них ориентируется на определенный электорат. Роль всех пяти партий возросла настолько, что они идут на выборы Президента, выдвинув своих кандидатов. Этот фактор говорит о многом и прежде всего о силе партий, и о том, что каждая из них опирается на значительную часть населения.

Выборы – это зеркало в современном мире, которое четко отражает уровень зрелости гражданского общества, уровень развития в нем демократии, степень политической активности и правовой культуры электората. Созданная за годы независимости избирательная система в нашей стране, в совершенствование которой внес значительный вклад глава нашего государства, уже доказала и в предстоящих выборах еще раз докажет, что она является надежным механизмом открытого и транспорентного проведения выборов и одним из наглядных результатов демократических преобразований в стране. Наше избирательное законодательство – это синтез передового опыта развитых стран и сложившихся вековых народных традиций, которое решает главную конституционную задачу – обеспечивает свободное и открытое волеизъявление.

Анфим ХЛЫЗОВ.

MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI

23 ДЕКАБРЬ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА

Ҳамма жойда бўлганидек Тошкент ҳарбий округида ҳам мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён – сайловга тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Ҳарбий қисм ва муассасалар жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари билан яқин ҳамкорликда мазкур жараённинг юксак савияда ташкиллаштирилишига ҳаракат қилмоқдалар. Бу ҳақда тарбиячи офицер Абдувоҳид Бозоров шундай дейди:

– Айни кунда барча ишлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни доирасида олиб борилмоқда. Биз энг аввало мазкур Қонун ҳақида тушунтириш ишларини олиб бордик. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига юртимиз ҳаётидаги улкан воқеанинг туб моҳиятини англатишга ҳаракат қилдик. Бу борада олиб бораётган ишларимизда маҳаллий ҳокимият органлари яқиндан кўмак бермоқдалар. Қисм ва муассасалардаги сайлов участкалари ана шундай ҳамкорлик асосида тузилди. Бунда ҳарбийлар ва уларнинг оилалари учун қулай бўлган ҳудудлар танланди. Шунингдек, участка сайлов комиссиялари ҳам тузилди. Дарҳақиқат, округда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Сайлов участкалари керакли махсус адабиётлар билан таъминланган. Сайлов комиссиялари ҳарбийлар ва уларнинг оилаларини ўз фаолиятлари билан таништирмоқдалар, сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари ҳақида батафсил тушунтириш ишлари ўтказмоқдалар. Бу эса барча ташкилотчилардан чуқур билим ва малака талаб этади.

Мазкур муҳим сиёсий жараённи ёритиб боришда матбуотнинг ўрнини ҳеч нима билан тенглаб бўлмайди. Республика оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг боришини мунтазам ёритмоқдалар. Матбуотда ҳар биримизни қизиқтирган саволларга жавоб топиш имкони бор. Шу сабабли сайлов участкаларини оммавий сиёсий нашрлар билан таъминлашга катта эътибор қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳарбий қисм ва муассасалар сайлов участкаларида сайловчилар учун барча шароитлар мужассам дейиш мумкин. Ўйлаймизки, барча сайлов участкаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юқори савияда ўтказилади.

Назокат ЗАКАРИЁЕВА.

САЙЛОВ – ОЛИЙ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда иштирокчилар эътибори миллий сайлов қонунчилигимизнинг ўзига хослиги, хорижий мамлакатларнинг тегишли қонунчилигидан афзал жиҳатларига қаратилди. Масалан, Ўзбекистонда барча сайлов ва референдумларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун мустақил орган – Марказий сайлов комиссияси ташкил этилган. Айрим давлатлар, хусусан Буюк Британия, Италия, Францияда бу вазифани Ички ишлар вазирлиги, Миср, Покистон ва Руминияда эса суд органлари амалга оширади. Ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишдан иборат Конституциявий тамойил мамлакатимиз сайлов тизимининг асосини ташкил этади. Шу боис ҳар бир фуқаро сайловларда иштирок этиш ёки этмасликни ўз хоҳишига кўра эркин белгилайди. Баъзи хорижий мамлакатларда, мисол учун Бельгияда сайловларда қатнашиш мажбурий бўлиб, қатнашмаганлик учун жавобгарлик, жумладан сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этиш чоралари белгиланган. Бизда сайлов қонунчилигимизга биноан сайловлар умумий бўлиб, сайловчилар Президентликка номзод учун тўғридан-тўғри овоз беради. Айрим давлатлар, чунончи АҚШ ва бир қатор бошқа мамлакатларда сайловлар кўп поғонали, яъни билвосита амалга оширилади ва сайловчилар бевосита Президентни эмас, балки давлат раҳбарини сайлаш ҳуқуқи бериладиган шахсларни сайлайди. Туркияда эса давлат раҳбарини мамлакат парламенти сайлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларнинг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилгани сайлов қонунчилигимизнинг яна бир афзаллигидир. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 117-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар тегишли равишда уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда, яъни декабрь ойининг учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 1994 йилда "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" махсус қонун қабул қилинган. Бундай қонун МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда қабул қилингани диққатга сазовордир. Буларнинг барчаси Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг нафақат умумэътироф этилган халқаро меъёрларга мослигини, балки унинг афзалликларини ҳам яққол тасдиқлайди.

Учрашув қатнашчилари Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир фаолияти билан ҳам таништирилди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини эълон қилганидан сўнг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир календарь режа, ҳаракатлар дастури ҳамда бўлажак сайловга оид бошқа ҳужжатлар тасдиқланди. Ушбу ҳужжатлар округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини тартибга солади, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар фаолиятини ташкил этиш, сайлов кампаниясини молиялаштириш тартибини белгилайди ва бошқа масалаларни ҳал этади.

Учрашувда Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятида қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик ва адолатлилик принципларига тўлиқ амал қилаётгани, тадбирларни қонун ва календарь режада белгиланган муддатда ўтказишга алоҳида эътибор қаратаётгани таъкидланди. Бу борадаги ишлар сайлов тизимининг демократиклигини, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлашга қаратилган. Шу мақсадда 14 та сайлов округи, округ сайлов комиссиялари ва 8 мингдан ортиқ сайлов участкаси ташкил этилди. Сайлов комиссияларининг таркиби шакллантирилди.

Яқинда Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон халқ-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар тақдим этилди.

Сайлов комиссияларининг барча мажлислари оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилмоқда ва уларнинг фаолияти ҳақида ахборот аҳолига етказилмоқда. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари фаол ишламоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнлари тўғрисидаги ахборот сунъий йўлдош орқали юздан ортиқ хорижий мамлакатларга узатилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси билан Миллий телерадиокомпания ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини холисона ёритиш бўйича битим имзоланди. Унинг доирасида сайловга тайёргарлик кўриш бўйича ўтказилаётган барча тадбирлар ҳақида сайловчиларга тезкор маълумот берувчи "Сайлов – демократия кўзгуси" деб аталган туркум кўрсатувлар ташкил этилди.

Учрашув амалий мулоқот, очиқ фикр алмашиш руҳида ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов иштирокчиларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди. Саволлар, жумладан, сайлов комиссиялари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик принципларига қандай риоя этилаётгани, сайлов давомида сайлов қонунчилиги бузилиши мумкинлигининг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилаётгани, сайлов комиссияларининг давлат ҳокимияти органларидан мустақиллиги қандай таъминланаётгани, комиссиялар ўз фаолиятида илғор ахборот-коммуникация технологияларидан қай даражада фойдаланаётгани каби долзарб масалалар хусусида бўлди.

– Бўлиб ўтажак сайлов барчамиз учун ҳақиқий демократия мактаби бўлади, – дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети проректори К.Норқулова. – Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган ушбу учрашув биз, таълим соҳаси ходимларига зиммамизга юкланган вазифа – ўз билим ва тажрибамиздан фойдаланган ҳолда, аҳолига ва албатта, таълим олаётган ёшларга миллий сайлов қонунчилигининг барча жиҳатлари ҳамда афзалликларини тушунтириш учун ўз масъулиятимизни янада теран англаш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови эркин ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган халқимиз, жамиятимиз ҳаётида янги саҳифани очиб беради. Бу борадаги ютуқлар эса аниқ ва равшан бўлиб, мамлакатимизда давлат раҳбари сайлови бўйича сайлов кампанияси очиқлик, ошкоралик шаронтида, халқаро меъёр ҳамда андозаларга жавоб берадиган қонунларга тўлиқ амал қилинган ҳолда ўтказилаётгани бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

Ҳарбий кенгаш

ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК – УСТУВОР МАҚСАДЛАР МОҲИЯТИ

Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар янги бир босқичга кўтарилганини яхши биламиз. Бугун ана шу изчил ислоҳотлар сабаб миллий армиямиз халқимизнинг, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини ўзида мужассам этиб, матонатнинг, садоқатнинг, бир сўз билан айтганда, ватанпарварликнинг мактабига айланмоқда. Бу мактабда тобланиш, катта ҳаётга ўзига хос йўлланма олиш ёшларимиз учун юксак мақсадга, ҳарбийлик соҳаси эса орзу қилишга сазовор бир касбга айланяпти.

Ўз-ўзидан савол туғилади: миллий армиямизни шакллантиришнинг замирида қандай мақсад мужассам?

Аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозим. Биз ўз куч ва қудратимизга таяниб, ота-боболаримизнинг асрий армонларини рўёбга чиқариш, ўзимиз истаган порлоқ келажакни қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмаслик учун, истиқлолимизни, эл-юртимизни ҳар қандай хавф-хатардан сақлаш учун, бизга ёвуз ният билан кўз олайтирадиганларга муносиб зарба бериш учун миллий армиямизни ташкил этдик ва айнан шундайин эзгу,устувор мақсад йўлида уни шакллантиряпмиз. Ислоҳотлар самарасига кўз ташлаб, Президентимиз таъбири билан айтганда, фахр ила айта оламизки, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўла оладиган, ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган Қуролли Кучларга эгамиз. Ана, бизнинг мақсадимиз ва бу йўлдаги залворли одимларимиз.

Бугун халқимиз замонавий талабларига жавоб берадиган, мустақиллигимизнинг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришлар ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикнинг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларимиз билан қанчалар фахрланаётгани, ғурурланаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов жорий йил Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида бугунги ғоят мураккаб ва нотинч замон ҳақида яна бир бор бонг урар экан, низо ва қарама-қаршиликлар, тобора кўлами кенгайиб бораётган терроризм, экстремизм ва наркоагрессия хавфи ҳар биримиздан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлашни, давлатимиз сарҳадларини қўриқлаш ва ҳимоялашни кучайтиришни, бунинг учун мавжуд бўлган барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишни тақозо этишини таъкидлайди. Мана, юртимиз ҳимоячилари 2006-2007 ўқув йилини якунлашди. Хўш, улар ортда қолган мазкур ўқув йилида қўйилган бу муҳим вазифаларни қай даражада адо этишди?

Яқинда Мудофаа вазирлигида ўтказилган Ҳарбий кенгашда ҳарбий бошқарув органларининг ана шу устувор вазифалар борасида амалга оширишган ишлари ва кун тартиби бўйича бошқа муҳим масалаларга эътибор қаратилди.

Мудофаа вазири Р.Мирзаев ортда қолган ўқув йилида Қуролли Кучларимизнинг жанговар шайлигини мустаҳкамлаш, юртимиз сарҳадларини қўриқлаш ва ҳимоялаш борасида амалга оширилган муҳим ишларга тўхталди. Ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни самарали ҳал эта оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган кучли армияни яратиш борасидаги эзгу мақсад ва вазифалар йўлидан дадил одимланаётганини таъкидлади. Қолаверса, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароитини, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби муҳим йўналишларда қилинаётган ишларга эътиборни қаратиб, давлатимизнинг юртимиз посбонларига кўрсатаётган бундайин юксак ғамхўрлигини эътироф этди.

Хўш, булар асосан нималарда акс этади? Аввало яқинда ниҳоясига етган якуний сиҳовлар мудофаа салоҳиятимиз юксала бораётганини яна бир бор кўрсатди. Замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминланган посбонларимиз халқимиз, юртимиз хавфсизлигини мустаҳкам таъмин эта олишларини машғулотларда намоён этишди. Бугуннинг посбони дизайн нуқтаи назаридан замон талабларига жавоб берувчи либослар билан таъминланмоқда. Жанговар техника, қурол-аслаҳалар замонавийлаштирилиб, такомиллашмоқда. Ҳарбийларимиз учун санатория ишга туширилди. Ҳарбий хизматчилар оила аъзоларига қулай шарт-шароитлар яратиш бобида муҳим ишлар қилиняпти. Хуллас, ислоҳотлар ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайдиган миллий армиямизни шакллантиришга қаратилган.

Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор В.Маҳмудов ўз сўзида ортда қолаётган ўқув йилида қўшинларда жанговар тайёргарликнинг сифатини, ҳушёрлик ва сергакликни янада ошириш бўйича қилинган ишларга эътиборни қаратди.

Қуролли Кучлар бирлашган штаби бошлиғининг ўринбосари полковник Ж.Атабуллаев эса ўз маърузасида шахсий таркибнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизими самарадорлигини кучайтириш йўлида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т.Ҳамроқулов тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларимиз онгу шуурида мамлакатимиз ҳимояси йўлида юксак масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварликни кучайтириш борасида қилинаётган муҳим тадбирлар борасида сўз юритди.

Мудофаа вазирининг таъминот ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари полковник В.Ходжақулов ҳарбий хизматчиларнинг таъминот ҳамда маиший шароитларини янада яхшилаш, ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмаларини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, етарли даражада таъминланиши ва ижтимоий ҳимояланишида қилинаётган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтди.


Шунингдек, кенгашда Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи полковник А.Мокеев, Ҳарбий автомобиль назорати бошлиғи подполковник Т.Ибрагимов, тиббиёт бошқармаси бошлиғи тиббий хизмат полковниги А.Аксамовлар сўзга чиқишиб, кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан маъруза қилишди.

Кенгаш ниҳоясида Мудофаа вазирининг буйруғига биноан 2006-2007 ўқув йили ғолиб, совриндорлари эълон қилиниб, улар кўчма кубок, диплом, эсдалик нишон ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Қолаверса, 15-оммавий спорт ишлари кўриги ғолиб ва совриндорлари ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Шу ўринда жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар аълочилари бўлган бир гуруҳ аскарлар кенгаш ниҳоясида қисқа муддатли таътил билан рағбатлантирилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мудофаа вазири, унинг ўринбосари қўлидан бундайин рағбатни кенгаш иштирокчилари гувоҳлигида олган посбонлар миллий истиқлол ғояларига содиқ қолишиб, интеллектуал, жанговар салоҳиятларини янада оширишади, демакки юрт ҳимояси йўлида янада ёниб хизмат қилишади.

Табиийки, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида миллий армиямиз олдига янги-янги устувор вазифалар қўйилади. Ишончимиз комилки, она Ватанимиз ҳимоячилари бундайин вазифаларни, Ҳарбий кенгашда илгари сурилган долзарб масалаларни оғишмай ҳал этишади, хавфсизлик ва барқарорлигимизнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигимизнинг, ҳалқимиз тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам қалқони бўла оладиган миллий армиямиз янада шаклланишига хизмат қилишади.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.







ЖАНГОВАР ҚУДРАТИНГ – МЕТИН САФЛАРДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Уйғоқ халқ, уйғоқ миллатда эса курашувчанлик, шу озод ва обод Ватан учун ёниб яшаш ҳисси устувор бўлади. Қалби, онгу шуури уйғоқ одамда эса миллатини, юртини ҳимоя қилиш қудрати юксак бўлади. Комил инсон, комил шахсни тарбиялашдек муҳим мақсадимиз ана шундайин орзу, истаклардан озиқланади, аслида.

Миллий тикланиш тушунчаси эса кенг, мураккаб тарихий бир жараён бўлиб, у миллатимиз ҳаётининг барча соҳасини – иқтисодиётни ҳам, сиёсий фаолиятни ҳам, маънавияту маърифатни ҳам, хуллас камолотимиз билан боғлиқ ҳамма масалани қамраб олади, десак тўғрироқ бўлади. Бугун баралла айта оламизки, миллий тикланишнинг ўзига хос муҳим бир босқичида турибмиз. Негаки истиқлол сабаб дунёни янгича кўз билан кўришни, янгича тафаккур билан воқеа-ҳодисаларни идрок қилишни ўргандик. Бу омил эса миллий уйғониш, миллий тикланишимизда жуда-жуда муҳим.

Мустақиллик одимлари, миллий уйғониш, миллий тикланиш йўлидаги одимларимиз негизида халқимизнинг тинч, осойишта яшаши, миллий хавфсизлигимиздек устуворлик ётади. Айнан шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғоясининг муҳим тамойилларидан бири сифатида юрт тинчлигини, осойишталигини таъмин этишни белгиладик. Бебаҳо неъмат тинчлигимиз замирида эса муҳим бир кафолат сифатида Қуролли Кучларимиз ётади.

Соҳадаги ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, улар хавфсизлигимиз, мудофаа қобилиятимизни шакллантириш, умуман, тинчлик-осойишталикни таъминлашга қаратилганини яна бир бор англаймиз. Ҳа, қадим-қадимдан қўшни, армия давлатчиликнинг муҳим таянчи ҳисоблаб келинган.

Яхши биламиз, 1999 йилда Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар янги бир босқичга кўтарилди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимиз тинчлик-осойишталигини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга қодир бўлган тезкор, яхши таъминланган Қуролли Кучларни шакллантиришдек устувор мақсад йўлидан дадил одимладик. Ҳа, шиддат билан кечаётган ахборот асри – йигирма биринчи асрга ана шундайин мақсадларни илгари суриб, қадам ташладик. Хўш, бунинг замирида нима ётган эди, деган ўринли савол пайдо бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, миллий армиямизни ислоҳ қилишга доир давлат сиёсатини амалга ошириш негизида фақат мудофаа салоҳиятимизни юксалтиришдек ният, мақсад мужассам эди. Янаям соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, бу жараён ягона мақсадга – ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш учун, одамларимизнинг тинч ҳаёти ва бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш учун шарт-шароит яратиб беришга уйғунлашганди. Мана, ҳадемай миллий армиямиз ташкил топганлигининг 16 йиллигини тантана қиламиз. Келинг, шу ўринда юқорида таъкидланаётган давр ислоҳотларининг айрим қирраларига эътибор қаратиб, улар биз учун нима берди, деган саволга жавоб излайлик.

Аввало Қуролли Кучларимизнинг сифат жиҳатидан янги, анча такомиллаштирилган ташкилий-штат тузилишига ўтказганимиздек, қўшинларни бошқариш муаммосини туб жиҳатдан ҳал қилувчи муҳим ҳарбий-маъмурий бирликлар – ҳарбий округлар тузганимиздек ютуқлар кўз олдимизга келади. Барча қуролли тузилмаларимиз турлари ўзаро узвий алоқада, уюшқоқликда ҳаракат қилишига эришилгани, ҳарбий ўқув муассасаларида, қолаверса жанговар ва тезкор тайёргарликлар жараёнида кадрларни тайёрлаш сифати янада яхшиланганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Юксак жанговар қобилиятга эга Қуролли Кучларни шакллантиришга эътибор қаратдик, ислоҳотлар давомида. Нимага?! Негаки, миллий армиямиз ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаракат қилишга тайёр туриши, юртимизнинг жўғрофий-стратегик мавқеини ва ҳудудимизнинг жўғрофий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчини бартараф этишга, унга қуруқликда ҳам, ҳавода ҳам муносиб зарба беришга шай бўлмоғи керак эди.

Юқорида Қуролли Кучларимизнинг таъминоти борасида фикр юритдик. Президентимиз бу борада шундай дейди: «...Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, қудратли Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олади».

Келинг, шу ўринда ушбу омилга эътибор қаратайлик. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий армиямизда ўтказилаётган ислоҳотлар замирида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини яхшилаш, иш ҳақи ва таъминотини ошириш масалаларини босқичма-босқич, тизимли равишда яхшилаб бориш давлат ва жамиятнинг, Қуролли Кучлар қўмондонлигининг доимий диққат марказида бўлиб келяпти. Президентимизнинг «2007 йилнинг 1 октябридан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорларини ошириш тўғрисида» ги Фармонини олайлик. Бу она Ватан посбонларига доимий эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намойишидир. «Ўғлим муддатли ҳарбий хизматчи. У хизмат қилаётган ҳарбий қисмга борганман. Шунда посбон ўғлонларимизга яратилаётган шарт-шароитларни кўриб, очиғи ҳавасим келди. Президентимизнинг мазкур Фармонларини ўқиб эса, янада қувондим. Буларнинг замирида мудофаа қудратимизни янада мустаҳкамлашга, миллий армиямизда хизмат қилаётган ёшларнинг жисмонан бақувват, маънан етук, ватанпарвар бўлиши, ҳаётдан ўз ўрнини аниқ белгилаб олиши, ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишларига бўлган эътибор ётади», дейди Шарифбой Бекчанов.

Шу кунларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ўғлонларимиз ёруғ юз билан яқинлари бағрига қайтишмоқда. «Тўлишиб, чиниққан боламга ярашиб турган янги ҳарбий либосга, «Ўзбекистон Қуролли Кучлари» дея ёзилган спорт либосига қараб, қувнайман. Армиямиздаги ўзгариш, янгиланишларни янада яқиндан англайман», дейди ҳаяжон ила яқинда резервга бўшаган ўғлини кутиб олган аскар онаси Зулфия опа Муродова.

Таътилда яқинлардан бирининг тўй маросимида қатнашдим. Қўшни республикадан меҳмон келган экан. Уёғ-буёғдан суҳбатлашган бўлдик. Мавзу ҳарбийларнинг таъминотига, яратилаётган имтиёзларга бориб тақалди. Биздаги ўзгариш, янгиланишлар ҳақида эшитиб, ҳангу манг бўлди. «Бизда аскарларга бундайин эътибор, ғамхўрлик йўқ», деди у.

Гап миллий армиямизнинг таъминоти, энг сифатли, жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар, моддий-техник воситалар билан таъминланиши борасида кетар экан, икки йилдан бери ўтказилиб келинаётган кўргазма хаёлдан кечади. Яъни Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби учун зарур бўлган моддий-техник воситалар, маҳсулотлар етказиб бераётган ва бу борада ҳамкорлик қилиш истагида бўлган корхона, фирма, компанияларнинг кўргазмасини назарда тутяпман. Ҳа, шундайин тадбирлар асносида озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, электрон, муҳандислик жиҳозлари, замонавий тиббиёт ускуналари, замонавий алоқа ва коммуникация воситалари, қўйингки, посбонларимиз учун зарур нарсаларнинг барини, энг сифатлиларини саралаб оламиз. Пировардида миллий армиямизга замон талабларига хос сифатли маҳсулотлар етказилади, талабларга, андозаларга ҳар томонлама мос маҳсулотни танлашимизга, бундайин ишлаб чиқарувчи билан кенг ҳамкорлик қилишимизга имкон яратилади. Бу эса «армия учун бўлаверади», деган эскича, тор тушунча ва қолипларни синдиради. Демакки, ишлаб чиқариладиган моддий воситаларда камчиликлар бўлмаслигига олиб келади.

Масалан, «Ист-Баттерфлай» қўшма корхонаси маҳсулотлари юксак талабларга, замон андозаларига мослиги билан посбонларимиз ошхоналарига бугун ўзгача файз, кўрк бағишлаяпти. Корхонанинг юқори сифатли металлдан тайёрланаётган, экологик жиҳатдан тоза идиш-товоқларидан посбонларимиз фойдаланишяпти.

Хулоса қилиб айтганда, Қуролли Кучларимизнинг порлоқ эртаси, келажаги кўзда тутилган ислоҳотлар миллий армиямизнинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч – унинг сафларидаги инсонларга қаратилгани билан ажралиб туради. Шу заминда туғилиб, ўсган, вояга етган ватанпарвар инсонларга эътибор, ғамхўрлик борасида устувор сиёсат юритар эканмиз, бу Ўзбекистоннинг янада равнақ топишини, тинчлигимиз, хавфсизлигимиз барқарор бўлишини, ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигимизни таъмин этади.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.



ЧАҚИРУВ ПУНКТИДА ТАНТАНА

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафига билимли, жисмонан чиниққан, касбий малакага эга, маънавий етук ёшлар махсус танловлар асосида муддатли ҳарбий хизматга чақирилмоқда. Жумладан Жиззах вилояти чақирув пунктида ҳам аскарлик хизматига тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали кузатиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ва чақирилувчиларнинг дўст-биродарлари иштирок этишди. Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи офицер Ойбек Мараимов, чегара қўшинлари вакили офицер Шуҳрат Сафаров, ички ишлар бошқармаси бошлиғи муовини Шавкат Мирзақулов, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот » ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши масъул ходимлари Шавкат Жўраев, Нурали Раимовлар сўзга чиқишиб, Ватанни, халқ тинчлигини ҳимоя қилиш, осмонимизнинг мусаффолигини таъминлаш ҳар бир аскарнинг шарафли бурчи эканлигини таъкидлашдилар. Сўнгра кузатувчи ота-оналар номидан Нодира Чаманова дил сўзларини шундай изҳор этди:

– Аскарлик хизмати ҳар бир йигит учун шарафли бурч ҳисобланади. Фарзандининг эгнига ҳарбий либос кийиши айниқса, ота-она учун катта қувонч бағишлайди. Менинг ўғлим ҳам ҳеч кимдан кам эмас. Муқаддас юртимизни ҳимоя қилувчилар сафида бўлишга кучи, салоҳияти етади. Унинг ёруғ юз билан хизмат қилиб қайтишига ишонаман.

– Давлатимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, мавқеи кўп жиҳатдан унинг Қуролли Кучларига боғлиқ. Демак, биз ёшлар миллий армиямизнинг таянчи ҳисобланамиз, – дейди фахр билан чақирилувчи Сардор Номозов. – Шу азиз Ватанимиз тинчлиги йўлида хизмат қилишнинг ўзи мен учун катта бахт.

Тантанали маросим сўнгида бўлажак аскарларга Жиззах шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ шаҳар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими вакиллари томонидан совғалар улашилди. Байрамона дастурхон атрофида ўтирган шодиёна иштирокчиларига Чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Абдулла САИДОВ. Жиззах вилояти.

Илғорларимиз

ПРОФЕССИОНАЛЛИК ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ

Дала-ўқув майдони. Катта лейтенант Дилмурод Ризаев командирлигидаги алоқачилар гуруҳи қўмондонликни алоқа билан таъминлаши керак. Сержантлар корпуси вакиллари, сара посбонлардан иборат ҳарбий жамоа аъзолари қўйилган топшириқни бу сафар ҳам тез ва сифатли бажариб машғулотлар якунида командирлар мақтовига сазовор бўлдилар. «Бу сафар ҳам» дейишимизга сабаб, ушбу гуруҳ ҳарбий қисм илғорларидан саналади ва бугунги кунга қадар билдирилаётган ишончни оқлаб келмоқда.

Ҳар қандай жамоа сардори етакчи посбонларига таяниши ҳамда бошқаларни улардан ўрнак олишга ундаши табиий. Офицер Дилмурод Ризаевнинг ҳам ҳар қандай шароитда қўйилган топшириқни бажара оладиган, етарли билим ва тажрибага эга шунқорлари бор. Сержант Баҳром Орипов айнан шундай йигитлардан.

Дарвоқе, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи билан якуний синов машғулотларидан бирини топшираётган пайтда танишдик. Синов машқининг бажарилиши ҳамда вақт кўрсаткичларини назорат қилаётган машғулот раҳбари дадиллик, ўзига ишонч билан ҳаракат қилаётган сержантга аъло баҳо қўйди. Бироқ, эришган натижасига қарамай юзида безовталик акс этаётган посбондан бунинг боисини сўраганимда, қуйидаги жавобни олдим: «Сафдош дўстларим ҳам синовларни яхши топширишини хоҳлайман. Унгача эса ўзимнинг ғалабам татимайди».

Ҳа, аскарий биродарлик, дўстона муносабат, сафдошини қўллаб-қувватлаш, унга далда бўлиш ҳамда куюниш худди шундай пайтларда билинади.

..Имтиҳонлар ҳам тугади. Якуний синов машғулотларидан муваффақиятли ўтган алоқачилар бир-бирини қутлашаркан, йўл қўйилган айрим камчиликларни таҳлил этиб, бутун диққат-эътиборни жанговар шайликнинг муҳим жиҳатларига, тайёргарлик турларига қаратдилар.


Тўғри, ҳарбий хизматчи ўз имкониятлари, билим доираси ва жисмоний кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларга эга. Лекин ўша имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, аниқроғи, уларни бутунлай шакллантиришнинг уддасидан чиқолмаётганлар ҳам йўқ эмас. Бундай вазиятларга дуч келмаслик ҳамда гуруҳ илғорлигини сақлаш мақсадида сержант Орипов ва унинг сафдошлари пешқадам посбонни, кўрсаткичлари нисбатан пастроқ жамоадошига бириктириб қўйиш усулидан фойдаланишади.

Дарвоқе, Баҳромнинг навбатдаги ҳарбий унвонни олганига кўп вақт бўлмаган экан, ўшанда. Сержантлар тайёрлаш мактабини муваффақият билан тугатган йигит шу пайтга қадар кўплаб фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Алоқачи мутахассис доим касбий малака ва билимини оширишга интилиши сабаб, вақт топди дегунча тегишли илмий адабиётлар, ўқув қўлланмаларини мутолаа қилади. Шунингдек, хорижий ҳарбий алоқа воситалари ҳақидаги маълумотлардан ҳам хабардор бўлишга ҳаракат қилади.

– Менга ишониб топширилган радиостанциянинг техник кўрсаткичлари ва имкониятлари, унга ҳар хил турдаги хизмат кўрсатиш тўғрисида тўлиқ маълумотга, алоқа тизими ҳамда физик кўрсаткичлар борасида етарли билимга эга бўлиш – асосий вазифаларимдан биридир, – дейди сержант Орипов. – Қолаверса, шиддат билан ривожланаётган техника, копьютер технологиялари даврида соҳанинг замонавий янгиликларидан воқиф бўлиш ҳам ниҳоятда муҳим.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи Баҳром Орипов билан хайрлашаётганимизда у жанговар шай ҳолатдаги радиостанцияни йиғиштирилган кўринишга келтирарди. Саноқли сониялардан сўнг эса алоқа воситаси унинг елкасида осиғлиқ эди. Профессионалликнинг навбатдаги чўққиларини забт этишга шай юрт посбонига омадлар тиладик.

Катта лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Сборы с руководящим составом инженерных войск

ПОДВЕЛИ ИТОГИ, ПОВЫСИЛИ МАСТЕРСТВО

В Центральном военном округе проведен сбор с руководящим составом инженерных войск Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

В ходе сбора были подведены итоги боевой и специальной подготовки частей и подразделений инженерных войск за учебный год и поставлены задачи на новый период.

Наряду с этим изучен уровень подготовки должностных лиц в вопросах инженерного обеспечения, доведены требования руководящих документов, регламентирующих инженерное обеспечение с учетом проводимых реформ и организационно-штатных мероприятий, проведены испытания на подтверждение (присвоение) классной квалификации.

На занятиях был сделан акцент на вопросах материальной ответственности военнослужащих всех категорий, общественно-политической подготовке, технической подготовке и вождении инженерных машин.

В ходе тестирования участников сбора по специальной подготовке удалось определить степень их подготовленности по боевой подготовке, в том числе с проведением тактической летучки, выполнены квалификационные требования по присвоению, подтверждению (повышению) классной квалификации. В частности, высокую квалификацию показали подполковник У. Хакбердиев, майоры С.Хамракулов и Р.Байбеков.

В период проведения сбора офицерами инженерных войск были изучены единые требования по строительству машинодрома для практического вождения инженерных машин и инженерных городков, а также их оборудованию. Им доведен порядок установки в учебных классах разрезных агрегатов, узлов и деталей средств инженерного вооружения, макетов инженерных боеприпасов и фортификационных сооружений, разработки наглядных пособий по инженерной подготовке, правилам их использования.


В целом поставленные на сборе руководящего состава инженерных войск цели достигнуты. Личный состав получил навыки по способам и последовательности выполнения задач инженерного обеспечения.

Майор
Ермурат АЙНАТДИНОВ.

Идет подготовка к учебному году

УЧАТСЯ ВОЕННЫЕ ХИМИКИ

На базе Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища проведены сборы начальников химических служб военных округов, ВПВО и ВВС, частей центрального подчинения.



Участники сборов подвели итоги деятельности химических служб войсковых частей и военных округов за истекший учебный год, им были доведены требования руководящих документов, приказов и директив министра обороны и начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил.

– Участникам сборов был прочитан ряд лекций по организации химической службы, методике расчета боевых возможностей подразделений химической защиты, оценке радиоактивной и химической обстановки и другим актуальным темам, – рассказывает представитель администрации сборов офицер Фазлиддин Очилов. – Выступали и наиболее подготовленные участники сборов. Так, одну из лекций прочитал офицер Акбар Эгамбердиев, ответив на вопросы коллег.

Также проведены показательные и практические занятия. Например, занятие по организации учета хранения вооружения химических войск и средств защиты в войсковых частях провел офицер Виктор Макаренко. А в проведении лекций и показательных занятий весомый вклад внесли подчиненные подполковника Шокиржона Суярова.

Серьезным испытанием профессионализма стало для участников сборов групповое упражнение по тактико-специальной подготовке, проведенное офицером Зайниддином Суяровым. На нем офицеры работали с картой, готовили и защищали свои решения по обеспечению химической защиты в заданных условиях обстановки. Здесь высокую оценку получил подполковник Шакир Палванов.

Успешно прошло и показательное занятие с участием преподавателей и курсантов СВВАКИУ. Были показаны технические средства радиационной, химической и биологической разведки, работа с приборами и комплектами специальной обработки. Большой интерес вызвало и занятие по организации ликвидации последствий «аварий» на предприятиях химической промышленности.

Участники сборов также выдержали испытание на присвоение (подтверждение) классной квалификации, сдали зачеты и выполнили ряд нормативов по специальной подготовке, прошли тестирование на знание руководящих и нормативных документов.

Таким образом, данные сборы стали очередной ступенью на пути роста профессионального мастерства руководящего состава, которому в новом учебном году предстоит обучать личный состав подразделений химической защиты воинских частей и военных округов. Они вооружили их новыми знаниями и навыками в методической, командирской, специальной подготовках. А значит, заложен прочный фундамент роста боевой готовности подразделений химической защиты наших Вооруженных Сил.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

ҚАРОРИ ҲАРБИЙЛИК



Маълумки, хукуматимиз томонидан Ватан ҳимоячилари, хусусан, муддатли ҳарбий хизматчилар учун турли имтиёзлар белгиланиб, қулайликлар яратилган. Бундай эзгу чора-тадбирлар самараси ўлароқ халқимиз орасида миллий армия, ҳарбийлик касби, муқаддас ва шарафли бурчга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, янада обрў ва эътиборга сазовор бўлмоқда. Бугун намунали хизмат учун берилаётган тавсияномалар сабаб, нуфузли олий ўқув юртларимиз талабалари орасида «ҳаёт мактаби» битирувчилари талайгина. Қолаверса, Қуролли Кучларимиз сафларидан қайтган ўғлонлар турли соҳаларда фидокорона фаолият кўрсатиб, посбонларга хос қатъийлик ва дадиллик билан жамоадошлар ҳурматини қозоняпти. Йигитлик бурчини ўтаган фуқароларнинг иш билан таъминланишига алоҳида эътибор берилаётгани ҳамда бу борада ҳам улар имтиёзларга эга эканлигидан хабардорсиз, албатта. Миллий армия, ҳарбийча ҳаётдан кўнгил узолмай, ўзини бошқа касбда ҳатто тасаввур қилмаган ҳолда хизматни шартнома асосида давом эттираётган шунқорлар кўпчиликни ташкил этаётганини-ку таъкидламаса ҳам бўлади. Қуйида айнан шундай юрт посбонларидан бири ҳақида фикр юритамиз.

Қадамбой аниқ фанларга ихтисослашган академик лицейни тамомлаган. Айни пайтда эса «ҳаёт мактаби»да таҳсил олмоқда. Йигитлик бурчини ҳайдовчилик вазифасини ўтаётган оддий аскар Худойбергановнинг орзу-умидлари бисёр. Таъкидлаш жоизки, уларнинг аксарияти ҳарбийлик билан боғлиқ.

– Мана, ярим йилдирки Қуролли Кучлар сафидаман, – дейди муддатли ҳарбий хизматчи. – Шу вақт ичида кўп нарсаларни ўргандим. Муҳими, эса касб танлаш борасида қатъий қарорга келдим. Хизматни шартнома асосида давом эттирмоқчиман.

«Суҳбатдошимнинг қароридан ота-онаси хабардормикан?», «Улар бу борада қандай фикрда эканлар?» деган саволлар хаёлимдан ўтди, ўшанда. Буни гўё пайқагандек посбон сўзида давом этди:

– Режаларим ҳақида ота-онамга айтганимда, ниҳоятда севинишди. Билдимки, бу – уларнинг оқ фотиҳасидир. Айниқса, отамнинг сўзлари мени янада руҳлантирди: «Ўғлим она Ватан ҳимояси муқаддас бурчдир. Юрт посбони номига ҳеч қачон доғ туширма». Бу насиҳатни хизматдаги шиоримга айлантирдим. Бутун диққат-эътиборимни менга билдирилган ишончни оқлаш, келгусида ҳарб илмининг билимдони, ҳақиқий профессионал бўлишга қаратганман.

Оддий аскар Худойберганов ҳарбий қисмнинг илғорларидан ҳисобланади. Нафақат ижтимоий-сиёсий, жанговар, жисмоний, балки бошқа тайёргарликлар бўйича ҳам пешқадамликни қўлдан бермасликка интилиб келмоқда. Аввало, муддатли ҳарбий хизмат даврида ўз бурчини шараф билан уддалашни, аълочи посбон сифатида эътироф этилишни мақсад қилган Ватан ҳимоячиси бунинг уддасидан чиқмоқда. Қолаверса, сержантлар тайёрлаш мактаби курсантлари қаторида ўзини кўришни жуда хоҳлаётгани боис бор куч ва билимини ҳарбийлик сир-асрорларини янада пухта ўзлаштиришга қаратаяпти. Чунки мазкур ҳарбий билим масканига ўқишга кирувчиларга катта талаблар қўйилиши, жиддий синов ва имтиҳонлар тўғрисида командирларидан кўп эшитган. Айниқса, бу борада унга гуруҳ командири сержант Умар Холбўтаев йўл-йўриқлар бериб, посбонга устозлик қиляпти.

Биз муддатли ҳарбий хизматчи Қадамбой Худойбергановнинг улкан режаларига қанот бўлувчи қатъий ишонч уни тарк этмаслигини тилаб қоламиз.

Катта лейтенант
Учқун САИДНАЗАРОВ,
Баҳром
АБДУРАҲИМОВ
олган сурат.

POSBON BO‘LAR YIGITNING MARDI

Islohotlar e’tirofi

SAFLARDA TOBLANAR SARA O‘G‘LONLAR

Bugun armiyada xizmat qilib o‘z yigitlik burchini ado etish porloq kelajak sari ulkan orzular bilan olg‘a intilayotgan er yigitlarning ko‘zlagan ezgu maqsadlariga g‘oyat mushtarakdir. Chunki o‘g‘lonlarimiz muddatli harbiy xizmat davomida jangovar bilimlar bilan bir qatorda keng hayotiy bilimlarni ham egallashmoqda. Posbonlik davrida o‘zlashtirgan malaka va ko‘nikmalari katta hayotda ham rosa qo‘l kelayapti. Belgilangan imtiyozlar, xizmat tufayli qo‘lga kiritish mumkin bo‘lgan imkoniyatlar esa er yigitning shakllanishida muhim voqea bo‘layotgani barchaga ma’lum. Qurolli Kuchlarimiz saflaridan rezervga bo‘shatilayotgan shunqorlar bu haqda o‘z fikrlarini bildirisharkan, olib borilayotgan islohotlar sabab, bugun harbiy xizmatning nufuzi oshib, havas qilsa arziydigan sohaga aylanganini baralla etirof etishdi.



Muddatli xizmat oddiy askari
R.JUMANIYOZOV

– Bizni katta hayotda ulkan ishlar kutmoqda. O‘qiyman desak, yurtimizdagi nufuzli bilim dargohlarining eshiklari lang ochiq. Ishlashni xohlaganlarga Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi tomonidan ish o‘rinlari tayyorlab qo‘yilgan. Hunar o‘rganishni xohlaganlarga ham sharoitlar muhayyo. Hukumatimizning g‘amxo‘rliklari tufayli yurt koriga kamarbasta bo‘lgan mardi maydonlar mavjud barcha imkoniyatlardan bemalol foydalanishadi. Mana, men o‘z burchimni o‘tadim. Armiyada xizmat qilib juda ko‘p narsa o‘rgandim. Ertaga bu haqda kichik ukalarimga ham aytib beraman. Va ishonamanki, bu hol ularning ham qalbida ishtiyoq va g‘ayrat uyg‘otadi.



Muddatli xizmat oddiy askari
J.MAKSIMQULOV

– O‘ylashimcha, Vatanni himoya qilishga bel bog‘lagan mardlar xizmati aslo e’tiborsiz qolmaydi. Bobolar aytgandek, yurt qo‘rigan kam bo‘lmas ekan. Mana, burchimizni sharaf bilan ado etib, uyimizga, yaqinlarimiz bag‘riga sog‘-salomat, yorug‘ yuz bilan qaytmoqdamiz. Eng asosiysi, xizmat davomida har tomonlama shakllanib, chinakam barkamol inson bo‘lib voyaga yetganimiz qalbimizga iftixor bag‘ishlaydi. Axir o‘z konstitutsiyaviy burchimizni ado etish davomida Vatanga sadoqat, yurtdoshlarimizga nisbatan mehr-muhabbat tuyg‘ularini chuqur anglab yetdik. Mas’uliyat hissi, ishonchni oqlash va o‘z nomimizga munosib bo‘lish kabilarni aynan armiyada xizmat qilish orqali o‘zimga singdirdim, desam noto‘g‘ri bo‘lmaydi. Shu bois, armiyada xizmat qilish er yigitning kamolga yetishida muhim bosqich hisoblanadi, deb bemalol aytishimiz mumkin.



Muddatli xizmat oddiy askari
O.QARSHIYEV

– Qaynoq harbiy hayot, qat’iy tartib-intizom va turli-tuman mashg‘ulotlar har bir o‘g‘lonning shaxs sifatida shakllanishida muhim o‘rin tutishini askarlik davrimda chuqur angladim. Harbiy sohani sharaf deb, kasb deb bilgan va shu yo‘lni tanlagan ofitser hamda serjantlarning yurish-turishini kuzatarkanman, beixtiyor dilimda ularga nisbatan havas uyg‘ondi. Chunki ular boshqalardan butkul o‘zgacha, hamma vaqt kuchli irodasi, dadilligi va yuksak ma’naviyati bilan ajralib turardi. Sekin-asta tayyorgarliklar davomida angladimki, sharafli soha nafaqat jangovar san’at ilmi va jismoniy yetuklikni, balki hayotiy bilimlarni ham puxta o‘rgatarkan. Mardlar kasbiga mehrim oshdi. Nasib etsa, kelajagimni ham xizmat bilan bog‘lamoqchiman.



Muddatli xizmat oddiy askari
SH.ESHPO‘LATOV

– Qurolli Kuchlarimizning isloh etilayotgani barchamizning katta yutug‘imizdir. Ya’ni armiyamizning professional asosga o‘tkazilayotgani zamirida xavfsizligimiz mustahkam kafolatlanishi bilan birga dunyoviy taraqqiyot, erkin istiqbol tushunchalari ham o‘z aksini topgan. Chunki professional posbon hamma joyda ham professional, yetakchi bo‘lsin, deb bugun harbiy xizmatchilarga soha ilmidan tashqari ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlari chuqurlashtirilgan holda o‘tilayapti. Davlat va jamoat tashkilotlari bilan keng hamkorlik aloqalari yo‘lga qo‘yilgan. Birgalikda o‘tkazilayotgan tadbirlarda global mavzular ko‘tariladi. Bu kabi tadbirlarning barchasi posbonlar ma’naviy kamolotida o‘ziga xos o‘rin tutadi, deb baralla ayta olamiz.

«Vatanparvar» muxbiri katta leytenant Yoshin HAKIMOV yozib oldi.

Qaror va ijro

REZERVGA BO‘SHATILGANLARGA YUKSAK E’TIBOR

Milliy armiyamizda xizmat qilish bugungi kunda yoshlarimizning ezgu orzusiga aylanib ulgurdi. Er yigitning har tomonlama barkamol shaxs sifatida kamol topishida, ham ma’nan, ham jismonan yuksalishida armiya muhim o‘rin tutadi.

Yaqinda Mirobod tumani hokimligining katta majlislar zalida muddatli harbiy xizmatni o‘tab, rezervga bo‘shatilgan yigitlar va ularning ota-onalari ishtirokida tadbir o‘tkazildi. Unda hokimlik vakillari, tuman mudofaa ishlari bo‘limi mas’ul ofitserlari, mahalla oqsoqollari, “Kamolot” yoshlar ijtimoiy harakati hamda bir qator davlat va jamoat tashkilotlari xodimlari qatnashishdi.

Tadbirni tuman mudofaa ishlari bo‘limi mas’ul ofitseri Olimjon Qoraqulov kirish so‘zi bilan ochib, muddatli harbiy xizmatni o‘tagan yigitlarga davlatimiz tomonidan belgilangan imtiyoz va imkoniyatlar, yaqinda Prezidentimiz Farmoniga ko‘ra, muddatli harbiy xizmatni o‘tayotganlarning lavozim maoshlari 1,15 baravariga oshirilganligi, xizmatni namunali o‘tagan o‘g‘lonlarga oliy o‘quv yurtlariga kirish uchun katta imkoniyat beradigan tavsiyanoma, rezervga bo‘shaganlarni ish bilan ta’minlash, askarlarning ota-onalari bir yil davomida yer solig‘idan ozod qilinishi kabi bir qator qulayliklarga to‘xtalib o‘tdi.

Shundan so‘ng so‘zga chiqqan davlat va jamoat tashkilotlari va oliy o‘quv yurtlari vakillari yoshlarimizga berilayotgan imkoniyatlar to‘g‘risida gapirib, ishtirokchilarning savollariga atroflicha javob berishdi. Jumladan, tuman Xalq banki xodimi Uchqun Ostonov so‘zga chiqib, yigitlarni Vatan oldidagi muqaddas burchlarini o‘tab, ota-onalari bag‘riga sog‘-salomat qaytib kelganliklari bilan tabrikladi va banklar tomonidan yosh oilalarga berilayotgan imtiyozli kredetlar borasida gapirib, ota-onalar va yigitlarni qiziqtirgan savollariga javob berdi.

Toshkent temir yo‘l muhandislari instituti “Kamolot” YOIH yetakchisi Zokir Tursunov esa, yig‘ilganlarga institutda tashkil etilgan fakultetlar hamda tayyorlanayotgan mutaxassisliklar bo‘yicha ma’lumotlar berarkan, muddatli harbiy xizmatni o‘tab qaytgan va ushbu oliy o‘quv yurti talabasi bo‘lgan yoshlar faoliyati haqida to‘xtalib o‘tdi.

– Bizning institutga joriy yilda 300 dan ortiq muddatli harbiy xizmatni o‘tagan yigitlar talabalikka qabul qilindi. Institutda muddatli harbiy xizmatni o‘tagan talabalardan “Adolat” guruhi tuzilib, ushbu guruh institut ichki tartib-qoidalarini nazorat qilish, tashkiliy va sport musobaqalarini tashkillashtirish borasida bir qator ijobiy ishlarni amalga oshirib kelmoqda. Shuningdek, ular o‘zlarining mehnat otryadlarini tuzishgan bo‘lib, uning ishtirokchilari yozgi ta’til davomida Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarida qurib bitkazilgan ulkan temir yo‘l qurilishida ham mehnat qilib, o‘zlarini har tomonlama ko‘rsatib tengdoshlariga o‘rnak bo‘lishdi, – dedi Zokir Tursunov.

Toshkent davlat aviatsiya instituti vakili Zamira G‘anieva o‘z ma’ruzasida muddatli harbiy xizmatni o‘tagan talabalarning tashabbuskorligi, izlanuvchanligi va o‘z ortidan boshqalarni ham ergashtira olish qobiliyatlari xususida gapirib, institut faoliyati va fakultetlari haqida ma’lumot berdi. Institut huzuridagi harbiy kafedraga armiyada xizmat qilgan yigitlarning imtihonsiz o‘qishga qabul qilinishlarini alohida ta’kidlab o‘tdi.

Ma’ruzalar nihoyasida rezervga bo‘shatilganlarni mutaxassisliklari bo‘yicha ishga joylashtirish masalasi ko‘rib chiqildi. Bu mavzu bo‘yicha tuman bandlikka ko‘maklashish markazi xodimi Nozima Habibullaeva ma’ruza qildi.

– Bizning markaz armiyadan qaytgan yigitlarni o‘z xohishlariga ko‘ra va mutaxassisliklari bo‘yicha ish bilan ta’minlaydi. Bu borada tumandagi korxona va tashkilotlar bilan uzviy aloqalarni yo‘lga qo‘yganmiz. Shuningdek, markazimiz tomonidan yigitlar oylik o‘qish kurslariga va kasb-hunar o‘rganishga ham jalb qilinadilar.

– Bugungi tadbir bizlarga juda ko‘plab ma’lumotlarni berdi, – deydi muddatli harbiy xizmatdan rezervga bo‘shatilgan Umar To‘laganov. – Oliy o‘quv yurtini bitkaziboq muddatli harbiy xizmatga jo‘nagandim. Xizmatni motoo‘qchilar harbiy qismida o‘tadim. Armiya meni har tomonlama tobladi, chiniqtirdi. U yerda yaratilgan sharoitlarni ko‘rib ko‘z quvnaydi. Bu xizmat mening hayotimda tub o‘zgarish qildi, desam xato qilmayman. Tuman mudofaa ishlari bo‘limiga murojaat qilib, Qurolli Kuchlarimiz safida shartnoma asosida xizmat qilish istagim borligini bildirdim. Shu kunlarda zarur hujjatlarimni tayyorlamoqdaman.

Rezervga bo‘shatilgan yigitlardan – Azamat Shomurodov, Bahrom Mahmudov, Kamol Turdievlar ham kelajakda yurtimizdagi oliy harbiy bilim yurtlariga hujjat topshirib, sharafli ofitserlik kasbida faoliyat yuritmoqchi bo‘layotganliklarini alohida ta’kidlab o‘tishdi.

Shuningdek, tadbir davomida tuman hokimining o‘rinbosari, xotin-qizlar qo‘mitasi raisi Nargiza Po‘latova, mudofaa ishlari bo‘limi mas’ul ofitseri kapitan Elmurod Hojiahmedov, «Nuroniy» jamg‘armasi raisi Botir Usmonov, tuman Oqsoqollar kengashi va mahalla jamg‘armasi raisi Sulton Ibragimov, «Fayzobod» mahallasi oqsoqoli To‘xtapo‘lat Sodiqov, ota-onalardan Alisher Mahmudov va Oysara Turdievalar ham so‘zga chiqib, o‘z fikr va mulohazalarini bildirishdi.

Dildan suhbatlar, savol-javoblar asosida o‘tgan tadbir yig‘ilganlarda katta taassurot qoldirdi. Ko‘pchilik yigitlar shu yerning o‘zidayoq ariza yozib, oylik kurslariga o‘qish va kasb-hunar o‘rganish istaklari borligini bildirishdi. Yigitlarning suhbatiga e’tibor berib, kimdir oliy o‘quv yurtiga o‘qishga kirishga tayyorgarlik ko‘rayotgani, yana kimdir o‘z mutaxassisligi bo‘yicha mehnat faoliyatini boshlagani va yangi ish joyi haqida tengdoshi bilan gaplashayotganining guvohi bo‘ldik.

Ha, yuqorida ta’kidlaganimizdek, muddatli harbiy xizmatni o‘tab, el-yurt koriga kamarbasta bo‘lgan o‘g‘lonlarimiz xizmatdan keyin ham imtiyozlardan unumli foydalanib, Vatanimiz ravnaqiga, uning gullab-yashnashiga munosib hissa qo‘shib kelmoqdalar. Ishonchimiz komilki, armiya maktabini sharaf bilan o‘tagan ushbu yigitlarimiz kelajakda ham bildirilgan yuksak ishonchni oqlab, mustaqil diyorimiz iqtisodiyotining yanada rivojlanishida bel bog‘lab xizmat qiladilar.

Ahror OCHILOV,
“Vatanparvar” muxbiri.
Bahrom ABDURAHIMOV suratga olgan.

MAS’ULIYAT HISSI USTUVOR



Harbiy xizmat – sharaf, shu bilan birgalikda o‘ta mas’uliyatli burch hamdir. Shu bois armiya saflaridagi o‘g‘lonlarimizning eng avvalo mas’uliyat hissini teran anglab yetishlari chinakam vatanparvar insonlar bo‘lib shakllanishlarida muhim o‘rin tutadi.

Prezidentimiz: “Vatan va xalq o‘z xavfsizligini ishonib topshirgan mard o‘g‘lonlarimizning ma’naviy-ma’rifiy tarbiyasiga alohida e’tibor qaratish eng dolzarb vazifamizga aylanishi darkor. Toki ular mana shu keng dalalar, qadrdon qir-adirlar, musaffo osmon, shu go‘zal hayotni o‘zi va oilasi, kelajak avlodlar uchun ham beg‘ubor va boqiy saqlashga mas’ul ekanini teran his eta olsin...” degan edi “Milliy armiyamiz – mustaqilligimizning, xalqimiz tinchligi va osoyishtaligining mustahkam kafolatidir” asarida.

Darhaqiqat, ma’nan yetuk posbon chin ma’noda salohiyatli posbondir. U kimga va nima uchun xizmat qilayotganini yaxshi biladi. Bundaylarni esa aslo yengib bo‘lmaydi. Shu bois bugun islohotlar izchil olib borilayotgan milliy armiyamizda posbonlarning jangovar va jismoniy tayyorgarliklarini mustahkamlash bilan bir qatorda ijtimoiy-siyosiy tayyorgarliklariga ham chuqur e’tibor qaratilmoqda. Shuningdek, bu o‘rinda mustaqil tayyorgarlik soatlarining ham ahamiyati katta ekani hisobga olinib, kutubxonalardan foydalanish va xizmat ko‘rsatish ishlari ham takomillashtirilmoqda.

– Islohotlar sabab harbiy xizmat havas qilsa arzigulik, haqiqiy sharafli sohaga aylanib borayotgani bois bugun o‘zbek armiyasi posboni bo‘lishdek nufuzli natijaga osonlikcha erishib bo‘lmayapti, – deydi muddatli harbiy xizmatdan rezervga bo‘shatilayotgan Jamshid Akbarov. – Muddatli harbiy xizmatga nomzodlar puxta sinovlar bilan, ko‘rik-tanlovlar asosida qabul qilinmoqda. Faqat eng munosiblargina askar degan nomga loyiq ko‘rilmoqda. Bundan esa ko‘rinadiki, armiya saflaridagi yigitlar haqiqiy yetuk, sara o‘g‘lonlardir. Xizmat davomida esa ular yana ham chiniqib, chinakam barkamol shaxsga aylanayapti. O‘zim misolimda aytsam, ilk xizmatni boshlagan kezlarimga nisbatan hozirgi holatimdagi farq juda katta. Chunki olgan ta’lim-tarbiyam va o‘rganganlarim hisobiga ancha ulg‘aydim. O‘yinqaroq va sho‘x-shodon bolalik davrimga nisbatan hozir har bir o‘gitning mazmunini kengroq, vatanparvarlik, sog‘inch va sadoqat hissini chuqurroq tushunaman.

– Askar bo‘lgach, yurt taqdiri – mening ham taqdirim ekanini, hayotimning undan oldingi va keyingi har bir lahzasi mustaqil diyorimiz qismati bilan chambarchas bog‘liq ekanini tushundim, – deydi muddatli xizmatni ado etayotgan oddiy askar Sarvar Normatov. – Istiqlolni asrash, uning ertasi uchun qayg‘urish har bir yurtdoshimizning asosiy vazifasi ekan. Vatan osoyishta bo‘lsa, xalq xotirjamdir. Vatan obod bo‘lsa, barchamiz farovon yashaymiz. Bu ikki muqaddas vazifani ado etish birgina insonning emas, balki umumxalq, umummillatga xos tadbirdir. Bu o‘rinda har kimning o‘z vazifasi bor. Biz posbonlarning ezgu niyatimiz – istiqlolimizni asrash, tinchligu xotirjamligimizni munosib ta’minlash. Biz ana shu ezgu ishga mas’ulmiz va burchimizni sharaf bilan ado etamiz. Safdoshlarimning mardligi, jasurliklari va jasoratga tashnaliklari zamirida mas’uliyat hissini anglashlari, xalqimiz irodasi, ertangi kunga umid va ishonch, bunyodkorlik va yaratuvchanlikdek ezgu qadriyatlar ifodasi mujassam topgani yaqqol namoyon.

Yurt posbonlari e’tirof etganidek, burchga mas’uliyat hissi zamirida avvalo istiqlolni asrash, osoyishtalikni himoya qilishdek ezgu maqsad mujassamdir. Istiqlolga erishmoq uchun bir paytlar fidoyi ajdodlarimiz jon kuydirgan, kurashgan edilar. Vatanim deb, xalqim deb hatto, aziz jonlaridan ham kechgandilar. Bugun biz mustaqil, o‘z erki o‘z qo‘lida bo‘lgan ozod zaminda yashayapmiz. Bobolar orzusiga erishib turibmiz. Bu – ulkan baxt, bebaho ne’matdir. Ana shu baxtiyorligimiz mangu bardavom bo‘lishini ta’minlash va uni asrab-avaylash yo‘lida xizmat qilish o‘zini shu yurtning farzandi deb bilgan har bir insonga eng katta boyliklardan ham ko‘ra qadrliroqdir, desak aslo noto‘g‘ri bo‘lmaydi.

Katta leytenant Shoxruh KOMILOV.

Sarkardalar sabog‘i

NAVKARNING BEGIGA VA BEKNING NAVKARIGA MUOMALA QILISHI TUZUGI

To‘g‘ri navkar bilsinki, u agar o‘z navkari bo‘lgan taqdirda undan nimani ko‘zlasa, aynan shu narsani uning begi ham o‘zidan ko‘zlaydi. Shunday bo‘lgach, o‘zini bek xizmatidan ozod etilgan deb hisoblamasin. Yana shuni ham bilishi kerakki, agar begi unga avvaliga inoyat-marhamatlar qilsa-yu, oxiri inoyatsizligu iltifotsizlik qilsa, u holda ayb va nuqsonni begidan emas, o‘zidan axtarsin. To‘g‘ri navkar o‘z begiga ixlos qo‘yib, xolis xizmat qilishi kerak. Qaysi navkar begiga ixlos qo‘ymay, ko‘nglida kina-kudurat saqlasa, ixlossizlik va adovati tufayli baxtsizlikka duchor bo‘ladi. Lekin o‘z begiga ixlos qo‘ygan navkarning boyligu davlati va nozne’matlari kundan-kun ortib boradi.

Begiga e’tiqodi kuchli navkar ulkim, uning og‘ir-qattiq e’tirozli so‘zlaridan ranjib, ko‘nglida kek saqlamaydi. Begidan sodir bo‘lgan kamchilikni o‘zidan deb biladi. Shunday navkar ta’minu tarbiyaga loyiqdir. Qaysi navkarning himmati yemak-ichmak; yaxshi kiyinmakkagina bog‘lanar ekan, albatta, ish vaqtida sustkashlik qiladi. Qaysi navkar o‘z xizmati, haq-burchini unutib, ish vaqtida (mehnatdan) yuz o‘girar ekan, unday navkardan yuz o‘girmoq kerak. Qaysi navkar ish vaqtida bahona izlab, jangu jadal paytida ijozat so‘rab, qochishni mo‘ljallasa, bugungi ishni ertaga qoldirsa, (Bulod va Temur o‘g‘lon boshimga ish tushganda o‘zlarini shu qabilida tutib, meni tashlab ketganlari kabi) bunga o‘xshash navkarlar, nomlarini ham tilga olishga munosib emasdirlar. Bunday kishilarni parvardigori olamga topshirish zarur.

Yana haqiqiy podsholarga lozimdirki, qaysi navkarni o‘zlari ulug‘lab ko‘targan bo‘lsalar, tezda uni xorlab tuban tushirmasinlar. O‘zlari ko‘targan kishilarni tashlamasinlar. Kimni bilgan va tanigan bo‘lsalar, uni unutmasinlar. Agar ahyon-ahyonda uning izzat-nafsiga tegib xo‘rlagan bo‘lsalar, evaziga ilgarigidan ikki barobar ortiq izzatini oshirsinlar va o‘sha navkarni o‘z ixlosi va e’tiqodiga havola qilsinlar. Agar u ko‘nglida kina-adovat saqlasa, tez orada o‘zi baxtsizlikka uchraydi. Begining ko‘nglida yaxshiligi bilan joy olgan har bir navkar, kuni kelib yaxshilik ko‘rishi haqdir.

(Davomi bor).

“Temur tuzuklari”dan.



Harbiy texnika yangiliklari

IKKI XIL VARIANTDA

Shvetsiyaning “Bofors” firmasi mutaxassislari tomonidan yaratilgan 155 mm.li FN-77V (Field Howitzer) gaubitsasi A va B modifikatsiyalarida (bunda ikkinchi modifikatsiya kattaroq otish uzoqligiga ega hamda NATOning 155 mm.li artilleriya snaryadlaridan foydalanishi mumkin) va o‘ziyurar variantda (suratda ko‘rsatilgan) ishlab chiqariladi.

Shatakka olingan variantda gaubitsaga yordamchi dvigatel o‘rnatilib, u o‘t ochish pozitsiyasini (joyni) o‘zgartirish uchun to‘pni kichik masofalarga olib o‘tishni ta’minlaydi, shuningdek, mo‘ljalga olish gidravlik uzatmalariga quvvat (energiya) beradi. O‘ziyurar variantda esa gaubitsa turli joylardan yuqori o‘tuvchanlik qobiliyatiga ega bo‘lgan “Volvo” rusumli avtomobil (g‘ildiraklar formulasi 6X6) shassisiga ulanadi. O‘t ochishni boshqarish tizimi koordinatlarni aniqlovchi bort navigatsiya apparaturasi va quruqlikdagi qo‘shinlarning avtomatik boshqaruv tizimi bilan biriktirilgan. Avtomatik tarzda o‘qlash va to‘pni nishonga to‘g‘irlash ko‘zda tutilgan. Kabina tomiga 7,62 mm.li pulemyot yoki 40 mm.li granatomyot o‘rnatilishi mumkin.



Mazkur artilleriya kompleksining asosiy texnik-taktik tavsiflari: jangovar raschyot 4 kishidan iborat, jangovar og‘irligi 30 t., uzunligi 13 m, eni 3,1 m, balandligi 3,3 m, faol-reaktiv snaryad bilan maksimal otish uzoqligi 40 km, to‘g‘ri navodka bilan 2 km. Bundan tashqari unda “Yunifleks-2” rusumli modul otish zaryadlaridan foydalaniladi, vertikal (tik) tekislikda mo‘ljalga to‘g‘irlash burchagi 0-70 gradus, gorizontal tekislikda – chapga 30 gradus, o‘ngga – 70 gradus, amaliy otish tezligi 13 sekund mobaynida 3 ta otish, maksimal – daqiqasiga 10 ta otish, to‘xtovsiz otish tempi daqiqasiga 8 ta otish. Olib yuruvchi jangovar komplekt 40 ta otishga mo‘ljallangan, shu jumladan 20 tasi otishga to‘liq tayyor (baraban mexanizmida joylashgan bo‘lib, 2,5 minut mobaynida barchasi otilishi mumkin). Shosse bo‘ylab maksimal yurish tezligi soatiga 65 km, yurish zaxirasi 500 km. Otish vaqtida turg‘unlikni ta’minlash uchun mashinaning quyruq qismida tayanch plitalari ko‘zda tutilgan.

(“Zarubejnoye voennoye obozreniye” jurnali asosida tayyorlangan).

МЕРОС

ГУЛДУРСУН–ГУЛИСТОН БЎЛГАН ҚАЛЪА

Элликқалъа тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Менгес Алламбергенов жуда хайрли ишга қўл урди. Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида унинг «Қадимий мудофаа қўрғонлари» деб номланган китоби чоп этилди. Қимматли тарихий манбалар, рангли суратлардан иборат ушбу илмий-оммабоп асар ўқувчиларга Элликқалъа туманидаги тарихий қалъалар, иншоотлар ҳақида кенг маълумот беради. Ўйлаймизки, муаллиф ўз изланишларини давом эттириб, она Ватан тарихи ихлосмандларини ота-боболаримизнинг жанговар ҳаёти, маданияти ва тарихи билан яқиндан таништиришга хизмат қилувчи янада салмоқли асарлар яратади. Қуйида «Қадимий мудофаа қўрғонлари» китобидан бир парчани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Гулдурсун қалъаси милоддан аввалги IV–III асрларда қурилган бўлиб, унда XIII асрларгача ҳаёт давом этган.

Катта Гулдурсун қалъаси қўш девор билан ўраб олинган нотўғри тўртбурчак (280 х 230 м.) шаклидаги қўш пахсали антик қалъа бўлиб, ташқи деворларида найзасимон шинаклари бўлган. Қалъага кириш дарвозаси жануби-шарқий томондан бўлиб, тўғри бурчакли мудофаа иншооти билан ўралган. Яъни, бу ерда қадимги ҳарбий мудофаа иншоотлари қурилиши услуби сақланиб қолган.

Душман дарвозадан бирданига бостириб кириши мушкул бўлган. Улар дарвозанинг ҳимоя қилинмаган томонидан кириб, ўнг томонга юриши ва чап томонга қайрилиб, ичкарига кириши билан қалъа ҳимоячилари томонидан ўққа тутилган. Дарвоза олдидаги йўлакнинг антик лабиринти ҳам ўрта асрларда қайта қурилган.

1220 йили мўғул босқинчилари Хоразмга бостириб келганида Амударёнинг ўнг соҳилидаги Хоразм давлати ҳокимлиги жойлашган Гулдурсун қалъасида мўғулларга қарши қонли уруш узоқ давом этади. Яъни, Гулдурсун шу даврда воҳамиздаги мўғул босқинчиларига жуда кўп муддат қаршилик кўрсатган энг қудратли ва мустаҳкам қалъа бўлган. Мўғуллар бу қалъани узоқ вақт қамал қилиб, унинг халқини шафқатсиз қириб ташлаганлар, қалъага ўт қўйганлар. Билимли ва ҳунарманд кишиларни эса ҳайдаб олиб кетишган. Мўғул босқинчилиги туфайли гуллаб-яшнаб турган Гулдурсун вайронага айланиб қолган. Бироқ унинг атрофида XIV–XV асрларгача ҳаёт давом этган.

Гулдурсуннинг ҳашаматли ҳаробалари тўғрисида сон-саноқсиз афсона ва ривоятлар тўқилган. Яқин-яқинларгача халқ ўртасида «бу ерга қарғиш теккан, қалъанинг остида яширин лаҳм бор, уни аждаҳо қўриқлаб туради, кимки Гулдурсуннинг битмас-туганмас хазиналарини топишга қасд қилса, ҳалок бўлади», деган тушунчалар бор эди.

Шу ерлик ёш қароқалпоқ олими Ҳ. Кўжуров Гулдурсун тўғрисидаги болалигида эшитган ривоятни шундай эслайди:

–Кексаларнинг сўзига қараганда, Гулдурсун бир замонлар «Гулистон» деб аталган экан. Бу жой ер-суви мўл, гуллаб-яшнаган бой шаҳар экан. Шаҳарни қари бир подшо бошқариб, унинг Гулдурсун исмли гўзал қизи бор экан. Кунлардан бир куни шаҳарнинг бошига кулфат тушибди. Саҳродан келган босқинчи қалмиқ галалари ўз йўлида учраган ҳамма нарсани босиб-янчиб, ниҳоят, шаҳарга яқинлашибди. Қалмиқлар гуллаб-яшнаган дала ва боғларни ер билан яксон этиб, сўнг шаҳарга ҳужум қилибди. Шаҳар аҳлининг мардонавор мудофаасига учраган ғаним кучи етмагач, уни қамал этибди. Шу тариқа ойлар ўтибди. Озиқ-овқат захиралари тугаб, одамлар кўчаларда очликдан ўла бошлабди. Сафлари сийраклашиб қолган шаҳар ҳимоячилари қуролларини қўлларида зўрға ушлаб турар эканлар. Подшо шунда ўзининг амалдор ва лашкарбошиларини маслаҳатга чақирибди. Буларнинг ичидан бир одам сўнгги нажот чорасини синаб кўришни таклиф қилибди. Бу жуда чуқур ўйланган режа экан. Қамалда қолган гулистонликлар бир неча ҳўкиз ичидан энг семизини махфий йўл билан саройга келтириб, уни подшо омборидаги сўнгги буғдой билан боқишибди ва шаҳардан ташқарига чиқариб юборишибди.


Фақат қамалдагилар эмас, балки қамал қилганлар ҳам очликдан силласи қуриб, азоб чекмоқда экан. Қалмиқлар бир неча ойлик қамал давомида озиқ-овқат захирасини еб битирган эди. Уларнинг қароргоҳида қамалдан воз кечиш тўғрисида гап-сўзлар бошланибди. Оч қалмиқлар шаҳар ичкарисидан қочиб чиққан ҳўкизни тутиб олиб, сўйишса, унинг ошқозони сара буғдой билан тўла эканлигини кўриб, саросимага тушиб қолибди. «Агар улар молни шунчалик боқса, ғамлаган озиқ-овқатлари беҳисоб эканда, қамал қилишдан фойда йўқ, шаҳарни олиб бўлмайди, очликдан қирилиб кетмасдан жўнаб қолайлик», дейишибди ғанимлар. Қалмиқларнинг лашкарбошилари ҳам шу фикрга келишибди.

Бироқ, подшо қизи Гулдурсуннинг хаёли бошқа нарсада экан. У узоқ ойлар давомида қалмиқларнинг мард, паҳлавон, ёш ва хушқомат лашкарбошиси – қалмиқ подшосининг ўғлини девордан кузатиб юрар экан. Қизнинг қалбида халқининг душманлари йўлбошчисига нисбатан чексиз эҳтирос аланга олибди. У қамалдагиларнинг ҳийласи иш берганини, юк ортилган туяларнинг бўкиришини, қалмиқларнинг ўтовлари бирин-кетин йиғиштирилаётганини кўриб, бир неча соатдан кейин уларнинг бу ерда қолмаслигига, улар билан бирга гўзал шаҳзода ҳам абадий кетишига кўзи етгач, инсон номига номуносиб иш тутибди: ўзининг содиқ канизагидан қалмиқ баҳодирига хат бериб юборибди. Хатда қиз йигитга бўлган муҳаббатини изҳор қилиб, гулистонликларнинг сирини очиб берибди. «Яна бир кун кут, – деб ёзибди у, – шаҳарнинг таслим бўлишини ўз кўзинг билан кўрасан».

Қалмиқлар туяларини юкларни ерга туширишибди, тунда қароргоҳ атрофида яна сон-саноқсиз гулханлар ёқилибди. Тонг отиши билан гулистонликлар душман шаҳарга яна ҳам яқинлашиб келганликларини кўрибди. Ҳийла иш бермаганини кўргач, умидсизликка тушган ва очликдан силласи қуриган шаҳар аҳли таслим бўлибди.

Шаҳар душман томонидан таланиб, ёндирилибди, аҳолининг бир қисми қириб ташланибди, қолганларини эса қул қилиб олиб кетишибди. Сотқин Гулдурсунни шаҳзоданинг олдига келтиришибди. Шаҳзода унга қараб шундай дебди: «Ватанининг душманига бўлган номуносиб эҳтирос туфайли халқига ва ўз отасига хиёнат қилган экан, яна бошқа биров унинг ҳирсини уйғотса, менга вафо қилармиди? Уни ёввойи айғирларнинг думига боғланг, токи бундан кейин ҳеч кимга хиёнат қила олмасин».

От думига боғланган Гулдурсуннинг танаси парча-парча бўлиб, чўлу-биёбонларда қолиб кетибди. Хоиннинг қони тўкилган бу ер ҳаробага айланиб, энди Гулистон эмас, шу қизнинг номи билан Гулдурсун деб атала бошлабди. Бу фожиали ривоятда тарихий ҳақиқат учқунлари яширинган. Ўрта Осиё халқларининг ривоятларида Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг шимолини ўт ва қилич билан даҳшатга солган истилочилар – қалмиқлар, Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар таърифланади. Бугунги кунда қачонлардир босқинчиликлар туфайли вайронага айланган Гулдурсун қалъаси атрофида жўшқин ҳаёт давом этмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН – САМОВИЙ ТУЛПОРЛАР ВАТАНИ



Олтин куз кириб келиши ва ҳосил йиғим-терими якунланиши билан Ўзбекистонда Марказий Осиё халқларининг энг томошабоп ва оммавий от спорти ўйинларидан бири – улоқ ўтказиш даври келади. Бу мусобақалар минглаб кишиларни ўзига жалб қилади ва ҳис-туйғулар жунбушга келишига сабаб бўлади.

Ушбу ўйиндаги асосий мақсад улоқни (эчки ёки бузоқчанинг сўйилиб, ички аъзолари, бош ва оёқлари кесиб олинган танасини) рақиблардан тортиб олиш ва маррага биринчи бўлиб етказиб келишдан иборат. Улоқ кўнгилочар томоша ёки шунчаки ўйин бўлмасдан, ўғил болалар, йигитларни мард, жасур, эпчил ва довюрак қилиб тарбиялаш вазифасини бажаради. Ўткир ақл, паҳлавонларга хос куч-қувват, эпчиллик, отда юра билиш қобилияти ва ўзини от билан бир бутун ҳолда ҳис қилиш мазкур мусобақада омад келтиради. Мусобақалар нафақат йирик миллий байрамларимиз – Ҳосил байрами, Наврўзи айёмга, шунингдек, муҳим оилавий тантаналар – тўй ёки меросхўр дунёга келишига ҳам бағишланиши мумкин.

Улоқ Шарқ ва айниқса Марказий Осиё мамлакатлари халқлари орасида кенг тарқалган ҳамда оммавий бўлиб, мазкур минтақа давлатлари мустақилликка эришганидан сўнг бошқа кўплаб миллий урф-одат ва анъаналар сингари тез тиклана бошланди. От мусобақаларининг ушбу тури фаоллари томонидан миллий ва тегишли халқаро спорт федерациялари ташкил этилди, халқаро мусобақаларни регламентга солиш учун янги қоидалар қабул қилинди ва мусобақалар ўтказила бошланди. Халқаро федерацияга 35 дан ортиқ давлатлар спортчилари аъзо бўлишди. Минтақамиз от спорти шинавандалари билан бир қаторда унга Хитой, Туркия, Покистон ва ҳатто Франция давлатлари вакиллари ҳам киришди.

Мусобақалар нафақат энг яхши чавандозларни, шу билан бирга энг зўр отларни ҳам аниқлаб беради. Бу эса зотдор отларни аниқлаш ва улар билан иш олиб боришда жуда муҳим аҳамият касб этади. Мутахассислар фикрича, Ўзбекистонда боқиб кўпайтириладиган қорабайир зотли отлар ушбу мусобақалар талабларига тўлиқ жавоб берувчи тулпорлардир. Статистик маълумотларга кўра, мазкур ўйинларда иштирок этувчи ҳар ўнта отдан тўққизтаси қорабайирлардир. Худди улоқ ўйинининг ўзи сингари, бу зотдаги отлар юртимизда қадимдан мавжуд. Мамлакат аҳолисини ташкил этувчи халқлар узоқ даврлардан бери отларни парваришлаш ва кўпайтириш билан шуғулланиб келган.

Маҳаллий отлар ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар Хитой манбаларида сақланиб қолган. Хитойдан Марказий Осиёга тоғ довонлари оша тўғри йўл очган ва бу билан Буюк Ипак йўлига асос солган Чжан Цянь Хитой императори У Ди топшириғига биноан эрамиздан аввалги 128 йилда элчи сифатида Фарғона водийсига келган ва дипломатик алоқалар ўрнатишдан ташқари, Fарбдан инсонни самоларга олиб чиқишга қодир бўлган отлардан олиб келиш тўғрисидаги буйруққа ҳам эга бўлган.

Отларнинг ушбу ажойиб зотини кўпайтириш билан мамлакатимиз ҳудудида қадимдан шуғулланиб келинганлиги ҳақидаги далилларни олимлар ҳам топишган. Ҳатто аввалги отлар қандай кўринишга эга бўлганлиги ҳам аниқланган. Бунга археологлар томонидан топилган отлар акс эттирилган петроглифлар ёрдам берди. Масалан, ўзбек-поляк археологлари экспедицияси томонидан Қизилқум чўлидаги қояларда отларнинг ажойиб суратлари топилган. Ундан ҳам аввалроқ Фарғона водийсининг жануби-шарқида, Аровон қишлоғи чеккасида қояга ўйиб чизилган от портрети топилганди. Таниқли ўтмиш осориатиқалари тадқиқотчиси профессор Михаил Масон ана шу топилма хусусида ўзининг «Ўрта Осиё археологи хотиралари» китобида шундай деб ёзади: «Баландда, тик қоянинг тўқ кулранг юзасида йирик от силуэти кўриниб турибди... Ҳеч шубҳа йўққи, олдимизда туркман отларига яқин бўлган учқур арғумоқлар сурати намоён бўлмоқда. Ҳозирда бундай зотли отлар Фарғонада йўқ. Қояларга ўйиб солинган тасвирлар деярли эрамиздан аввалги биринчи минг йилликка тааллуқли. Кўз олдимизда Хитой солномачилари томонида тараннум этилган самовий зотдаги Давань отлари тасвири жилоланиб турибди».

Давань деб хитойликлар ўша замонларда Фарғона водийси ҳудудида жойлашган давлатни аташган. Отлар билан савдо қилиш эрамиз бошлариданоқ фарғоналиклар учун даромад манбанга айланган. Давандан отлар билан келаётган карвонлар шунчалик кўп эдики, «улардан бири иккинчисини кўздан қочирмас эди», деб хабар берарди хитойлик солномачилар. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент ва бошқа шаҳарлар ҳам отлар савдоси билан донг таратган эди. Тарихий маълумотларда ёзилишича, ушбу шаҳарларнинг ҳукмдорлари кўпинча совға тариқасида бутун бир от уюрларини ҳам тақдим этишар эди. Масалан, «Танлар сулоласи шарҳи» китобида маълум қилинишича, 627 йилда Хоразм Хитой саройига 4000 та Фарғона отларини тортиқ қилган.

Қадим ўзбек юртидан чиққан отлар карвонлари, шунингдек Ҳиндистон, Эрон, араб давлатлари ва кўплаб бошқа мамлакатлар сари йўл олган. Ва ҳамма ерда ҳам улар ўзларининг чидамлилиги ва гўзаллиги билан шуҳрат қозонган. Рассомлар уларнинг суратлари билан императорлар саройларини безашган, шоирлар эса уларга атаб ажойиб шеърлар ёзишган. VIII асрда яшаган Хитой императори Сюань-Цзун ўлкамиздан келтирилган отлар ичидан алоҳида эътибор билан юзтасини танлаб олган бўлиб, бу отлар мусиқа оҳангига ажойиб рақслар ижро этган экан.

Отлар ҳақидаги кўплаб афсоналар ҳам асрлар оша бизгача етиб келган. Қанотли отлар мавжудлигига Хитойдан бошқа юртларда ҳам ишонишган. Ривоятлардан бирида айтилишича, Хоразм ўлкасидаги қадимги қишлоқлардан бўлмиш Хазорасп (минг от) ўз номини афсонавий Сулаймон шоҳ айёрлик билан 1000 та қанотли отлар эгасига айланган даврдан олиб келмоқда. Ўшанда шоҳнинг одамлари булоққа сархуш қилувчи шарбат қўшишган ва шу орқали сув ичишга келган отларни қўлга туширишган. Кейин эса улар учиб кетмаслиги учун қанотларини қирқишган. Ўша даврлардан бошлаб отлар инсонга хизмат қила бошлаган, дейилади ривоятда. Ўша булоқ ўрнида Сулаймоннинг буйруғига биноан қалъа қурилган ва унга Хазорасп деб ном берилган.

Ҳар бир ёш ўзбек от сотиб олишга, уни парваришлашга қадимдан интилиб келган. От бор уйга доимо фаровонлик ва омад ёр бўлади, деган нақл ҳам бор халқимизда.

Ўзбеклар отларнинг қорабайир, локай, турк, араб ва бошқа зотларини кўпайтиришган. Мамлакатда энг оммавийси эса қорабайир зотли отлар бўлган.

Фарғона отларининг изи қандай қилиб тарихда йўқолиб кетган? Бу Буюк Ипак йўлининг жумбоқларидан бири. Бир қатор олимлар фикрича, миниш учун мўлжалланган отлар насли биринчи бўлиб Марказий Осиёдан келиб чиққан. Балки, Фарғона отлари ҳозирги машҳур наслларнинг асосчиларидир? Ҳар ҳолда, минтақамиз отлари миниб юрилувчи арғумоқларнинг энг қадимги наслилигича қолади.

1791 йилда асос солинган Насллар китоби гувоҳлик беришича, ҳозирда мавжуд бўлган наслдор инглиз чопқир отларининг барчаси Шарқдан келтирилган отлардан келиб чиққан.

Ҳозирги даврда зотдор инглиз учқур отлари жаҳон отчопарларида бошқа зотли отларни четга суриб қўйган. Балки уларнинг шажараси қанотли Фарғона отларидан бошлангандир? Буюк Ипак йўлининг ушбу жумбоғини, эҳтимол, генетик тадқиқотлар ҳал қилиб берар, ёки бу жумбоқ бутунлай ечилмасдан қолиб кетар...

С. ПЎЛАТОВ.

19 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
«Болалар сайёраси»:
9.10 1. «Болалар дунёси».
2. «Ғарбга саёҳат». Мультсериал.
10.20 ТВ анонс.
10.25 «КиноТеатр».
10.50 «Ҳаёт манзаралари».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон».
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Она замин неъматлари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.05 «Ҳамон ёдимда».
13.45 «Кўҳна оҳанглар».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ватанпарвар».
15.20 «Шахсий фикр».
15.55 «Одами эрсанг»
16.15 «Олам ва одам» дастури: «Чумолилар ҳақида ҳақиқат».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги олдидан.А. Суюн. «Ўзбек давлати».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Аччиқ ёлғон» премьераси (Туркия).
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Шарқ тароналари».
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал премьераси (Корея).
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.15 «Иф қалъасининг маҳбуси».
00.30 Кўрсатувлар дастури.
00.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тоғнинг гули ўзгача».
01.00 «Ахборот»(рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Ватанпарвар».
02.40 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
03.00 «Олис осмон». Видеофильм.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Анжелика». Телесериал.
16.40 «Сув – ҳаёт манбаи».
16.45 «Мўъжизавий дунё» туркумидан: «Ер сайёраси».
17.35 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Матонат».
17.50 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.00 «Винни-Пух». Мультсериал.
18.20 «Болалар табассуми».
18.25 «Yoshlar» анкетаси.
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «UzEX хабарлари».
18.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги-га: «Қомусим!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси». Телесериал.
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «СПОРТЛОТО» телелотереяси.
20.20 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
20.40 «О, ёшлигим»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
21.45 «ТВ-банк» тижорат дастури.
21.55 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
22.35 «Ёшлик наволари».
22.55 «Телетуҳфа».
23.00 «Денгиз ҳукмдори». Телесериал премьераси (Корея).
00.20 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.20 «Тв юрист».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг»(рус.).
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Милагрос».
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт»
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури(рус.).
22.50 Кино: «Шанхайский полдень».

СПОРТ

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан, 19 ноябрь куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
18.00 «Полвонжон».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусикий тайм».
19.10 «Спортимиз маликалари».
19.30 «Футбол шарҳи».
20.00 «Жди меня».
20.50 Баскетбол. Евролига. ЦСКА – «Олимпиакос» (Греция).
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 ПрофРИНГ.
22.40 «Река надежды». Сериал.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

20 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
«Болалар сайёраси».
9.05 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2.«Ғарбга саёҳат». Мультсериал.
10.10 «Эзгулик».
10.30 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон».
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 Эски альбом.
14.25 «Заковат».
15.20 «Бир кун».
15.50 «Олам ва одам» дастури: «Денгиз тубидаги синоатлар».
16.40 «ИИВ хабарлари».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Олтин мерос».
17.20 «Агар Сиз».
«Болалар сайёраси».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.55 «Ҳудудлар ҳаёти».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 I Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси.
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Иф қалъасининг маҳбуси».
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Увайсий». Фильм-концерт.
00.40 «Шарқ миниатюраси».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.25 «Чемпион сирлари».
02.45 «Мисли гавҳар».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».
05.40 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Омад ҳамиша келавермайди». Кинокомедия.
9.25 «О, ёшлигим»
9.30 «Ёмғир симфонияси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Интерфутбол»
11.40 «ТВ-банк»
11.50 «Мулки мумтоз».
12.00 «Ишкомли уй».
12.40 «Сиз билган ва билмаган Малайзия». 1-қисм.
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат». Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Денгиз ҳукмдори».
15.10 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда!»
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Анжелика».
16.40 «Сув – ҳаёт манбаи».
16.45 «Мўъжизавий дунё» туркумидан: «Ер сайёраси».
17.35 «Истиқбол тимсоллари».
17.45 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
17.50 «Даврнинг боласи».
18.00 Мультсериал.
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «О, ёшлигим».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!».
22.00 «ДАВР»
22.35 «Ёшлик наволари».
23.00 «Денгиз ҳукмдори».
00.20 «Хайрли тун!».

ТОШКЕНТ

Профилактика муносабати билан «Toshkent» телерадиоканали ўз кўрсатувларини. соат 17.50 дан бошлайди.
17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.20 «Тв юрист».
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт»(рус.).
20.20 «Милагрос».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Уйларим».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «O'zbektelefilm» маҳсулоти:». Сополда акс этган дунё».
22.30 «Пойтахт»(рус.).
22.50 Кино: «Шанхайские рыцари».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Скальные храмы Абу Симбела». Документальный фильм.
9.30 «Малахов+».
10.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 Огир атлетика. Ўзбекистон кубоги.
11.50 Плавание. Этап Кубка мира.
18.00 Болалар спорти.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Вокруг света».
19.35 Футбол. Чемпионлар Лигаси кундалиги.
20.00 «Капкан». Сериал.
20.45 Баскетбол. Евролига «Наполи» (Италия) – ЦСКА.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Футбол. Евро-2008 саралаш учрашуви. Португалия–Арманистон.
23.25 «Река надежды». Сериал.
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

21 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
9.05 «Болалар сайёраси».
9.45 «Агар Сиз»
10.05 «Рангин дунё».
10.25 «Ҳудудлар ҳаёти».
10.40 «ИИВ хабарлари».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Мафтункор Баҳмал».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Оддий ҳақиқатлар».
15.10 I Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси.
15.30 «Дунё манзаралари».
15.50 «Олам ва одам» дастури: «Мусаввир ҳаёт йўли».
16.20 «Олов – тилсиз ёв».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Истиқболга элтувчи йўллар». 1-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.10 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.40 Ватан ҳақида қўшиқлар.
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Иф қалъасининг маҳбуси».
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Бухоро».
00.20 «Рангин дунё».
00.40 «Бир ўлка-ки».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.45 «Янги кун».
02.30 «Тоғлик куёв». Бадиий фильм.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Ҳаёт учун хавфли». Кинокомедия.
9.25 «О, ёшлигим»
9.30 «Ёмғир симфонияси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Автопатруль».
10.30 «KINOMANIYA».
11.00 «Чемпион сирлари» спорт дастури.
11.20 «Истиқбол тимсоллари».
11.30 «Самарқанд жавоҳирлари».
12.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.40 «Сиз билган ва билмаган Малайзия». 2-қисм.
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат». Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Денгиз ҳукмдори».
15.10 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Анжелика».
16.40 «Сув – ҳаёт манбаи».
16.45 «Мўъжизавий дунё» туркумидан: «Ер сайёраси».
17.35 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
17.45 «Ўзбекистон вақти».
17.50 «Даврнинг боласи».
18.00 Мультсериал.
18.20 «Болалар табассуми».
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.20 «Автопатруль».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.35 «Ёшлик наволари».
23.00 «Денгиз ҳукмдори».
00.20 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7 30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила».
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Ҳимоя».
9.40 «Биласизми?».
9.55 «Репортаж».
10.30 «Милагрос». Телесериал.
11.00 «Саломат бўлинг» (рус.).
11.20 Кино: «Шанхайские рыцари».
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Камила».
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Милагрос».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт»
21.45 «Уйларим».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Эртамиз эгалари».
22.50 Кино: «Иллюзионист».

СПОРТ

Тўғридан тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда: «Тет-а-тет».
16.50 «Ким нимага қодир?»
17.25 Футбол. Олимпиада саралаш учрашуви. Сурия–Ўзбекистон. Тўғридан тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда: Хабарлар» (рус тилида).
19.25 «Жаҳон спорти юлдузлари».
19.45 Футбол мундиал.
20.00 «Капкан».
20.45 Гандбол. Лига Чемпионов. Мужчины.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Футбол. Евро-2008 Норвегия–Туркия.
23.25 «Река надежды».
7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Остров Райхенау».
9.30 «Малахов+».
10.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 Огир атлетика. Ўзбекистон Чемпионати.
11.50 Плавание. Этап Кубка мира.
14.50 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Ўзбекистон – Эстония миллий терма жамоалари.

22 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
9.05 «Болалар сайёраси»
9.50 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
10.00 Марказий сайлов комиссияси хабарлари (Такрор).
«Сайлов – демократия кўзгуси» (Такрор).
10.30 «Муқаддас қадамжолар».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Миниатюра – ранг тасвири».
11.25 «Замонавий ўзбек мусиқаси». Ф. Олимов.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.25 «Оҳанрабо».
15.05 «Одамлардан бири».
15.25 «Истиқболга элтувчи йўллар». 1-қисм.
15.50 «Олам ва одам» дастури: «Дельфинлар».
16.40 «Имконият».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Шифокор қабулида».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Истиқболга элтувчи йўллар». 2-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бекат».
22.05 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Иф қалъасининг маҳбуси».
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Морхўр изидан».
00.35 «Муқаддас қадамжолар».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.25 «Назм ва наво».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «Истиқболга элтувчи йўллар».
03.50 «Ҳаёт манзаралари».
04.00 «Ахборот».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Сиздан утина, биздан бутина». Кинокомедия.
9.20 «Ўзбекистон вақти».
9.30 «Ёмғир симфонияси». Телесериал.
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Автопатруль».
10.30 «ВАТАНПАРВАР».
11.20 «Мурувват».
11.30 «Камолот» хабарлари.
11.40 «Афросиёб афсоналари».
12.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.40 «Матонат».
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат». Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Денгиз ҳукмдори». Телесериал.
15.10 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда!»
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Анжелика».
16.45 «Мўъжизавий дунё» туркумидан: «Ер сайёраси».
17.35 «Қонун ижроси».
17.45 «Юртим бугуни».
17.50 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.00 Мультсериал.
18.20 «Болалар табассуми».
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 «О, ёшлигим».
20.50 «Ишкомли уй».
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР».
22.35 «Ёшлик наволари».
23.00 «Денгиз ҳукмдори».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.05 «Телекурьер – маркет».
9.30 «Муқаддас қадамжолар».
9.55 «Интервью».
10.30 «Милагрос».
11.00 «Туризм ҳақида» (рус.).
11.40 Кино:». Иллюзионист».
17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю»(рус.).
20.00 «Пойтахт».
20.20 «Милагрос». Телесериал.
20.50 «Интервью»(рус.).
21.00 «Жозиба».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «O'zbekkino» намойиш этади: «Тандир».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «На колёсах».

СПОРТ

мира.
18.00 «Болалар спорти».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Спорт – менинг хаётим».
19.25 «Гейм сет матч».
19.40 «Жасорат».
20.00 «Капкан».
20.45 «Тақдир чизгилари».
21.05 Автоспорт. Гран при.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Футбол. Евро-2008 саралаш учрашуви. Англия–Хорватия.
23.25 «Река надежды».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»
7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Афинский акрополь». Документальный фильм.
9.30 «Малахов+».
10.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 Огир атлетика. Ўзбекистон кубоги.
11.50 Плавание. Этап Кубка

23 НОЯБРЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
9.05 «Болалар сайёраси».
9.30 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
9.50 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.10 «Мозий сирлари».
10.35 «Табаррук замин».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон».
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Миздахкон».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 Эски альбом.
14.25 «Олис осмон». Видеофильм.
15.25 «Истиқболга элтувчи йўллар». 2-қисм.
15.50 «Олам ва одам» дастури: «Фридерик Шопен».
16.40 «Тарих кўзгуси».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Саломатлик дастури».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.50 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Янги наволар».
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
23.15 «Иф қалъасининг маҳбуси».
24.00 Тунги наволар.
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Жаҳонни забт этган санъат».
00.35 «Тарих кўзгуси».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.25 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
04.00 «Ахборот».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Кўпик». Кинокомедия.
9.20 «Ўзбекистон вақти».
9.30 «Ёмғир симфонияси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Интерфутбол»
12.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.40 «Эрта сўнган юлдузлар». Боқибулла Каримов.
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат». Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Денгиз ҳукмдори».
15.10 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда!»
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Анжелика».
16.40 «Сув – ҳаёт манбаи».
16.45 «Мўъжизавий дунё» туркумидан: «Ер сайёраси».
17.35 «Радиодан кўрсатамиз!»
17.45 «Улуғ неъмат».
17.50 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.00 Мультсериал.
18.20 «Болалар табассуми».
18.25 «Yoshlar» анкетаси.
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси». Телесериал.
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «СПОРТЛОТО» телелотереяси.
20.40 «О, ёшлигим»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Парламент вақти».
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР»
22.35 «Ёшлик наволари».
23.00 Жаҳон киноси: «Питер-FM».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила».
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Эртамиз эгалари».
9.55 «Интервью»(рус.).
10.30 «Милагрос».
11.00 «Иқтисод-ревю»(рус.).
11.20 Кино: «На колёсах».
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30, 21.30 «Пойтахт»
18.50 «Камила».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Милагрос».
20.50 «Репортаж» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.45 «Уйларим».
22.10 «O'zbektelefilm» маҳсулоти: «Тошкент гуллари».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Дюплекс».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Мультфильм».
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Запретный город в Пекине». Документальный фильм.
9.30 «Малахов+».
10.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 «Спорт салтанати».
11.30 -12.10 Волейбол. Кубок мира. Мужчины.
18.00 «Ералаш».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Рондо». Ток-шоу.
19.55 «Поле чудес».
21.05 «Олимп сари йўл».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Автоспорт. Гран-при.
22.20 Приключенческий экран: «Полет» «Феникса». Художественный фильм.
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

24 НОЯБРЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Чархпалак». Телесериал.
7.45 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Болалар сайёраси».
9.35 «Шифокор қабулида».
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 «Мусиқа дунёси».
10.40 «Маърит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Хонадон».
14.45 «Ёлғиз ёдгорим». Бадиий фильм.
16.25 «Ҳаёт манзаралари».
16.35 «Болалар сайёраси».
17.40 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.35 «Меҳр кўзда».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.35 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.05 «КИНОТАҚДИМ».
22.30 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.40 «Йўлбошчи». Бадиий фильм.
24.00 Тунги наволар.
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбегим ҳаёти».
00.40 «Шарқ тароналари».
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.25 «КИНОТАҚДИМ».
02.50 «Тараннум».
03.35 «Дунё таомлари».
03.55 ТВ анонс.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ анонс.
04.35 «Минг бир ривоят».
04.40 «Кўзларинг маъюс». Бадиий фильм. 1-қисм.
05.40 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Кинокомедия.
9.25 «О, ёшлигим».
9.30 «Ёмғир симфонияси». Телесериал.
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Парламент вақти».
10.30 «Қонун ижроси».
10.40 «КУН ТАРТИБИ».
11.10 «Рўзғор мактаби».
12.00 «Ишкомли уй».
12.40 «Айланай»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат». Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Йўлбарсвойнинг саргузаштлари». Мультфильм.
15.10 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда!»
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Анжелика».
16.40 «Сув – ҳаёт манбаи».
16.45 «Мўъжизавий дунё» туркумидан: «Ер сайёраси».
17.35 «Истиқбол тимсоллари».
17.45 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
17.50 «Даврнинг боласи».
18.00 «Мулки мумтоз».
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Янги авлод-2007».
Республика танловининг финал босқичи.
20.40 «Дунё таомлари».
21.00 «О, ёшлигим».
21.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР»
22.35 «Ёшлик наволари».
23.00 Жаҳон киноси: «Оғир кунлар».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила».
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Саломат бўлинг».
9.55 «Репортаж» (рус.).
10.30 «Милагрос».
11.20 Кино: «Дюплекс».
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.50 «Мода ва дизайн ҳафталик кундалиги» (рус.).
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
20.20 «Милагрос».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Истеъдод».
22.30 «Пойтахт»(рус.).
22.50 Кино: «Вертикальный предел».

СПОРТ

8.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
8.20 «Соглом оила».
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «Хабарлар» (рус тилида).
10.25 «Смак».
11.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.40 «Военное дело».
12.00 «Стать ближе».
12.40 «Что? Где? Когда?»
18.00 «Мир детского спорта».
18.30 «Хабарлар» (рус.).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Спорт – менинг ҳаётим».
19.30 «Фоторевю».
20.00 «Ровесник».
20.20 «Юлдузлар матчи».
20.40 «Большие гонки».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Спортколлекция».
22.40 «Катта ўйин».
22.55 Футбол. Евро-2008 саралаш учрашуви. Исроил–Россия.

25 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Чархпалак». Телесериал.
7.45 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Бизнинг кутубхона».
8.50 «Малика ва етти баҳодир ҳақида эртак». Мультфильм.
9.40 ТВ анонс.
9.45 «Минг бир ривоят».
9.50 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
10.00 «Сайлов–демократия кўзгуси» (Такрор).
10.30 «Кеча келгумдир дебон» М. Йўлчиева куйлайди.
11.10 «Саломатлик сирлари».
11.30 «Денгиздан томчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «КиноТеатр».
13.25 «Оливер Твист». Бадиий фильм.
15.25 «Қизлар давраси».
16.20 ТВ анонс.
16.25 «Интеллектуал ринг».
17.10 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
18.10 «Одами эрсанг»
18.30 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 ТВ анонс.
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ анонс.
21.50 «Азизим».
22.20 «Оҳанрабо».
23.00 «Ломбарддаги холажон». Бадиий фильм.
00.30 Тунги наволар.
00.35 Кўрсатувлар дастури.
00.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Наққош».
01.00 «Таҳлилн

ҲИЛПИРАЙВЕР, ҚАЛБИМИЗГА ИФТИХОР СОЛИБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Байроғимиз ҳақида шундайин сатрларни ёзиб қўйган эканман: «Давлат байроғи, Ватан байроғи... Бу рамз қадим-қадим давлатчилигимиз билан тарихан боғлиқлигимизни англатади. Бу рамз ўзида миллатимизнинг, халқимизнинг орзу-умидлари, қадриятлари, шонли анъаналарини жамлаган. Бу рамз истиқлолимизнинг, озод ва ҳурлигимизнинг, куч-қудратимизнинг тимсолидир. Шунинг учун ҳам ҳилпираганингда юрак тўлқинланади, қалбим чексиз фахру ифтихорга, ғурурга тўлади, байроғим».

Бу сатрлар ўз-ўзидан ёзилмаган. Ҳиндистонда ўқиб юриб, юрт соғинчини илк бор юрак-юракдан ҳис қилганимда, бошимиз узра «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниямизга тегишли, юртимиз байроғи рамзи акс эттирилган самолётлар учиб ўтганда кўнгилдан кечган бу фикрлар,


Юқорида таъкидлаганимиздек, байроғимиз миллий давлатчилигимиз сингари узоқ-узоқ тарихларга бориб туташади, дедик. Дейлик, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи устувор аҳамият касб этган. Ҳарбий юришларда, жангу жадалларда байроқ қўшинни олға бошлаган. Лашкарнинг маънавий-руҳий ҳолатини мустаҳкамлаган. Шайх Нажмиддин Куброни олайлик. Бу буюк зот давлат байроғини баланд кўтариб, мўғул босқинчиларга қарши жангга кирганини, кишиларни юрт ҳимоясига отлантирганини тарихдан биламиз. Шаҳид кетганида ҳам панжалари орасидан байроқни олишолмагани эса ундаги юртига, халқига бўлган садоқатини енга олишмаганидан. Шу маънода олиб қараганда, байроқда миллат, халқнинг ўзи, ўзлиги, ор-номуси, фахр-ифтихори, ғурури бор, дейишга тўла ҳақлимиз.

Яқинда телевизор орқали кўрдим. Ўзбегимнинг мард ўғлони Аббос Атоев бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлиб, мардлик, жасорат намунасини. Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш йўлидаги интилишларимиз самарасини кўрсатди. Ўзбекистон байроғини баланд кўтарди. Бу бошқаларда ҳам, айниқса ёшларда фахр, ғурур, ифтихор туйғуларини уйғотиши шубҳасиз. Давлатимиз байроғини дунё узра баланд кўтаришдек орзу, ният замирида ватанпарварликдек олижаноб туйғунинг туғёнини кўрасиз. Дарҳақиқат, давлат рамзлари биз фуқароларнинг ғуруримизни тарбиялайди. Президентимиз Ислом Каримов бу хусусда шундай деган: «Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир».

Шу ўринда Мудофаа вазирининг буйруғига биноан асос солинган бир янгилик борасида тўхталсак. Унга кўра янги ўқув йилидан эътиборан, яъни 1 декабрдан барча ҳарбий қисм ва муассасаларнинг назорат-ўтиш жойлари ёнида давлатимиз байроғи ҳилпираб туради. Ичкарига кириб-чиқар экан, она-юрт посбонлари байроғимизга ҳарбийча салом беришади. Келинг, бу янгиликнинг маънавий жиҳатига бир назар ташлайлик. Хизмати сари бораётган посбон давлатимиз байроғига ҳарбийча салом берар экан, қалбида ғурур, фахр туйғулари жўш уради. Бу миллий рамзимиз орқали унда порлоқ келажак, нурли истиқбол сари интилиш кучаяди. Хизматни давлати байроғига салом беришдан бошлаган посбон қалбида «бугун мен юртим учун, миллий армиям ривожи учун нима қилдим, нимадир қилмоғим керак», деган фикр пайдо бўлади. Хизматдан қайтаётиб, яна давлатимиз рамзига ҳарбийча салом бераркан, бугунидан, Ватани тинчлиги, осойишталиги йўлида қилган эзгу ишларидан янада руҳланади. Ундаги оқ ранг – тинчлик ва поклик тимсолидан, Ўзбекистоннинг мусаффо ва чароғон йўлини акс эттирувчи рамздан куч олади.

Байроғимизни дунёга айтар сўзимиз ҳам дейишимиз мумкин. Бу хато эмас. Негаки, у ҳилпираганда, тенглар ичра тенглигимизни акс эттириб ҳилпираганда, Ўзбекистоннинг, ўз истиқлол ва истиқбол йўлидан дадил одимлаётган халқимизнинг ҳеч кимдан кам эмаслини, кам бўлмаслигини, ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигимизни айтади. Шунинг учун Ватанимиз байроғини бошимиз узра баланд-баланд кўтарайлик! Шунда миллий рамзимиз эзгу орзу-ниятларимиздан, танлаган истиқлол ва тараққиёт йўлимиздан, бу борадаги устувор мақсадларимиздан куч олади.

Итолмас ҚУРБОНОВ.



«БАЙРОҒИМИЗ – ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ»

Олий ҳарбий божхона институтида Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитаси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан «Байроғимиз – фахримиз, ғуруримиз» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари таниқли шоир Минҳожиддин Мирзо, марказ раҳбари ўринбосари адабиётшунос Султонмурод Олим, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасидан шоирлар Турсунали Ўрмонов, Абдураззоқ Обрўев иштирок этдилар.

1992 йилнинг 2 март куни қалби уйғоқ ҳар бир юртдошимизнинг ёдида, албатта. Худди шу куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотида мамлакатимиз байроғи Ватан тимсоли, Озодлик тимсоли сифатида ҳилпиради.

Бугун бошимизда мағрур ҳилпираб турган муқаддас туғимизда улуғ бир миллатнинг қаҳрамонона ўтмиши, мустақиллик учун курашган довюрак аждодларимизнинг шонли жангномалари тарихи, озод Ўзбекистоннинг бугуни, ёруғ келажаги ёрқин рангларда акс этиб турибди. Кўҳна тарих шиддатли жанглар ҳақида сўйлар экан, унда байроқларнинг аҳамияти, ҳал қилувчи ўрни тўғрисида ҳам маълумотлар беради. Машҳур «Темур тузуклари»да шундай сатрлар бор: «...кўзлари ғаним сардорида ва сардорнинг байроғида бўлсин ва шижоату мардлик билан ғаним сафларини бузсинлар, душман байроғини ерпарчин қилишга ҳаракат қилсинлар». Уруш қоидаларига кўра, байроқнинг ерпарчин қилиниши қўшиннинг енгилганлигини англатган.

Шу жойда улуғ ватандошимиз, пиру комил, шаҳидлар шоҳи, буюк ватанпарвар шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларини эслаб ўтиш жоиздир. Мўғул лашкари Хоразмга юриш бошлаган даврда шайх Нажмиддин Кубро нуроний ёшда бўлганлар. Ана шундай ёшда Ватан озодлиги учун жангга кирган эди. У халқни ўз ортидан эргаштирди. Бу жанг ватанпарварликнинг олий намунаси сифатида тилларда достон бўлди, улуғ шайх номини абадиятга муҳрлади. Нуроний жангчи душман яловбардорини маҳв этди, ғаним яловини ерпарчин этди. Душман ўз яловини олиш учун кўплашиб улуғ жангчи бармоқларини бир-бир кесдилар...

Бу ҳақда таниқли шоиримиз Минҳожиддин Мирзо гапириб ўтиб, ўзининг ватанпарварлик руҳи билан суғорилган «Ватан надур» шеърини тингловчиларга ўқиб берди. Байроғимиздаги эзгулик ва ёруғ орзу-умидлар тимсоли бўлган ранглар ҳақидаги, муқаддас туғимизнинг қай тариқа дунёга келганлиги тўғрисидаги қизиқарли тарихий далилларни Султонмурод Олим ўз маърузасида келтириб ўтди. Унинг она юрт мадҳ этилган шеърини йиғилганлар қизғин қарши олдилар.

– Бошимизда она Ватан байроғи мағрур ҳилпираб турар экан, бизнинг кўнглимиздан қўшиқлар ўз-ўзидан оқиб келади, юрт ҳақида куйлаймиз, муҳаббатни тараннум этамиз, – дейди яна бир маърузачи шоир Абдураззоқ Обрўев. – Бизнинг чекимизга ҳимоячи бўлишдек муқаддас вазифа тушган. Юрт байроғини кўзимизга тўтиё этиб асрайлик, авайлайлик.

Шоирлар ўз дил сўзларини шеърларда маромига етказиб айтадилар. Тадбирда сўз олган шоир Турсунали Ўрмоновнинг шеърларини ҳам тадбир иштирокчилари илиқ кутиб олдилар. Шеърлар шеърларга уланди. Олий ҳарбий божхона институти тингловчилари ҳам тантанали тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов, Зулфия Мўминова шеърларидан ёд ўқиб бердилар. Тингловчилар Лазизжон Мўминов, Ширин Қосимова, Аббос Ҳайдаровлар шеър ўқиганларида зал олқишларга тўлди.

Сермазмун, унутилмас тадбирга «Ўзбегим ёшлари» гуруҳининг дилбар куй-қўшиқлари, гўзал рақслари янада шукуҳ бағишлади.

Тадбир сўнгида институт маънавият ва маърифат маркази бошлиғи полковник Зафар Турдиев меҳмонларга олий даргоҳ жамоаси номидан миннатдорчилик билдирди.

ИНОБАТ ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ушбу вазифаларнинг бажарилиши борасида изчил чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Аҳоли фаровонлигининг муҳим омили бўлган бандлик масаласини ижобий ҳал этиш, хусусан, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш, янги иш жойлари ташкил этиш борасида аниқ мақсадга қаратилган дастурлар асосида иш олиб борилмоқда. Хусусан, касаначилар ва корхоналар ўртасида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишга қаратилган кооперацияни янада ривожлантириш алоҳида эътиборда.

– Жорий йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши бу йуналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда,–дейди вазирлик ахборот хизмати раҳбари Равшан Иброҳимов ЎзА мухбирига.– Дастур доирасидаги тадбирларни амалга ошириш учун тўрт юз миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.

Иш жойлари ташкил этиш ҳудудий дастурларига мувофиқ жорий йилнинг ўтган даврида беш юз мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди. Улардан 77,1 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келди. Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларида кўзда тутилган кўрсаткичлар барча йўналишлар бўйича ва ҳудудларда тўлиқ бажарилди. Яратилган иш жойларининг асосий қисми аҳоли зич жойлашган Фарғона водийси, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларига тўғри келди.

Юртимизда хизмат кўрсатиш ва сервис ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани мазкур тармоқда банд бўлганлар сонини оширишга хизмат қилмоқда. Жорий йилда бу йўналишда 173 мингта янги иш ўрни очилгани бунинг исботидир. Соҳани қўллаб-қувватлаш учун мингдан зиёд хизмат кўрсатувчи субъектга 4,5 миллиард сўмга яқин микрокредит ажратилди. Шу ўринда микрокредит ажратиш йўли билан иш жойлари ташкил этиш кўлами тобора кенгаяётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, кичик бизнес субъектларига 8,3 миллиард, шахсий ёрдамчи ва қорамол боқиш билан банд бўлган шахсларга 8,5 миллиард сўмлик микрокредит ажратилди. Айни мақсадда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар миқдори эса 24,3 миллиард сўмдан ошди.

Жойларда корхоналар ва хизмат кўрсатишнинг касаначиликка асосланган кооперациясини янада кенгайтириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Бу йўналишда корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари асосида 81,7 минг иш ўрни ташкил этилди. Йирик саноат корхоналарида касаначилик асосида иш жойлари ташкил этишга самарали ёндашилаётганини кузатиш мумкин. Мисол учун "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамиятида касаначиликни ривожлантириш бўйича махсус бўлим ташкил этилди. Унда корхонанинг эҳтиёжи учун қадоқловчилар, тунука маҳсулотлари ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчилар, чилангарлик каби йўналишлар бўйича ишлар мувофиқлаштириб борилаётир.

Жиззах вилоятидаги "Дўстлик-дон" корхонасида 254 нафар касаначи имкониятидан самарали фойдаланилмоқда. Улар кўмагида махсус иш кийими, қоп, кўрпа-ёстиқ жилди сингари маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. "Жиззах электр тармоқлари" корхонасида эса 233 нафар касаначи ёрдамида трансформатор ва электродвигателлар ишлаб чиқариш ва таъмирлаш йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш ишлари ҳам изчил давом этмоқда. Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда, аввало, вазирлик томонидан ёш оилаларнинг эҳтиёжлари ўрганиб чиқилди. Ҳозир шу асосда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Ўтган даврда ёш оилаларга 36,2 миллиард сўм миқдорида ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича жойларда ишлаб чиқилган дастурларга мувофиқ, 62 та кўп қаватли уй қурилиши, қурилиши тугалланмаган ва бўш ётган кўп квартирали ўттизта уйни таъмирлаш режалаштирилган.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу боис бюджетдан ажратилган 216,1 миллиард сўм ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларни ҳимоялашга сарфланди. Бундан ташқари, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 48,3 минг бош қорамол ҳадя қилинди.

Ёш авлодни, айниқса, меҳр-мурувватга муҳтож болаларни ҳар томонлама муҳофазалаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, яшаши ва ўқиши учун зарур шароит яратиш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Жорий йилнинг ўтган даврида шу мақсадда 20,5 миллиард сўм маблағ ажратилиб, "Саломатлик-2" ва "Она ва боланинг соғлигини мустаҳкамлаш" лойиҳалари амалга оширилди. Жумладан, икки мингдан ортиқроқ қишлоқ врачлик пункти, 29 шаҳар поликлиникаси, 28 тиббий-ўқув маркази замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланди. "Меҳрибонлик" уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар давом этмоқда.

Ногиронларга 2,5 мингдан ортиқ ногиронлик аравачаси, мингдан зиёд эшитиш мосламаси, беш мингга яқин протез-ортопедия ва ҳаракатланиш воситалари берилди. Йил охиригача муҳтож ногиронларни реабилитациянинг техник воситалари билан тўлиқ таъминланиши кўзда тутилган. Ёлғиз қариялар, етим болалар, кам таъминланган оилалар ва "Саховат", "Мурувват" уйларида яшовчиларга тўрт миллиард сўмга яқин ҳомийлик ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг амалдаги ифодаси ва самараларидир.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

«Халқаро ҳарбий оркестрлар фестивали»

ҲАРБИЙ САНЪАТКОРЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Мудофаа вазирлигининг Алоҳида намунали ва кўргазмали ҳарбий оркестри Германияда бўлиб ўтган «Халқаро ҳарбий оркестрлар фестивали»да муваффақиятли қатнашиб, юртимизга қайтиб келди. Ижодий жамоанинг хорижий сафарига Мудофаа вазирлиги оркестрлик хизмати бошлиғи, бош ҳарбий дирижёр, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби полковник Павел Макаров раҳбарлик қилди.

Ҳарбий оркестр шахсий таркиби кўплаб ривожланган мамлакатлар Қуролли Кучлари ижодий жамоалари қаторида миллий санъатимиз намуналарини моҳирона намойиш этди. Айниқса, «Дефиле» ва «Плац- концерт» туридаги чиқишлар ҳайъат азолари томонидан юксак баҳоланди.

Вакилларимиз Берлин шаҳридаги маданият саройларида, Кёльн марказий спорт ўйингоҳида концертлар беришди. Махсус репертуарлар асосидаги дастурлар германиялик санъат ихлосмандларига манзур бўлди. Жумладан, «Ватанпарвар», «Ўзбекистоним», деб номланган маршларни томошабинлар гулдурос қарсаклар билан олқишладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли балет гуруҳининг «Лазги», «Андижон полкаси»га эҳтирос билан рақсга тушиши барча томошабинларни жунбушга келтирди, уларнинг кўпчилиги беихтиёр ўйинга тушиб кетдилар.


– Ушбу фестиваль санъат чегара билмаслиги-ни, миллат танламаслигини ва халқларни бирлаштиришини яна бир бор исботлади, – дейди Мудофаа вазирлигининг Алоҳида намунали ва кўргазмали ҳарбий оркестри бошлиғи капитан Қосимжон Отамирзаев. – Миллийликка йўғрилган, руҳиятимизга яқин мусиқа асарларимизни байрам иштирокчилари қизғин қарши олдилар. Сурнай ва қўшноғора каби миллий чолғу асбобларимиз садолари остида янграган мусиқалар хорижлик томошабинларни маҳлиё этди.

Халқаро санъат байрами давомида санъаткорларимиз нафақат концерт дастурларини намойиш қилдилар, балки хорижлик ҳамкасблари билан ҳам ўзаро тажриба алмашдилар. Ижодий жамоа келгусида ўз репертуарларини янада бойитиб, миллий санъатимизни янада кенгроқ тарғиб қилишга чоғланган.

Майор Шуҳратбек ҲОШИМОВ.
Капитан Алишер БОБОХОНОВ суратга олган.



Обуна – 2008



БИЗ «ВАТАНПАРВАР»НИ ТАНЛАЙМИЗ

Мудофаа вазирлигининг қисм ва муассасаларида 2008 йилнинг I ярим йиллиги учун газета ва журналларга, шу жумладан, Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибдаги обуна бошланди.

«Ватанпарвар» газетаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларининг фаолияти ҳақида кенг кўламда ҳикоя қилувчи ягона нашрдир. «Ватанпарвар» газетаси саҳифаларида нафақат турли қўшин турларида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ўқув жараёни ҳақида, шунингдек, уларнинг турмуши, озиқ-овқат ва моддий таъминоти, маданий дам олишлари борасидаги ишлар, турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига берилаётган имтиёзлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар бериб борилади. Таҳририят журналистлари ва жамоатчи мухбирлари бўлажак Ватан ҳимоячиларининг ўсиб келаётган авлодини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратадилар. Ёшлар мавзуси – ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш мавзуси газетамизнинг энг асосий, устувор йўналишларидандир. Шу сабабдан ҳам республикамиздаги рангли даврий нашр бўлмиш «Ватанпарвар» газетаси газетхонларнинг кенг доираси учун қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Обуна компаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, ўқитиш ва тарбиялаш ишида, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий ва ахлоқий-жанговар сифатларни, ватанпарварлик, уюшқоқлик ва интизомликни шакллантиришдаги муҳим аҳамияти ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини офицерлар, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари шунингдек, чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, муқобил хизматни ўтаётган ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиш ишларини уюштиришлари зарур.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим. Ҳар бир минтақада обуна ишлари билан ўрта ҳисобда 2 тадан 5 тагача компания шуғулланаётганига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Обуна компаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлашни тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»

ТАДБИРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК!

Ҳаммага маълумки, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан республикамизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Жорий йилда ушбу тадбир 15 ноябрдан 15 декабргача давом этади.

Ойлик доирасида Мудофаа вазирлиги Ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари бўлими, жойлардаги ёнғиндан муҳофаза қилиш нозирлари билан ҳамкорликда ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ чора-тадбирлар барча ҳарбий қисм ва муассасалар, шаҳарча, олий ҳарбий билим юртларда амалга оширилади. Ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчилари орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кенг кўламда олиб бориш, объектларнинг бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланишни янада яхшилаш ва ёнғинга қарши сув манбаларини соз ҳолатга келтириш кабилар режалаштирилган тадбирлар сирасидандир.

Таъкидлаш жоизки, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш фақатгина тегишли хизмат ходимларининг иши бўлибгина қолмай, ҳар бир офицер, сержант ва аскар, балки барча фуқароларнинг бажариши лозим бўлган муҳим, долзарб вазифа саналади.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» мобайнида ёнғинга қарши ишлар ҳолати тафтиш комиссиялари томонидан кўрилади ҳамда зарур вазифалар белгиланади. Жойларда аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши, уларнинг олди олиниши халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига келган бойликлар, давлат мулки – ҳарбий иншоот ва биноларни, муҳими, инсонлар ҳаётини асрашга хизмат қилиши шубҳасиз.


Минг афсуски, қиш ойларида айрим ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари хоналарни иситиш мақсадида қўлбола электр иситиш мосламаларидан фойдаланади. Шунингдек, носоз, ишлатишга яроқсиз газ ва электр иситиш асбобларини ишлатиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бундай эътиборсизлик ва лоқайдлик эса аянчли, фожеали оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Барча ҳарбий қисм ва муассасаларда, ўз хонадонимизда ёнғин чиқишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги талабларни бажариш мақсадга мувофиқдир:

- электр тармоғига уланган дазмол, иситиш асбоблари ва бошқа электр ускуналарини ишлатишда хавфсизлик қоидаларга қатъий риоя қилинг;
- электр улагичлар изоляцияси соз ҳолда бўлиши керак. Агар электр улагич симлари эскирган, розетка ва патронлар носоз ҳолатда бўлса, тезда электр мутахассисини чақириб, бу камчиликларни бартараф қилинг;
- кимёвий воситалардан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг, чунки улар тез ёнувчан ва портловчи моддалар ҳисобланади;
- газ плитаси устида нарса қуритиш ва унинг яқинида тез ёнувчи ёнилғиларни сақламаслик лозим;
- газ ҳидини сезиб қолсангиз, тезда дераза дарчаларини ҳамда эшикни очиб хонани шамоллатинг. Асло очиқ алангадан фойдаланманг, бу – ёнғинга олиб келади. Газ асбобларини созлашда фақат мутахассислар хизматидан фойдаланинг;
- биноларнинг томларида ўрнатилган мўрилар атрофида тез ёнувчан буюмларни сақламанг;
- телевизор, радио ва бошқа электр жиҳозларини назоратсиз қолдирманг;
- уйда ёш болаларни ёлғиз қолдирманг ва гугурт билан ўйнашига йўл қўйманг;
- хоналарда, ётоқхонада сигарет чекманг; қўлбола электр иситиш ускуналаридан фойдаланиш – ҳаётингиз учун жуда хавфли эканлигини унутманг.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш билан сиз ёнғиннинг келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкни, ўз ва атрофингиздаги кишилар соғлиги, ҳаётини сақлаган бўласиз. Шундай экан, нафақат «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида, балки доимий равишда хавфсизлик чора-тадбирларининг фаол иштирокчиси, тарғиботчиси бўлинг!

Подполковник Ойбек ПАРМАНҚУЛОВ,
Мудофаа Вазирлигининг ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари бўлинмаси бошлиғи.







Суратлар таҳририят архивидан олинган.

ЯНГИЛАНИШЛАР НАТИЖАСИ

Ҳарбий тиббиёт пунктлари ҳақида сўз кетганда, бу саломатлик гўшаларини энг замонавий шифохоналарга қиёслагинг келади. Аслида ҳам шундай. Кундан-кун ривожланиш, янгиланишларга юз тутаётган ҳар бир соҳа қатори Мудофаа вазирлиги тизимидаги нафақат госпиталь ва поликлиникалар, балки ҳарбий қисм ва муассасалардаги тиббиёт пунктларига қўйилган талаб ва эътибор ҳам катта. Юртимизнинг жанубий ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисмларда бўлганимизда ҳам ушбу соҳадаги жиддий янгиланишларга дуч келдик.

Қиру адирлар ошиб ҳарбий қисм томон шошар эканмиз, гўёки денгиз ўртасида жойлашган орол мисоли яшилликка рўбарў бўлдик. Замонавий баланд бинолар, йўл четларига бир текис экилган арча ва қарағайлар, бинолар олдини эгаллаган мевали дарахтлар, гулзорлар, барча-барчаси инсон меҳнати самараси эканлигидан далолат бериб турарди. Бу – биз кўзлаган ҳарбий маскан эди. Ҳарбий жамоа билан танишув жараёнида, қисм тиббиёт пункти ҳам диққатимизни тортди.

Замонавий услубда қурилган икки қаватли бу тиббиёт масканига ҳар қандай одамнинг ҳаваси келади. Кенг ва ёруғ хоналар замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган. Шунингдек, тиббиёт пунктида ҳарбий хизматчилар билан бир қаторда уларнинг оила аъзолари даволаниши учун ҳам шароит яратилгани бизни қувонтиради. Яъни қисм ичида жойлашган ҳарбий шаҳарча аҳли учун болалар ва аёллар шифокорлари хизмат кўрсатиши йўлга қўйилганига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, ички касалликлар ва тиш шифокори, физиотерапия ва дорихона улар хизматига шай. Тиббий хизмат капитани Хайрулло Неъматов бошчилик қилаётган бу саломатлик гўшасида беш нафар малакали шифокор, бир қатор кичик тиббиёт ходимлари фаолият юритишар экан. Биз тиббиёт пунктида бўлган чоғимизда бош шифокор шошилинч тиббий ёрдам билан банд бўлганлиги сабаб, тиббий хизмат кичик сержанти Ҳусанбой Эргашевдан ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олдик.

– Ушбу ҳарбий қисм аҳоли масканларидан узоқда жойлашганлиги сабаб, биз ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига имкон қадар мукаммал хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз, – дейди Эргашев суҳбат чоғида. – Катта шифохоналар билан боғланиш учун эса алоҳида санитар машинаси ажратилган бўлиб, зарур чоғда беморларни керакли шифохоналарга олиб борамиз. Посбонларни ётиб даволанишлари учун алоҳида хоналар мавжуд. Уларга малакали шифокорлар хизмат кўрсатади. Касалликни даволагандан олдини олган яхши. Шу сабабли посбонлар ва ҳарбий оилалар ўртасида шамоллаш, юқумли касалликлардан сақланиш борасида суҳбатлар ўтказиб турамиз, маслаҳат ва тавсиялар берамиз. Бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Энг асосийси, ҳарбийлар ва уларнинг оиласига хизмат кўрсатиш учун тиббиёт пунктимизда етарли даражада шароит яратишга бор имкониятимизни сарфлаяпмиз. Уларнинг хизматига куну тун шаймиз.

Бундай замонавий тиббиёт бинолари ҳар бир аҳоли пунктларида ҳам учрамаслиги мумкин. Айтмоқчимизки, давлатимиз томонидан Ватан посбонлари саломатлигига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг қадрига етмоқ лозим. Шифо маскани хоналарини озода ва ораста асрамоқ, тиббий жиҳозларга жиддий эътибор қаратиш, шифокорлар касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришлари учун тиббиёт пункти бошлиғи ва ходимларидан ўз вазифасига масъулият ила ёндашиш, яратувчанлик ва изланиш талаб этилади, шубҳасиз. Шунингдек, бу ерда даволанаётган посбонларнинг саломатлигини тиклаш баробарида уларнинг дам олиш соатларини мазмунли ўтиши учун ҳам маълум шароитлар яратилган бўлиши керак.

– Бу ерда даволанаётганимга кўп бўлгани йўқ. Бироқ шамоллаш асоратидан қутилдим десам ҳам бўлади, – дейди оддий аскар Ойбек Камолов биз билан суҳбатда. – Бунинг учун муолажаларни ўз вақтида амалга ошираётган ҳамшира Хадича Қаҳҳоровадан миннатдорман. Шароит ҳақида тўхталадиган бўлсам, кўриб турганимиздек имкониятлар етарли. Бизга тажрибали шифокорлар хизмат кўрсатишаяпти. Ҳадемай жанговар хизматга шай ҳолатда дўстларим сафига қайтаман.

Бундай дил изҳорини биз оддий аскар Улуғбек Рустамовдан ҳам эшитдик. Тиббиёт пункти ҳақидаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, юртимизнинг чекка ҳудудларидаги ҳарбий жамоаларда ҳам шундай замонавий тиббиёт пунктлари фаолият юритаётгани Қуролли Кучларимизнинг барча соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилганига яққол мисолдир.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Явный оптимизм

Палестинский лидер Махмуд Аббас положительно оценивает перспективы достижения мирного соглашения между Израилем и палестинцами на международной конференции по Ближнему Востоку в США, запланированной на 26 ноября. Международному саммиту в Аннаполисе израильские и официальные палестинские власти придают большое значение.



ОПЕК против большей добычи нефти

ОПЕК отвергнет призыв США к увеличению добычи нефти в заявлении по итогам встречи глав стран организации, сообщает «Интерфакс» со ссылкой на агентство Bloomberg. ОПЕК готова выразить приверженность обеспечению поставок нефти на мировой рынок. Три официальных лица стран ОПЕК подтвердили агентству эти заявления на условиях анонимности.



На Бангладеш надвигается шторм

Мощный ураган надвигается на Бангладеш. Десятки тысяч жителей прибрежных территорий уже эвакуированы, жертв пока нет. Ожидается, что скорость ветра достигнет 210 км/час, а высота волн в Бенгальском заливе – пяти метров, сообщает «The New York Times».



Приостановлена поставка зенитных установок

Швейцария приостановила поставки зенитных установок в Пакистан в связи со сложившейся в этой стране политической ситуацией. Об этом говорится в заявлении Федерального совета (правительства) Швейцарии. В декабре прошлого года Федеральный совет одобрил продажу Исламабаду 21 зенитной установки SkyGuard общей стоимостью 136 млн. швейцарских франков (121 млн. долларов). Шесть из них уже доставлены в Пакистан, отмечает ИТАР – ТАСС.



Понадобится десятилетняя оккупация

Ракетно-бомбовый удар по Ирану не принесет результатов, если США не введут в страну наземные войска и не оккупируют всю территорию страны минимум на десять лет, заявил дипломат Лоуренс Уилкинсон в докладе американскому конгрессу, передает РИА Новости.



Пустые «самолеты-призраки»

Самолеты авиакомпании British Airways совершают десятки «холостых» перелетов через Атлантику, поскольку у этого перевозчика не хватает бортпроводников. Как пишет «The Daily Mail», каждый рейс приводит к выбросу в атмосферу нескольких тысяч тонн углекислого газа – это в 70 раз превышает объем CO2, выделяемый взрослым человеком за год.



Самый мощный солнечный лазер

В Узбекистане создан первый образец самого мощного на планете солнечного лазера, который будет способен разрезать стальные листы, как масло. Об этом сообщает сайт Press-uz. Установку питает энергией крупнейший в мире концентратор солнечных лучей с размером большого вогнутого зеркала почти в половину футбольного поля. Концентратор сосредоточивает в фокусе лучистую энергию мощностью до миллиона ватт.



Создан «убийца раковых клеток»

Ученые из Медицинского института Говарда Хьюза в США создали синтетическую молекулу, которая способна убивать раковые клетки. Молекула имитирует воздействие белка, который вызывает запрограммированную смерть клеток, сообщает «Science Daily». По словам исследователей, эта технология поможет в борьбе с раком легких и другими злокачественными опухолями.

(www.NEWSru.com).

Передовой опыт

ДВОЙНОЙ РЫВОК КАПИТАНА БЕБИТОВА

Как уже сообщала наша газета, на прошедшем в этом году XV смотре спортивно-массовой работы среди войск Министерства обороны состоялся настоящий прорыв в физической подготовке военнослужащих. Есть в этом весомый вклад и начальника физической подготовки и спорта воинской части капитана Отажона Бебитова. По сравнению с прошлым годом его спортсмены набрали более чем в два раза больше баллов (с 76, 4 до 170,4), заняв первое место среди воинских частей военных округов.

Прежде всего радует, что количество спортсменов-разрядников в этой части серьезно возросло. Этому способствовали прежде всего военная реформа, проводимая в Вооруженных Силах, переход армии на профессиональную основу, которые оказывают благотворное влияние на все стороны боевой и физической подготовки военнослужащих. Оснащение воинской части современными спортивными тренажерами, конкурсный отбор на срочную военную службу интеллектуально и физически подготовленных юношей, серьезное отношение военнослужащих-профессионалов к занятию военно-прикладными видами спорта, вручение достойным значков «Харбий спортчи» также создали для развития спорта в данной части самые благоприятные условия.

Для того чтобы эти условия реализовать в конкретные спортивные достижения, нужна немалая организаторская и разъяснительная работа и прежде всего личный пример командиров и начальников.

– Личный пример офицеров, таких как майор Мирзаходжа Супиходжаев, награжденный Памятным знаком начальника Объединенного штаба, майор Закиржон Сайфутдинов и многих других, – рассказывает капитан О. Бебитов, – сыграл немалую роль в деле совершенствования методики проведения занятий по физической подготовке. Большая разъяснительная и организационная работа, проведенная капитанами Фарходом Аликуловым, Рахимжоном Сувоновым и другими офицерами, способствовали тому, что к участию в первом этапе конкурса в часы спортивно-массовой работы готовились все военнослужащие части. Это позволило не только выявить лучших, но и с хорошим заделом подойти ко второму этапу, проходившему в масштабе округа, и выиграть его.

Разумеется, в этой работе, как и во всякой другой, были свои энтузиасты, активисты, спортсмены, задававшие тон в своих подразделениях. Такие, как старший лейтенант Кодирбек Сарбоев и лейтенант Фаррух Мухитдинов, ставшие настоящими лидерами в своих воинских коллективах во всех спортивных состязаниях и соревнованиях.

И, наконец, нельзя недооценивать военнослужащих-профессионалов. Сержанты Икбол Камалов и Нурулло Рузиев не только сами показывают высокие результаты на спортивных снарядах, но и активно вовлекают в занятия спортом подчиненных, делятся с ними своим богатым опытом, оказывают методическую и моральную поддержку. Словом, являются ближайшими помощниками офицеров в деле вовлечения военнослужащих в активные занятия спортом и проведения физического воспитания подчиненных.

Младшие сержанты Бауржан Жуманов, Куванбек Олисултанов, Мирзахид Мирзатуллаев также показали в ходе всех трех этапов XV конкурса спортивно-массовой работы высокое спортивное мастерство, организаторские и лидерские качества.

Завершился учебный год, воины части успешно сдали итоговую проверку. А у капитана Отажона Бебитова новые задумки и планы по дальнейшей активизации спортивной жизни в подразделениях. За прошедший год в части достигнуто немало. Заметно увеличилось число военнослужащих, вовлеченных в регулярные занятия спортом, уверенно выполняющих требования Военно-спортивного комплекса (ВСК) и разрядные нормы по военно-прикладным видам спорта. Значительно повысился уровень физической подготовленности солдат и сержантов, улучшилась работа по воспитанию у них высоких морально-волевых и психологических качеств. Однако первое место в войсках Министерства обороны и полученные по итогам XV смотра спортивно-массовой работы переходящий кубок и вымпел ко многому обязывают.

Сегодня в воинских подразделениях закладывается основа для достижения новых успехов в следующем году. Не за горами следующий смотр-конкурс, и капитан О. Бебитов делает все, чтобы оставшееся время было максимально использовано для вовлечения каждого военнослужащего к занятиям массовыми видами спорта, как важнейшего средства воинского обучения и воспитания личного состава.

Майор Хайриддин ЗАЙНИЛОВ.







Герои IV Всемирных военных игр

НАСЛЕДНИК СЛАВЫ ЧАГАЕВА

В поединках боксеров бои среди тяжеловесов всегда считались самыми зрелищными. Оттого и победа в тяжелом или супертяжелом весе ценится особо. Однако чемпионское звание в весе до 91 кг нашего земляка Эльёрбека Гуломова памятно нам еще и тем, что показало всему миру: у мирового чемпиона Руслана Чагаева растут достойные продолжатели его славы.



Для воспитанника талантливого андижанского тренера Бахтиёра Джурабаева эта большая победа стала второй по счету, до этого он выиграл турнир в Украине. Силу андижанской школы бокса мировые авторитеты признали и после побед олимпийского чемпиона Мухаммадкадыра Абдуллаева и чемпиона мира среди профессионалов по версии WBA Руслана Чагаева, а теперь и о молодом Эльёрбеке Гуломове будут помнить все.

Историческая память о том, что наш великий предок Захириддин Мухаммад Бабур когда-то покорил Индию с небольшим войском, придавала сил и его сегодняшнему земляку. Мы даже обратили внимание, что имя Бабур является одним из самых распространенных среди жителей Хайдарабада. Значит, там и по сей день хранят люди в душе уважение к нашему великому предку.

«Второе покорение» Индии началось для Эльёрбека с непростого боя против китайца Яо Вея. Итог 16:10 не отражает в полной мере внутреннего напряжения поединка. Китаец в первых раундах был скован, стремясь одним ударом решить исход в свою пользу. Но наш боец постоянно разрушал его атаки загодя, хотя и пропустил несколько чувствительных ударов. В этом и заключается сила боксера тяжелого веса: в умении держать удар, с честью выходить из трудных положений.

Россиянин Мусалджи Магомедов считался фаворитом в полуфинале. У него и опыта международных встреч было больше, и послужной список солиднее. Однако Гуломов сумел наглядно доказать, что настрой на поединок имеет решающее значение. На одном дыхании, отработав все четыре раунда, он не дал сопернику ни одной «зацепки», чтобы переломить исход боя.

А в финале против Джоя Гузмана из США уже Эльёрбека считали более вероятным победителем. Американец Джой Гузман не имел практически никаких шансов выстоять против нашего боксера четыре раунда, поэтому в третьем раунде при счете 27:7 бой был остановлен досрочно ввиду технического нокаута. В боксерской практике очень редко финальные бои завершаются с таким подавляющим перевесом. Значит, у Эльёрбека в будущем есть хорошие шансы стать достойным преемником славы Руслана Чагаева.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.

ТВЕРДАЯ ГАРАНТИЯ



Рядовой срочной службы Нодирбек Атамирзаев один из лучших в своем подразделении. По итогам летнего учебного периода воин по всем предметам обучения показал отличные результаты. Кстати, рядовой Н.Атамирзаев был признан одним из лучших в округе по физической подготовке. Также у него высокие показатели по огневой, тактической, общественно-политической, технической подготовкам. Недавно Нодирбек в своей весовой категории стал чемпионом округа по гиревому спорту.

В зимнем периоде обучения воин твердо решил к нагрудному знаку «Харбий спортчи» заслужить еще и знак «Жанговар тайёргарлик аълочиси».

Целеустремленность, старательность, трудолюбие и серьезнейшее отношение ко всем предметам обучения рядового Н.Атамирзаева говорят о том, что воин обязательно добьется поставленной цели перед собой.

Наш корр.

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА КУРАШ ТАНТАНАСИ

1–3 ноябрь кунлари Макаода ўтказилган Осиё ўйинлари доирасида ёпиқ иншоотларда илк бор кураш бўйича мусобақалар ҳам бўлиб ўтди. Осиё қитъасининг деярли барча давлатлари иштирок этган ушбу ўйинлардаги кураш мусобақасида 8 давлатнинг 50 га яқин курашчилари 4 та вазн тоифасида ўзаро куч синашди. 63, 73, 78, 90 вазн тоифасида ўтказилган баҳсларда Афғонистон, Эрон, Монголия, Хитой Тайпейи, Япония, Макао, Гонконг ва ўзбекистонлик полвонлар ғолиблик учун гиламга тушдилар. Баҳслар якунига кўра, 63 кг вазнда – Бидел Хассанхогнен Токтам (Эрон), 73 кг вазн Маломат Али (Эрон), 78 кг вазн – Лин Бел Вун (Хитой Тайпей), 90 кг вазн – Саеед Хосравинежад (Эрон)лар олтин медалларни қўлга киритдилар. 73 кг вазн билан гиламга чиққан ҳамюртимиз Суҳроб Дўстовга иккинчи ўрин, 90 кгдан ортиқ вазндаги баҳсларда Фазлиддин Мелиевга 3-ўрин насиб этди. Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, осиёлик полвонлар курашимиз сирларини мукаммал ўрганиб, эндиликда полвонларимизни ҳам ортда қолдирмоқдалар. Бу эса ўзбек кураши дунё халқларининг севимли спорт турига айланиб бораётганининг яна бир бор исботидир. Ўтказилган кураш мусобақасида Осиё Олимпия қўмитаси Президенти Шайх Аҳмад Ал Фаҳад Ас Сабаҳ жаноблариниг иштирок этганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Осиё кураш конфедерациясининг фахрий Президенти Ал Сабаҳ Осиё ўйинларининг совриндор полвонларини тақдирлар экан, кураш дунёдаги энг севимли спорт тури бўлиб қолишига ишонч билдирди. Шу билан бир қаторда кураш мусобақасида иштирок этган Африка кураш конфедерациясининг фахрий Президенти, Африка қитъавий Олимпия қўмитаси Президенти Ласанно Пленфо кураш нафақат Осиё давлатларида балки, Африка қитъасида ҳам жадал ривожланаётганини таъкидлаб ўтди.

Ўзбек спорти курашнинг бундай нуфузли мусобақаларидаги иштироки унинг Олимп сари дадил одимлаётганидан нишона десак, муболаға бўлмас.

Карина ҚУРБОНОВА.

Футбол

КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР



Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. 26-тур. «Шўртан» – «Вобкент» – 2:1, «Қурувчи» – «Машъал» – 2:0, «Нефтчи» – «Локомотив» – 0:1, «Андижон» – «Металлург» – 2:2, «Насаф» – «Трактор» – 4:2, «Тўпаланг» – «Қизилқум» – 4:1, «Пахтакор» – «Самарқанд-Д» – 2:0, «Бухоро» – «Навбаҳор» – 1:0.

Мазкур тургача турнир жадвалида юқори ўринларни эгаллаб келаётган жамоалар ўртасидаги кураш мухлислар эътиборини жалб этиб келаётган бўлса, эндиликда қуйи поғоналардаги қайси жамоалар олий лигани тарк этади, деган савол кўпроқ аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Бундай дейишимизга асосий сабаб, иккинчи ўрин учун баҳс олиб бораётган «Қурувчи» ва «Машъал» жамоалари ўртасида ушбу турда ўтказилган ўзаро учрашув кумуш медаллар кимга насиб этишини деярли аниқлаб берди. Келаси йилги Осиё чемпионлари лигаси баҳсларида Тошкентнинг икки жамоаси – «Пахтакор» ва «Қурувчи» иштирок этиши эҳтимоли янада ортди. Мубораклиларни мамлакат кубоги ярим финалида ҳам, чемпионатнинг ҳал қилувчи учрашувида ҳам мағлуб қилишга эришган олий лига дебютанти бўлмиш «Қурувчи» иккинчи ўринга мустаҳкам ўрнашиб олди. Бунинг устига, мазкур жамоа Ўзбекистон кубогининг финалида иштирок этиши ҳам уларнинг қитъа миқёсидаги нуфузли турнир қатнашчисига айланганидан далолат бермоқда.

Совриндор жамоалар номи деярли аниқланган бўлса-да, сўнгги турлар кутилмаган натижаларга бой бўладиган кўринади. Ўтган йилги мавсум охирида ҳам «ғайриоддий» натижалар мухлисларни лол қолдириб қўйгани кўпчиликнинг ёдидан кўтарилмаган бўлса керак. Жорий йил мавсуми ҳам бундан ҳоли бўлмайдиган кўринади.

26-турдаги энг кутилмаган натижа Фарғонада қайд этилди. Яқиндагина кубок учрашувида «Пахтакор»ни жорий мавсумда биринчи бўлиб мағлубиятга учратишга муваффақ бўлган «Нефтчи» мазкур турда ўз майдонида чемпионат аутсайдерларидан бири бўлган «Локомотив»ни қабул қилиб, 0:1 ҳисобида мағлубиятга учраши ҳатто энг «башоратчи» мухлис ёки мутахассиснинг хаёлига ҳам келмаган ҳол бўлди. Зеро, фарғоналиклар ҳали бронза медаллари учун кураш олиб боришлари мумкин эди. Ушбу мағлубиятдан сўнг улар «Машъал»дан 5 очкога ортда қолиб кетишди.

Яна бир кутилмаган натижа Сариосиёда қайд этилди. «Тўпаланг» футболчилари чемпионатнинг кучли жамоаларидан бири бўлмиш «Қизилқум»ни қабул қилиб, йирик 4:1 ҳисобида устун келишди. «Андижон» эса ўз майдонида олий лигани тарк этишга биринчи «номзод» бўлиб турган «Металлург»ни қабул қилиб, аранг 2:2 ҳисобидаги дуранга эришди.

Кейинги турдаёқ «Шўртан» ва «Тўпаланг» жамоалари турнир жадвалидаги хавфли зонадан узоқлашиб олишлари мумкин. Бунинг учун улар меҳмонда «Навбаҳор» ва «Машъал»ни енгишса бас. Бу эса мавсум охирида амалга оширилиши мумкин бўлган ҳолатлардан бири бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. 25 ноябрь куни ўз майдонида «Андижон» футболчиларини қабул қиладиган «Локомотив» ҳам олий лигада ўз ўрнини сақлаб қолиш учун ажойиб имконга эга. Хуллас, аввалги йилларга нисбатан анча қизиқарли ўтаётган жорий мавсум ҳам ўз якунига етиб бормоқда. Яна тўрт турдан сўнг у ҳам тарих саҳифаларидан жой олади...


М. САЙДИВАЛИЕВ.


Атлетический клуб будущего воина

РАЗВИВАЕМ ГРУДНЫЕ МЫШЦЫ

Жимы на скамейке (с гантелями)

Поскольку мышцы груди сокращаются при выполнении наклонных жимов в большом диапазоне, выполняя жимы на скамейке, устанавливайте ее под разными углами наклона. Это позволит вам гармонично развить пекторальные мышцы верхнего, среднего и нижнего секторов. Чтобы выполнить эти варианты жимов на скамейке, установите ее, как показано, с наклоном вверх или вниз. От тренировки к тренировке чередуя эти три положения скамейки, вы добьетесь полноценного развития всех мышц груди.





СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Туркиянинг Анталия шаҳрида ампутантлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бошланди. Дунёнинг ўн икки давлати терма жамоалари қатнашаётган ушбу мусобақани ҳамюртларимиз муваффақиятли бошлашди.

Қуръага кўра, Ўзбекистон терма жамоаси «В» гуруҳдан жой олган. Унда бош мураббий Анвар Исмоилов шогирдлари кейинги босқичга чиқиш учун Украина, Бразилия, Сьерра-Леоне, Нигерия, Эрон вакилларига қарши тўп суришади. Дастлабки турда Ўзбекистон терма жамоаси бразилияликларга қарши майдонга тушиб, 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўпларни ҳамюртларимиздан Ҳайдар Турсунбоев, Азиз Абдураҳмонов ҳамда Абдужамол Шукуровлар киритди.

Мусобақанинг «А» гуруҳида эса Россия, Англия, Туркия, Гана, Франция, Либерия терма жамоалари беллашмоқда.

Эслатиб ўтамиз, мамлакатимиз футболчилари ногиронлар ўртасида ўтказиб келинаётган жаҳон чемпионатида уч маротаба олтин медалларга сазовор бўлишган.

Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд таваллудининг 760 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган миллий кураш бўйича V халқаро турнирига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Маълумки, Паҳлавон Маҳмуд ўз даврининг машҳур курашчиси, шоир ва мутафаккир эди. Унинг хотирасига бағишлаб халқаро турнир уюштирилиши эса буюк бобомизга ҳозирги авлодларнинг эҳтиромидир.

Халқаро турнир декабрь ойининг учинчи ўн кунлигида Хива шаҳридаги спорт мажмуасида бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиз спортчиларидан ташқари, қўшни давлатлардан келган курашчилар ҳам гиламга чиқиши кутилмоқда.

Профессионал боксниг ўта оғир вазнида жаҳон чемпионлари – украиналик Владимир Кличко (IBF) ва россиялик Султон Ибрагимов (WBO) қўш камар учун бўладиган жангда рингга кўтариладилар, деб хабар беради Рейтер агентлиги.

Ҳозир иккала боксчининг промоутерлари ўзаро шартномани имзолаш арафасида туришибди. Жангни келаси йилнинг 23 февраль куни Нью-Йоркдаги «Madison Sguare Garden» саройида ўтказиш режалаштирилган. Демак, ғолиб профессионал боксниг ўта оғир вазнидаги нуфузли тўрт йўналишнинг иккитаси бўйича чемпионлик камарига эга бўлади.

Испаниянинг Виктория-Гайтейс шаҳрида шахмат бўйича дунёнинг олти нафар кучли гроссмейстери ўртасида йирик халқаро турнир давом этмоқда. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов мусобақани анча мавaффақиятсиз бошлаганди. Аммо у охирги икки турда турнир пешқадами Руслан Пономарёв (Украина) ва Анатолий Карпов (Россия)лар билан дуранг натижага эришди. Биринчи даврадан сўнг юртдошимиз ҳисобида 1 очко бор.

Р. Пономарёв (Украина) беш турдан сўнг 3,5 очко жамғариб, биринчи ўринда бормоқда. Ю. Полгар (Венгрия), В. Топалов (Болгария) 3, Л. Нисипян (Румыния) 2, А. Карпов (Россия) 1,5 очко тўплаган.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти тизимидаги Бирлашган техника мактабида автоспортнинг картинг тури бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоаларидан 120 нафардан зиёд спортчи иштирок этди.

Мусобақада энг яхши натижани қайд этган Ангрен автомактаби вакиллари кубок соҳиби бўлишди. Пойтахтнинг С. Раҳимов тумани ўқув-спорт техника клуби спортчилари иккинчи, Ҳамза тумани ўқув-спорт техника клуби спортчилари эса учинчи ўринни қўлга киритишди.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Сир-синоатли дунё

БИР ЛАҲЗАНИНГ ҚУДРАТИ

Лаҳзанинг қудрати нималарга қодирлигини биласизми? Ҳайрон бўляпсиз-а? Тўғри. Бундоқ қараганда, кишининг таъбир жоиз бўлса, бир эснашига сарф бўладиган бир лаҳза назаримизда жуда қисқа кўринади. Унинг қудрати ҳақида ҳар доим ҳам ўйлайвермаймиз. Аммо…

Баъзан у жуда катта нарсани ҳал қилиши ҳам мумкин экан.

Раҳматли Ойша энамнинг хотираларини эшитганимдан сўнг мен бунга иймон келтирганман.

Ойша энам 1901 йилда туғилганлар. 1982 йилда 81 ёшларида вафот этганлар. Энамнинг ҳикоя қилишларича, у киши туғилгунча ота-онасининг (бизнинг опоқдада ва каттабувимиз)нинг ўнга яқин фарзанди гоҳ туғилгандан кейин, гоҳ туғилгунча нобуд бўлган экан. Бу гўдаккинасининг ҳам нобуд бўлиб қолишидан қўрққан ота-она маслаҳатлашиб, рўзғорларига асқотиб турган биттагина сигирини сотиб бўлса ҳам чақалоққа ақиқа-эҳсон ўтказиб элдан боласи учун умр тилаб беришларини сўрамоқчи бўлишибди. Бозор куни опоқдадам сидқидилдан ният қилиб, сигирни сотишга олиб борибдилар. Ниятнинг эзгулиги сабабми, ҳар ҳолда савдолари бароридан келиб, сигирини яхшигина пулга сотибдилар. Ўзларича хурсанд бўлиб, пулни икки қайта санаб олибдилар. Кўринишидан соддалиги, мўминлиги сезилиб турган опоқдадамнинг катта пул санаётганини кўрган бир ўғри бу пулни ўмаришни мўлжал олиб кетидан тушибди. Аммо то уйга етиб келгунича ҳам бунинг имконини қилолмабди. Ақиқа сарфу харажатларини маслаҳатлашиб кунни кеч қилган опоқдадам ва каттабувим шому хуфтонни ўқиб, пулни яна бир санаб, дастрўмолга тугиб, бошидаги ёстиқ остига қўйиб, уйқуга кетибдилар. Ўғри ҳам бир ишга аҳд қилса, охирига етказмагунча қўймайдиганлар хилидан эканми, бир ҳийла ўйлабди. Ахир эҳтиёткор одамнинг бошидаги ёстиғи остидаги пулни сездирмай олиш осонми?! Демак, ўғри ҳам пихини ёрган, анойи эмас. Унинг ҳийласи ҳам анча-мунча одамнинг хаёлига келмайди. Ўғри туннинг яримлашини кутибди. Эр-хотин ва бешикдаги тўдакнинг қаттиқ уйқуга кетганига ишонч ҳосил қилгач астагина, оёқ учида уйга кириб, бешикни ҳовлига олиб чиқиб уй, айвондан нарироққа қўйиб, болани йиғлатиб, ўзи дарҳол яширинибди. Боласининг йиғи овозидан уйғонган каттабувим ёнидаги бешикни топа олмай жон ҳолатда эрини уйғотибди-да, чақалоқ йиғиси келаётган ҳовли томонга чопибди. Эр-хотин боласини соғ-саломат, зиён-шикастсиз кўргач, шукр қилиб турганларида… ҳаммаёқ қарсиллаб, тўс-тўполон бўлиб, ер қимирлабди. Бир лаҳзада рўй берган бу воқеа ўша, тарихга 1901 йилги Андижон зилзиласи бўлиб кирган машъум офат экан. Уй, айвонларнинг тўсинлари, қамиш ёпиб лойсувоқ қилинган томлари ер билан битта бўлиб босиб тушибди. Қий-чув, олатасир, чанг-тўзон бўлиб кетибди. Бешикдаги гўдаги билан бирга омон қолган эр-хотин бу офатнинг қандай рўй берганини, ундан қандай омон қолишганини ҳатто англаёлмай ҳам қолишибди. Чор-атроф вайронгарчиликка, қурбонларга тўлиб кетибди. Маълум вақтдан кейин зилзила тўхтагач, қулаб тушган уйларнинг тош-гувалаклари тортилганда эса, бир лаҳзада рўй берган бу сир-синоат маълум бўлибди..Опоқдадамнинг ўрин кўрпасидаги ёстиқ остига қўйилган пулни қўли билан чангаллаганча том босиб қурбон бўлган нотаниш кишига кўзи тушган эр-хотин нима воқеа рўй берганини англагандай бўлишибди. Демак, шу одам бешикни ташқарига олиб чиққан. Кетидан ота-она ўз-ўзидан югуриб чиқишган… ва юртга келган балойи офатдан омон қолишган…

Улар Яратганга қайта-қайта шукурлар қилишиб, нотаниш одамни ўғри деб эмас, ҳалоскоримиз деб тушунишибди. Ҳалиги пулга эса ўз халоскорлари учун маърака-эҳсон ўтказиб, уни ўз жигари каби иззатлаб кўмишибди.

Хуллас, ўша ўғри сабаб улар, улар орқали эса катта бир авлод омон қолибди. Бир неча йилдан кейин дадам туғилибдилар.

Ойша энам бешта, дадам эса еттита фарзанд кўришибди. Бугун эса, ҳаммамиз жамлансак ота мерос ҳовлига сиғмайдиган бўлиб кетганмиз…

Ойша энам бу ҳикояни айтиб бераркан, холис ният, чиройли орзу Оллоҳга ҳам хуш келади, болаларим, дер эдилар.

Ҳа, инсоннинг кўнглида ёвуз ўй яшамаса, ҳалол, покиза бўлса, ҳатто душманнинг фаолияти ҳам унга яхшилик келтириши мумкин экан. Ҳар гал бир лаҳза қудрати ҳақида ўйлаганимда Ойша энамнинг ўгитлари эсимга тушади. Болаларимга қайта-қайта ҳалоллик, тўғрилик ҳақида гапиргим келаверади.

Замира РЎЗИЕВА.

ОНА КЎНГЛИ

(Воқеий ҳикоя)

Аёл чўчиб уйғонди. Негадир бир хил туш кўряпти. Бунинг устига даҳшатли туш… Қабрнинг очиқ қолган жойидан чала йўргаклангган чақалоқ биғиллаб йиғлаганча қўлчаларини силкитиб, уни чорлагандек бўларди. У эса зил-замбил оёқларини ердан узолмас, қабр эса ёпилиб қоладигандек, тобора қоронғилашиб борарди…

Тўлғоқ жуда оғир кечди. Ўғил бола дунёга келди. Чақалоқ овозини эшитар эшитмас Асила ҳушини йўқотди. Кўп қон йўқотганидан камқувват, заиф аёлнинг ўзи парваришга муҳтож бўлиб қолди. Унинг эри, қайнотаси ва қайнукасидан бошқа яқини ҳам йўқ эди. Шу кунларда эри ҳам олис шаҳарда тирикчилик ташвишлари билан банд, бола кўришганидан тамом хабарсиз эди. Қайнотаси "чақалоқни синглим вақтинча парваришлаб туради", деб келинига ачингандек гўдакни уйига олиб кетди. Асила бу меҳрибонликдан лол қолди. Чунки келин бўлиб тушибдики, қайнотасидан бир оғиз ширин сўз эшитмаганди. Ўғли олисдалиги учун инсофга келиб қолган шекилли, дея хаёлидан ўтказди у. Ва тезроқ тузалиб, гўдагини қўлига олиш орзуси билан ёна бошлади. Унинг назарида кунлар имиллаб ўтаётгандек. Ниҳоят уйга қайтадиган кун ҳам келди…

Ёш аёл уйига гўё қанот боғлаб учиб келди. Истиқболига чиққан қайнотасидан биринчи сўраган саволи шу бўлди:

– Полвончамиз қани?

Қайнотаси чайналиб бир нималар дегандек бўлди. Аёл сабрсизлик билан яна қайта сўради:

– Чақалоғим қаерда…

– Хафа бўлма қизим, чақалоғинг уйга келмай бурун йўлдаёқ нобуд бўлганди, ўзинг соғ қолдинг-ку…

Асила чолнинг кейинги гапларини англамади ҳам. Серрайиб бирпас турди-да ҳушдан кетиб йиқилди.

Орадан ўн кунлар чамаси вақт ўтди. Аҳволи бирдек тушкун, қўрқинчли туши-да бир хил… Шу тонгда сабр косаси тўлди. Саҳарлаб қайнотасининг эшигини қоқди. Чол келинига ажабланиб қаради.

– Менга ҳозироқ чақалоғимнинг қабрини кўрсатасиз. Ўлганига ишонмайман.

– Ақлингни йиғ, келин. Нималар деяпсан. У ўлган, ўша куниёқ ўлган.

– Ўлган бўлса қабрини кўрсатинг лоақал, – шундай дедию Асила баралла йиғлаб юборди.

Уларнинг шовқинига қайнукаси Султон уйғониб келди. Гап нимадалигини билгач , янгасига:

– Кийиниб чиқақолинг, ўзим олиб бориб келаман, – деди.

Чолнинг жаҳли чиқа бошлади. Ўғлига бақириб кетди.

– Ўлган гўдакни тинч қўйинг. Сен ҳам шу девонага қўшилиб эсингни еб қўяётганга ўхшайсан.

– Буни нимаси ёмон. Аввалроқ қилиш керак эди шуни. Анча-мунча тинчланиб қолардилар. Ундан кейин қабристонга боришнинг нимаси девоналик экан, тушунмадим.

Улар қабристонга бориб келишди. Асила тинчланиб қолганга ўхшарди. Аммо шу тунда қўрқинчли туш яна такрорланди. Аёл дераза ёнига келиб тонг отишини кута бошлади. У қатъий бир қарорга келган эди. Тонгда ёлғиз ўзи қабристонга бориб қабрни очиб кўради. Нима бўлса бўлар. У боласини қабри, Унда қўрқинчли нарса бўлиши мумкин эмас. Болам тирикка ўхшайди. Уни тириклай кўмган бўлсалар-а? Адоқсиз ўй-саволлардан унинг боши оғриб кетди. Аммо қароридан қайтмади. Тонг ғира-ширасида йўлга чиқди.

Асила қичкина қабрчани аввал болани силагандек меҳр билан сийпалади. Тўсатдан қўллари сийпалашдан тўхтади. Жонҳолатда қабр тупроғини қўллари билан ҳар томонга суриб оча бошлади.

"Янга", деган ҳаяжонли овоздан чўчиб, илкис бошини кўтарди. Қаршисида ҳаяжондан кўзлари катта-катта очилган Султон турарди.

– Орқангиздан изма-из келдим, – деди у. – Янгажон, бунақа қилманг, гуноҳ бўлади-ку!

– Отангизга ўхшаб сиз ҳам мени жинни бўлган деб ўйлаяпсизми, уйга келган кунимдан бери қабрдаги чақалоқ йиғиси тинчлик бермайди. Болам тирик, деганича Асила тупроқли қўллари билан юзини чангаллаб йиғлаб юборди.

Янгасининг абгор ҳолатини кўриб Султон чидаб туролмади:

– Қабрни ўзим очаман, фақат сиз ҳам бундан кейин ўзимни қўлга оламан деб сўз беринг. Янгаси тупроқ ва кўзёшидан лой бўлиб кетган юз-кўзлари билан унга қараганча шошапиша тасдиқ ишорасини қилди.

Султон ишга киришди. Бирпасда қабрча очилди. Асила ҳамма нарсани унутиб, оқ матога ўралган гўдак мурдасини оча бошлади. Бу даҳшатли манзара эди… Султоннинг тили калимага келмай қолди. Аёл матони очаверди, очаверди… Ва лол бўлганича бўм-бўш матони қўшқўллаб ушлаганича Султонга қаради. Мато ичида чақалоқ мурдасидан асар ҳам йўқ эди.

Султон ниҳоят тилга кирди:

– Отамни нега жаҳл қилганларини энди тушунгандекман. Уйга кетамиз. Буни сирини отам жуда яхши биладилар, назаримда.

Икковлари уй томон ошиқдилар. Уларнинг важоҳатини кўриб чолнинг дами ичига тушиб кетди.Ўзини узоқ оқлади. Яширишнинг фойдаси йўқлигини англагач айбдорона оҳангда шундай деди:

– Қариганимда шайтон мени йўлдан урди. Боланг тирик. Касалхонада вақтинг фарзандсиз бир оила ҳоли-жонимга қўймади. Касал ҳолинг билан болани эплай оласанми-йўқми деб ўйлаб, унинг устига ўзимиз ҳам қийналиб турган эдик, савоб ҳам бўлар деб ўша оилага бериб юборган эдим…

Хуллас анчагина пулга "савоб" учун сотилган бола онаси бағрига қайтарилди. Асила учун қувончли ўша кунда эри ҳам олис сафардан қайтиб келди. Шундай қувончли лаҳзаларда она қалбида ўзгаларга нисбатан адоват, кекнинг сақланиши мумкинми, ахир? Асло! Аёл ўтган ғурбатли кун-туларини унутди. Чақалоқ билан бирга бу хонадонга ўзгача файз, меҳр-оқибат қайтиб келди.

Инобат НОДИРШОҲОВА.

Куз. Деразам олдидаги қайрағоч менга қадрдондек бўлиб қолган. Ҳар сафар кўчага қараганимда уни кўраман. У оҳиста тебраниб, мендан ҳол-аҳвол сўраётгандек, мени унсиз тинглаётгандек гўё. Кечагина баҳор унга яшил либос ҳадя этган эди, ўзига оро бераётган келинчакдек, баҳор сепини кийганди, кечагина қушлар унинг бағрини макон айлаб, бир-бирларига гал бермай чуғурлашаётганди. Унинг остидаги ўриндиқ эса гоҳ кексалар, гоҳ ёш-яланглар, гоҳо болалар билан гавжум эди.

Бугун ҳукмронлик кузнинг қўлида. Менинг қадрдон дарахтим куз либосида олтиндек товланиб, ўзга қиёфа кашф этган. Сайроқи қушлар ўрнини қиш элчиси бўлмиш қарғалар эгаллашган. Ўриндиқ эса хазонлар билан қонланган. Дарахтдан узилиб тушаётган ҳар бир япроқ ҳавода гир айланиб, гўё менга жим турма, вақт ғанимат, бўл тезроқ, деяётгандек. Баъзида одамлар қайғули кунларини куз фаслига қиёслашади. Менинг назаримда бундай эмас.


Куни билан ҳаёт ва иш ташвишлари билан чарчаган одамлар тунда ором оладилар, янги кун учун куч йиғадилар, кундузи ҳаёт қайнаган шаҳар тунда бир оз тин олади. Табиат ҳам тирик, у ҳам тин олиши керак-ку. Ёзи билан соя ва ҳосил берган дарахтларни куч билан таъминлаб турган момо ер ҳам тин олиши керак-ку. Назаримда, куз фасли мана шу имкониятларни табиатга бериш учун ўз вазифасини адо этади. Мен куз фаслини маҳзунликка эмас, болаларидан хавотирланиб, уларнинг бир оз тин олишларини хоҳлаётган онага ўхшатгим келди.

Ҳадемай куз ўз ўрнини қишга беради. Қадрдон дарахтим мен билан хайрлашиб, қиш ҳадя этган либосда уйқуга кетади. Мен унинг уйғонишини интиқлик билан кутиб қоламан.

Баноат ЮНУСОВА.



Ҳар фаслнинг ўз хислати бор,
Ҳар фаслнинг ўз фазилати,
Кумуш қишдан, зумрад баҳордан
Қолишмайди кузнинг зийнати.



КУЗ ЎЙЛАРИ

ҲАФТА ГЎЗАЛИ



Лобар ва гўзал қизлар рукнининг бу галги меҳмони Қуролли Кучлар хизматчиси Нигора Муродиллаева бўлади. Айни пайтда ҳарбий қисмда кутубхона мудираси лавозимида ўз вазифасини бажараётган бу зебо қизимиз посбонларнинг маънавий оламини шакллантиришда, уларнинг дам олиш кунларини мазмунли ўтказишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Табиатан анча киришимли бўлган Нигорахон бўш вақтларида мусиқа тинглашни дўстлар даврасида турли мавзуларда баҳс-мунозара юритишни ёқтиради.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Орасталик – қизларга хос хусусиятдир. Шу боис сизларга уйда ҳам, кўча-кўйга чиққанда ҳам тоза кийимларни кийиб, ораста бўлиб юриш ярашади. Қизим, шуни ёдингда тутки, сен нафақат кийим кийганингда балки, уй юмушларини бажараётганингда ҳам орасталикка амал қилгин. Дастурхонни, идиш-товоқларни ҳар доим тозалаб ювгин. Дарвозингдан кириб келган меҳмонларнинг биринчи галда назари ҳам шуларга тушади. Уйнинг тозалиги ва озодалига қараб, қизларга баҳо беришади

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН
В начале недели вероятны трудности в общении с родственниками, соседями. Чувство неуверенности будет мешать вам сосредоточиться. Денежные вопросы могут оказаться в центре внимания.

ТЕЛЕЦ
Внезапные карьерные взлеты случаются прискорбно редко, однако на этой неделе можно ожидать и не таких чудес. Постарайтесь понять близких, найдите компромиссное решение. Будьте осторожны с новыми идеями и веяниями.

БЛИЗНЕЦЫ
На этой неделе при общении будет важно не только высказаться, но и прислушиваться к аргументам собеседника. Не позволяйте страхам или чувству вины препятствовать в осуществлении намеченных дел. Думайте о будущем.

РАК
Вам будет трудно заниматься тем, что вы запланировали на эту неделю, лучше сразу приготовиться к некоторым изменениям в планах. Вам придется много времени потратить на решение чужих проблем, и не бойтесь новизны.

ЛЕВ
Ваше внутреннее стремление к уединению неосуществимо: вы будете в самой гуще событий. Не доверяйтесь коллегам: их поступками будет руководить зависть. Вероятно знакомство с людьми, которым интересны ваши проблемы.

ДЕВА
На этой неделе будьте внимательнее к новой информации. Вас могут посетить незваные гости. Не стоит принимать скоропалительных решений. Во всем избегайте спорных моментов.

ВЕСЫ
Неделю желательно посвятить подведению итогов. Определитесь заодно с теми направлениями, которые до сих пор оставались неясными. Возможен небольшой конфликт с начальством.

СКОРПИОН
События на этой неделе будут достаточно противоречивы. Если поступит заманчивое предложение, стоит тщательно взвесить все за и против, прежде чем его принимать.

СТРЕЛЕЦ
На этой неделе вам будут удаваться такие противоположные по духу вещи, как совершенно новые проекты. Для тех, кто ищет работу, появится шанс. Могут возникнуть непредвиденные осложнения в самом простом деле.

КОЗЕРОГ
Напряженный труд на этой неделе противопоказан. Если же это невозможно, то постарайтесь хотя бы сократить объем работы в первую половину недели. Поступит много полезной информации, будут удачны деловые встречи.

ВОДОЛЕЙ
Вам необходим свежий взгляд на происходящие с вами события. Придется попросить помощи. Самостоятельно, скорее всего, тут не справиться. Старайтесь использовать любую возможность для отдыха.

РЫБЫ
Наступает благоприятный момент для осмысления и исправления допущенных ошибок. Небольшое путешествие пойдет вам на пользу. Старайтесь сохранять спокойствие и уравновешенность при любых обстоятельствах.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ТАРИХНИ ТИЛГА КИРИТГАН ОЛИМ



Инсоннинг қадр-қиммати билим билан белгиланиши ҳақида аллома боболаримиз кўп ноёб фикрларни айтиб кетишган. «Заковатлилар уқадилар ва билимлилар биладилар, билимли ва заковатлилар тилакларига етадилар», деб ёзади «Қутадғу билик» асарида Юсуф Хос Ҳожиб.

Ёшликда эгалланган билимни тошга ўйилган битикка қиёслашади. Ақл-идрок барқ уриб ўсаётган бу даврда илм-ҳунарга ҳавас ва иштиёқ кучли бўлади. Инсон умрининг кейинги даврларида қандай кўникма ва малакалар унда барқарорлашуви айни шу – болалик, ўсмирлик, ёшлик паллаларидаги интилишга, саъй-ҳаракатларга боғлиқ бўлади. Таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Абдулла Авлоний номидаги Республика мукофоти соҳиби Ҳамдам Содиқовнинг ҳаёти ва фаолияти мисолида ушбу ҳақиқатларнинг исботини кўриш мумкин.

– У вақтда адашмасам иккинчи синфда ўқирдим, – деб ҳикоясини бошлади қаҳрамонимиз. – Қиш фасли бўлгани учун ҳаммамиз битта уйда танча атрофида бир-биримизнинг пинжимизга суқилиб ўтирамиз. Ана шундай кунларнинг бирида акам битта китоб олиб келди. Номи «Синбоднинг ўн икки саёҳати» эди. Китоб русча бўлгани учун акам уни ўзбекчага таржима қилиб бизга ўқиб бера бошлади. Ҳаммамиз қизиқиб эшитдик. Шундай қилиб, ҳар кеч ўзим ҳам «Айвенго», «Монто Кристо», «Уч мушкетёр» каби қизиқарли китобларни кутубхонадан олиб келиб ўқий бошладим. Шу китоблар сабаб бўлиб менда адабиётга ва жанговар тарихга қизиқиш кучайди.

Мактабни битирганимдан сўнг Тошкент давлат университети филология факультетининг журналистика бўлимига ўқишга кирдим. Бу ерда ўқиб юриб ҳам ҳарбий мавзудаги китобларни топиб ўқишни канда қилмадим. Мен тарихга шу даражада шўнғиб кетган эдимки, бу қизиқиш мени аспирантурага бошлади. Аспирантурада Туркистон ҳарбий округи тарихи бўйича илмий изланиш олиб бордим. Мана шу изланишларим бўйича эса газеталарга мақолалар бериб борардим...

Ҳамдам Содиқов аспирантурани битирганидан сўнг, Ўзбекистон халқлари тарихи музейида катта илмий ходим сифатида иш фаолиятини давом эттирди. Бу даргоҳ унинг тарихимизнинг очилмаган қирраларини ўрганишида катта кўмак берди. Чунки ёш олим музейда фаолият олиб бориш баробарида ҳарбий тарихга оид кўплаб фактларни тўплаб, тадқиқот олиб борди, ўрганаётган мавзуси юзасидан архив ҳужжатларини чуқур ўрганди. Натижада икки мингга яқин тарихий ҳужжатларни қўлга киритди. Бу ҳужжатлар асосан шўро даврида босмачи, қонҳўр дея эътироф этилган миллий қаҳрамонларимиз ҳақида эди. Ҳамдам Содиқов барча маълумотларни тўплаб, бир хулосага келди: Яъни, бу инсонлар босмачи эмас, истиқлол курашчисидирлар!

Шундай қилиб, «Гулистон» журналида унинг «Намоздайин бир зўр ўтди жаҳонда» деб номланган мақоласи чоп этилди. Мақолада «босмачи» Намоз Пиримқулов халққа ҳеч қандай зўравонлик қилмаганлиги, балки у ўз сиёсий ҳаракатлари билан мустақиллик, эрк ва озодлик учун курашган асл ўғлон бўлганлиги илмий жиҳатдан, далиллар асосида исбот қилинган. Олим ушбу мавзуни давом эттириб 1974 йилда Қурбонжон додхоҳ, 1978 йилда Дукчи эшон каби миллий қаҳрамонлар номини ҳам юзага чиқарди. Бу эса катта шов-шувларга сабаб бўлди. Шу боис унинг бу ҳаракатларидан шубҳаланганлар ҳам бўлди. Лекин Ҳамдам Содиқов ҳеч қачон бошига ёғиладиган маломат тошларидан қўрққани йўқ. Аксинча, қилган ишларидан жуда ҳам мамнун эди. Инсон бир ишни қилишга бел боғласа, ана шу ишни охирига етказмаса, тинчимайди. Чунки олимнинг олдида ҳали Амур Темурдек соҳибқироннинг давлат бошлиғи сифатида олиб борган сиёсати, унинг ўз халқига бўлган муносабатини халқимизга намойиш этишдек улкан ва масъулиятли вазифа бор эди. Шундай қилиб, Ҳ. Содиқов Амур Темурга оид барча маълумотларни йиғиб тўплади. Бу борада рус, инглиз, араб манбаларидан ҳам фойдаланди. Қарабсизки, жуда катта тарихий ҳақиқатни юзага чиқаришга эга бўлди. Тўпланган материалларини республика матбуоти саҳифаларида эълон қила бошлади. Мақола тўлиғича берилганидан кейин олимга кўплаб газета ва журналлардан ҳам Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ мақолаларга буюртмалар туша бошлади. Шу боисдан ҳам у зиммасидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда янги-янги фактларни топишга ҳаракат қилди ва бунинг уддасидан чиқди ҳам. Натижада, Амир Темур ҳақида одамлар юрагига етиб борадиган мақолалар пайдо бўлди. Олим ушбу мақолаларида соҳибқироннинг ҳақиқий инсоний қиёфасини ёритди. Қарабсизки, Амир Темур шахсиятига бўлган қизиқиш, унинг кейинги фаолиятини ҳам бевосита буюк саркарда билан боғлиқ тарихий ҳақиқатлар билан боғлади...

– Кунларнинг бирида, иш жараёнида қўлимга бир китоб тушиб қолди,–дейди Ҳ. Содиқов.– Бу китоб ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур ҳаётидаги ажойиботлар» номли китоби эди. Китобни синчиклаб ўқиб чиқдим. Лекин унда Темур ҳаёти билан боғлиқ ҳеч қандай ажойиботлар ҳақида ёзилмаган экан. Китобда Амир Темур ёмонотлиқ қилиб тасвирланган эди. Тўғриси, жаҳлим чиқди. Чунки Амир Темурдек ҳар томонлама мукаммал ақл соҳиби, моҳир саркарда ва давлат бошлиғи жаҳонда кўпчиликни лол қолдирган. Ҳатто, Наполеон Бонопарт ҳам ўзини Амир Темурнинг шогирди деб билган ва лашкарларини ҳам Темурнинг ҳарбий Низомига мувофиқ тузган. Чет эл олими Эдуард Гиббон ўзининг «Рим империясининг юксалиши ва инқирози» деган китобидан бир бобни Амир Темурга бағишлаган... Хуллас, ибн Арабшоҳнинг ёзиб қолдирган китобидаги ёлғон фактларни инкор этадиган китоб ёзишга бел боғладим. Амир Темур ҳаётидаги илоҳий куч билан боғланган ажойиб боқеаларни топдим. Бунда эса бевосита туркча-форсча манбалардан ҳам фойдаландим. Мана шу манбаларни 25 йил давомида йиғдим. Китобни «Амир Темур ҳаётидаги ғаройиботлар» деб номладим...

Ҳамдам Содиқов мустақилликдан кейин ҳам баракали ижод қилиб, бой тарихимиз билан боғлиқ кўплаб асарларни ёзди. Жумладан, 1998 йилда «Жалолиддин Мангуберди» қиссасини, 2000 йилда «Ўзбекистон тарихи» китобининг 1-жилдини, 2006 йилда миллий қаҳрамонларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Халқ қаҳрамонлари» китобини ҳамда 2007 йилда ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган «Расмларда Ватан тарихи» китобини кенг ўқувчилар оммасига тақдим этди.

Айни пайтда Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқ ва иқтисодий назария кафедраси профессори Ҳамдам Содиқов мана, узоқ йиллардан буён ушбу қутлуғ даргоҳда талабаларга тарих илмидан сабоқ бериб келмоқда. Уни шогирдлари жонкуяр ва талабчан устоз сифатида ҳурмат қилишади, эъзозлашади.

Инсон ҳаётга бир марта келади. Кўпчилик ана шу қимматли лаҳзалардан унумли фойдаланиб, ўзидан яхши ном ва бебаҳо бойликлар қолдиришга ҳаракат қилади. Бу борада ҳикоямиз қаҳрамони профессор Ҳамдам Содиқовни омадли инсон деб айтишимиз мумкин. Чунки унинг юзага чиқарган тарихий ҳақиқатлари ҳам йиллар ўтса-да, ўз қадр-қимматини йўқотмай, авлодлар учун улкан маънавий мерос бўлиб қолади.

Гулюра ҲОЖИМУРОДОВА.

Қўшиқларда Ватан мадҳи

ЁШЛАР ҚЎШИҒИ

Ўзимизни чоғлаб улуғ ҳимматларга,
Биз тайёрмиз миллат учун хизматларга,
Бир қаричинг алишмай ёт маъволарга,
Онамиздек асрагаймиз сени, Ватан.

Баланд тутиб ғуруримиз, оримизни,
Юртга бериб юракдаги боримизни,
Ёвга бермай ёмғиримиз, қоримизни,
Отамиздек асрагаймиз сени, Ватан.

Ватан тоза севгилардек суюк бўлгай,
Буюк юртнинг фарзандлари буюк бўлгай,
Ёғийларнинг бағри доим куюк бўлгай,
Ёримиздек асрагаймиз сени,Ватан.

Биз ёшлармиз – фидоликдир матлабимиз,
Ватан бизнинг уйимиз ҳам мактабимиз,
Ҳимояда метин бўлар сафларимиз,
Оримиздек асрагаймиз сени, Ватан!

Гулом КАРИМ

НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

(тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Боланинг кўз ўнгида отасини калтаклай бошладилар. Ғирдак муштини тугиб, солиқчиларга ташланди. Улар бир нечаси бирлашиб, ўспиринни йиқитиб, қўлларини қайириб боғлашди...

– Ҳали бу тирмизак шунақа ҳунарлар кўрсатадики, отасиники ҳолва бўлиб қолади, – деди тенгсиз олишувни кузатиб турган солиқчилар бошлиғи. – Яна муҳассилликни жангу жадалдан кўра осон ва даромадли деб, ўрнингга юзта ҳасадгўй кўз тикади. Бундайлардан хирожни беғалва ундириб бўпсан!

Отаси бир неча кун кўкрагини ерга бериб ётди. Яраси ачитар, бўйнидаги манфур занжир ундан кўпроқ азоб берарди. Ҳалиям осон қутулишган экан. Бўйинбоғ тақишдан бош тортган ёки нафрат билан узиб ташлаган деҳқонлар зиндонга ташланган, ерлари тортиб олиниб, болачақалари қулликка маҳкум этилган эди.

Ғирдакнинг отаси солиқларни аранг тўлаб, бўйнидаги занжирдан қутулгач, ётиб қолди. Шунга қарамай, елкасидан тоғ ағдарилгандай шукр қиларди:

– Оллоҳга шукур, бўйнимда занжир билан ўлиб кетмадим. Бўйинбоғ – қуллик белгиси. Энди менинг ўнгланишим маҳол. Эрингни қўлингда ушла, ўғлим. Еринг бўлса, бор ҳосилни солиқчилар тортиб олгандаям, машоқ териб бўлсаям, бир кунингни кўрурсен. Мени мусулмонлар одатича кўм. Ислом ҳақ дин эканига чин дилдан иймон келтирдим. Одил халифа тахтга ўтирса-ю, шариатда белгиланган ортиқ солиқлар солинмаса, юрт дориламон бўладур.

Ғирдак отасининг жанозасида қуръон ўқиттириб, мусулмонлар қабристонига дафн қилди. Аммо падари бузрукворининг бошқа васиятини бажара олмади. Бир неча ой бўлса-да, занжирбанд юришга бўйни ёр бермади. Ҳатто онаизорининг муросаю мадора ҳақидаги илтижоларига ҳам қулоқ солмай, айни ҳосил етилганда ерига харидор қидирди. Ярим баҳосига сотиб, бозордан бир от ва қилич сотиб олди. Узоқ-яқин юртларга қатнайдиган савдо карвонларига соқчи бўлиб ёлланди. Олис сафарга кетганида қарз олиб бўлса-да, онаси ва синглисининг бир неча ойлик харжини олдиндан таъминлаб қўярди. Ҳиндистонга бориб келган карвонга соқчи бўлиб, не-не дарёлардан кечиб ўтиб, не-не ўлкаларни кезиб, қароқчилар билан олишиб, хизмат ҳақидан ташқари ўзи маҳв этган ҳар бир қароқчининг боши учун мўмайгина пул олиб, Ғиждувонга қайтган Ғирдакни мусибат кутиб турарди. Синглиси касалга чалиниб ўлгач, онаси ҳам бу айрилиқни кўтаролмай қазо қилибди. Ғирдак совғага олиб келган ҳинд буюмларини кимсасиз уйга сочиб юбориб, ўкраб йиғлади.

Ёлғиз қолган Ғирдак ҳар бир нарса марҳум жигарларини эслатадиган қишлоқда узоқ туролмай, энг олис ўлкаларга кетадиган карвонга соқчи бўлиб ёлланиш учун Бухородаги катта карвонсаройлардан бирига келди. Бу ерда волийнинг тавочиси карвонларга соқчиликка ёлланиб юрадиганларни аскарликка даъват қилаётгани устидан чиқди. Аскарларнинг қишлоқлардаги зўравонлигидан хабардор Ғирдак унга эътибор бермай, отини карвонсарой отхонасига элтиб боғлаб, танишлари ва дўстларидан сафарга ҳозирланаётган карвонлар ҳақида сўраб-суриштириш учун ҳовлига чиқди. Тавочи унга кўзи тушиб улгурган эди.

– Ҳой йигит! Отинг асл тулпор экан, яроғинг ҳам ярашибдур. Сен каби алп йигитларнинг ўрни лашкарда. Камида ўнбошиликни уддалайсен. Қурол-яроғ, яна битта от, оддий аскарникидан уч баравар кўп маош оласен.

– Солиқ тўлаёлмаган деҳқонларни калтаклашим эвазигами? – деди Ғирдак нафрат билан.

– Бу сенга боғлиқ. Ўнбоши бўлгач, сен буюрмасанг аскарлар бировни калтакламас. Вазифани қандай бажармоқ сенинг ишинг.

Шу тариқа Ғирдак волий қўшинида ўнбоши бўлди. Бу пайтга келиб қурол ишлатишни анча-мунча ўрганиб олгани туфайли ҳарбий машқларда ўзини кўрсатди. Ғирдакнинг ҳарб ишига моҳирлиги, жанговар мусобақаларда ўз ўнлиги билан кўпинча ғолиб чиқишини кўрганлар келгусида у юзбошилик, ҳатто сарҳанглик каби баландроқ рутбаларга эришмоғи мумкин, дер эдилар. Бу башоратлар ўз тасдиғини топди. Аммо Ғирдак халифа лашкарида эмас, балки унга қарши исён кўтарган оқ кийимлилар қўшинида саркардалик мақомини эгаллади...

Ғирдак ғарбий дарвозадан чиқар экан кўксига даланинг салқин эпкини урилди. Девор ёнида тўпланган каттакичик болаларга кўзи тушди. Кўплари қуллар карвонидан қутқарилган болалар. Барчасини ҳам ўз қишлоқларига жўнатишнинг иложи бўлмади. Қариндош-уруғлари қидириб келиб, олиб кетишларини кутишарди. Ғирдак камонларни елкасидан олди. Болалар унинг атрофини давра қилиб ўрашди. Нарироқда эчки юнги ўраб бойланган қўрғошин соққани тепиб, тепук ўйнаётганлар ҳам ўйинни бас қилиб яқин келишди. Болаларнинг баъзиларида ҳам камон бор эди. Деворга ўнта доира чизилган, болалар навбати билан қирқ қадам нарида ўн кишилик сафга тизилиб, доираларни нишонга олиб ўқ уза бошладилар. Тўғри мўлжалга уришганда, севинчдан чапак чалиб қийқириб, ўқлар тугагач, югуриб йиғиб келишарди. Катта ёшли болалар Ғирдакнинг қўшалоқ ёйли оғир камонини сўраб олиб, юз қадамдан туриб нишонга уришга интиларди. Сардор ғолибларга усталар ясаган янги камонларни ўқлари билан ҳадя қилди.

Болаларга қўшилиб дилтанглиги ёзилган Ғирдак дарвозадан чиқиб ўзлари томон келаётган уч қизнинг орасидан Гуландомни таниди ва ваъдасини эсласа-да, ҳайратини яширолмади. Қизлар ёндозлар сафига яқинлашгач, мунғайиб туриб қолишди. Уларни томошага келган, деб гумон қилган болалардан бири билимдонлик билан насиҳат қилди:

– Орқада туриб томоша қилинглар. Ўқ тегиб кетмасин тағин.

– Биз ҳам камондан отмоқчимиз, – деди Гуландом.

Болалар орасида гурра кулгу кўтарилди. Гарчанд ёш жиҳатдан барчалари Гуландом ва дугоналаридан кичик бўлишса-да, ўзларига тенглашмоқчи бўлган қизларни майна қилишарди:

– Қиз болага ўқ отишни ким қўйибди!

– Бориб сигирларингни соғсаларинг-чи. Бузоғи эмиб қўймасин.

Қизларга бошда насиҳат қилган бола яна билағонлик қилиб узиб олди:

– Сигир елинини чўзиш бошқа, камон ипини тортиш бошқа!

Қизлар мулзам бўлиб қолишди. Гуландом норози қиёфада қошини чимириб, Ғирдакка қараб қўйди.

Ғирдак қизлар сари юриб далда берди:

– Зап келдингизлар-да қизлар! Шодиябегим бўлукига бир эмас – учта жангчи ҳозирлаб берар эканмиз-да!

Сўнгра болаларга хитоб қилди: – Йигитлар! Элимиз тарихида ҳарб ишида ном қозонган аёллар кам бўлмаган. Баъзилари ҳатто эркаклар сафини жангга бошлаб кирган. Малика Тўмарисни, ўзимизнинг Бухоро вилоятида ҳукм суриб, юртини ёвга бермаган қабож хотинни эслайлик. Алар қозонган улуғ зафарларга унча-мунча эркак саркарда ҳам эришолмаган. Агар бизнинг замонда ҳам шундай



ёвқур аёл саркарда чиқса, унинг туғи остида элимиз эрки учун жангга киришдан биз асло ор этмасмиз. Шундай экан, йигитлар, энди қизларга ҳам навбат берайлик.

Қизларга якка - якка отишга изн берилди. Ғирдак орқасига пат қадалган темир учли ёй ўқини камон гиришига солиб Гуландомга тутқазиб, "қаттиқроқ тортиб, девордаги белгини кўзлаб, қўйиб юбор", деди. Қиз ҳаяжонданми, ҳали ўрганмаганданми, гўё охиригача тортишга кучи етмагандек, камон ипини нозик бармоқлари билан озгина чўзибоқ, қўйиб юборди. Пастлаб учган ўқ баланд кўтарилмай, ярим масофада ерга суқилиб қолди. Болалар мазах қилгандек қийқириб кулишди. Билағон бола учинчи марта узиб олди:

– Девордаги нишонга ўқ қадаш бошқа, каштага нина санчиш бошқа.

Қизнинг қип-қизариб, йиғламоқдан бери бўлганини сезган Ғирдак унинг кўнглини кўтарди:

– Бошланиши учун бўлаверади. Ҳали болалардан ҳам яхшироқ отадиган бўласен.

(Давоми бор).

Кино оламида

ЯПОНИЯДА ЎЗБЕК КИНОСИ КУНЛАРИ

Япониянинг маданият агентлиги қошидаги Миллий фильм- марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси ва Япония Миллий фильм-маркази томонидан Япон жамғармаси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамда Япониянинг йирик NHK ва TBS телевизион компаниялари техник кўмаги остида «Японияда ўзбек киноси кунлари» кинофестивали ўтказилди.

Ўзбек кинематографияси ривожининг турли даврларида яратилган 11 та киноасар киритилган кинофестиваль дастури илк маротаба бундай миқёсда Япониянинг кенг жамоатчилиги эътиборига ўзбек кино санъатининг шаклланиши тарихи ва ҳозирги эришилаётган ютуқларини ҳавола этди. Фестиваль мобайнида япониялик кино мухлисларига Шуҳрат Аббосовнинг «Тошкент– нон шаҳри», Элёр Эшмуҳамедовнинг «Севишганлар», Фарид Давлетшиннинг «Бухоро амирининг махфий саёҳати», Нозим Тўлахўжаевнинг «Ёқимли ёмғир ёғади» ва «Қуш» (анимацион фильмлар), Юсуф Розиқовнинг «Ваъзхон» ҳамда «Қизлар чўпони», Зулфиқор Мусоқовнинг «Мен хоҳлайман», «Она» ва «Абдуллажон», ёки Стивен Спилбергга бағишланади» каби фильмлари намойиш этилди. Барча фильмлар таниқли япон киношунослари ва Япония Миллий фильм-маркази мутахассислари – кинофестиваль ташкилий қўмитаси аъзолари тавсиялари асосида танлаб олинди.

Махсус намойиш сифатида япон кинотанқидчилари ва режиссёрлари эътиборига 2007 йилда суратга олинган янги асарлар – Қамара Камолованинг «Йўл бўлсин» номли бадиий- этнографик фильми ва Т. Қўзиев лойиҳаси бўйича яратилган «Лангар» ҳужжатли фильми тақдим этилди. Иккала фильм ҳам япон экспертлари томонидан юқори баҳога сазовор бўлди ва Японияда ўтказиладиган халқаро кинофестивалларда намойиш этиш учун тавсия қилинди.

Шунингдек, мазкур кинофестиваль доирасида TBS телекомпаниясининг япон кинорежиссёри Джожи Иида томонидан яратилган «Аждарнинг боши» картинаси ҳам намойиш этилди. Бу фильм ўзбек кинематографчилари билан ҳамкорликда республика ҳудудида япон киносининг ёш юлдузи, таниқли актёрлар сулоласи вакили Саяка Канда хоним иштирокида суратга олинган дастлабки япон тижорий фильмларидан биридир.

Япония кинотанқидчиларининг ўзбек кинематографияси тарихи ва ҳозирги ҳолати, ўзбек халқининг маданияти ва анъаналари ҳамда келажакдаги ҳамкорлик лойиҳалари истиқболлари масалаларига бағишланган кундалик маъруза ва чиқишларининг уюштирилиши фестивалнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлди. Мазкур тадбирларда нуфузли кино арбоблари ва таниқли маърузачилар иштирок этдилар. Булар – кино тарихи бўйича мутахассис, кинотанқидчи, Тошкентда ўтказилган Осиё ва Лотин Америкаси давлатлари кинофестивалларининг иштирокчиси Ямада Кадзуо, Япон жамғармаси киношуноси, 1994 йилда ўтказилган «Марказий Осиё киноси кунлари» кинофестивали ташкилотчиси Окубо Кеничи, Фукуок халқаро кинофестивали директори Сайто Тадао, NHK продюсери, Зулфиқор Мусоқовнинг «Мен хоҳлайман» фильми яратилишида иштирок этган Уэда Макото, Марказий Осиё кинематографияси экспертлари Иноуэ Тору ва Сано Синдзюлардир.

Мазкур лойиҳанинг муваффақияти кино соҳасида иккала мамлакатда келажакда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун муҳим асос, шунингдек, ўзбек ва япон киноси мутахассисларининг Ўзбекистон ва Японияда яшовчи замондошларимизнинг ҳаёти, маданияти, анъана ва урф-одатларини кенг ёритиб берувчи янги фильмлар яратишда ўзаро ҳамкорликни давом эттиришлари учун омил бўлди. Мазкур кенг миқёсли тадбир муҳим сана – Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 15 йиллиги нишонланаётган йилда ўтказилгани ҳам диққатга сазовордир.

С. ПЎЛАТОВ.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Владимир Кузнецов** ва **Роберт Ислакаев** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-4294. **Адади** 23600.